В получении высококачественной сельхозпродукции защита растений играет ключевую роль, до настоящего времени использование химических средств остается приоритетным. Хотя эффективность таких средств защиты растений (СЗР) достаточно высока, существуют проблемы с их экологической составляющей, которую можно улучшить путем применения безопасных препаратов на основе природных соединений, а также СЗР с использованием созданных на базе технологий РНК интерференции и активного редактирования геномов. Вопрос об экономичности разработок СЗР предполагает, что доля химических будет со временем снижаться, за счет их замены биологическими. Однако, в Узбекистане биологические СЗР в общем рынке пестицидов занимают очень незначительный объем.

Уникальной активной составляющей биологических СЗР могут стать эндофиты, определяемые как способные жить в тканях растений, не вызывая у них болезней, некоторые из которых, являясь важной интегративной частью фитобиома, проявляют комплекс хозяйственно полезных признаков, таких как антагонизм к патогенам и инсектицидность, способность к мобилизации и фиксации элементов минерального питания растений (фосфор и азот), деградировать токсины, негативное влиять на эндосимбионтов вредителей, индуцировать устойчивость к абиотическим стрессовым факторам и загрязнению среды, стимулировать рост растений и фитоиммунитет.

Один из первых экспериментов по исследованию защитных свойств эндофитов касался изучения антагонизма бактерии *Pseudomonas aureofaciens* к грибу *Ceratocystis ulmi* в тканях ясеня американского [1]. Вскоре после этого способность к биоконтролю патогенов была обнаружена у эндофитных штаммов *Bacillus* spp., *Enterobacter* spp., *Burkholderia* spp.

Более высокая, в сравнении с ризосферной микрофлорой, устойчивость эндофитов к воздействию окружающей среды, вследствие тесных взаимоотношений с растением-хозяином и интегрированностью их в фитобиом, предполагает не только их активное влияние на физиологические характеристики. Комплексная продукция растениями под влиянием эндофитов различных биологически активных веществ, включая антибиотики, антиканцерогенные и антиоксидантные вещества, летучие органические соединения, антифунгальные, антивирусные, инсектицидные, иммуномодулирующие агенты, биопластики и др. позволяет говорить и о других направлениях их хозяйственного назначения. Так, способ-

ность эндофитов к биоконверсии пестицидов и снижению токсического действия поллютантов открывает возможности использования их в практике биоремедиации загрязненных территорий и снижения их содержания в продуктах питания [2]. Выработка биологически активных соединений позволит в перспективе использовать такие штаммы не только для защиты растений от вредных организмов, а даже в качестве пробиотиков, интегрированных в растениеводческую продукцию, для профилактической защиты животных и человека от заболеваний инфекционного характера.

Существуют критерии распознавания «истинных» эндофитов: а) изоляция из поверхностно-дезинфицированных тканей; б) молекулярное обнаружение ДНК в тканях растений; в) способность выделенных колоний заселять ткани хозяина и других видов растений не вызывая у них патологических изменений. Интересно, что в ряде геномов штаммов обнаружены последовательности ДНК, ответственные за кодирование доменов белков, связанных с азотфиксацией и показано, что некоторые из них способны к такой функции. Так, бактерия *Herbaspirillum* sp., обладающая вирулентностью к растениям кукурузы, риса и сахарного тростника, фиксировал азот и экспрессировал *nif* гены при взаимодействии с проростками дикого риса [3]. Отмечено, что некоторые ризобии, фиксирующие азот на бобовых, также проявляли эндофитность и обнаруживались в несвойственных для их существования тканях и видах растений, таких как батат *Ipomoea batatas* L. и сахарное сорго *Saccharum officinarum* L. [4, 5]. Показано, что СРПБ могут эффективно защищать растения от вирусов как через активацию системной устойчивости, так и непосредственно, продуцируя рибонуклеазы. Особый интерес для исследователей, в связи с этим, вызывает способность бактерий *B. amyloliquefaciens*, *B. intermedium* и *B. licheniformis* вырабатывать внеклеточные рибонуклеазы, названные барназами, биназами и балифазами, соответственно. Обнаружено, что сами барназы кроме способности формировать защиту от вирусов могут защищать растения и от других болезней, например, табака от фитофтороза. Продуцирующий сурфактин штамм бактерии *B. subtilis* BMG02 эффективно защищал растения томатов от мозаики.

Как правило, не все производственно-«полезные» свойства бывают собраны в одном производственно-значимом штамме, что требует формирования из наиболее экономических значимых штаммов формировать композиции. Вместе

с тем, часто можно встретиться с проблемой несовместимости штаммов и потери их эффективности. В этом случае могут помочь современные молекулярно-биологические технологии, позволяющие с высокой точностью перенести и сконцентрировать «полезные» гены в одной бактериальной линии, придавая ей новые, неприсущие исходным штаммам свойства. Например, способность к синтезу гидролаз (протеазы, хитиназы и глюканы) позволило сформировать линию *Burkholderia vietnamiensis*, обработка которой защищала пшеницу от ризиктониоза, хлопчатник от фузариоза, томаты от серой гнили. Использование геномного шаффлинга Дж. Зао с сотрудниками [6] позволило получить штамм бактерии *B. amyloliquefaciens* FMB72. Синтезирующий в 8,3 раз больше фенгидина, чем исходный штамм ES-2-4, выделенный из шлемника *S. baicalensis* Georgi. [7]. При слиянии протопластов, выделенных из *B. thuringiensis* и *B. subtilis* получены

гетерокарионы, обладавшие высоким уровнем инсектицидности против совки *Spodoptera litura* [8].

Способность эндофитных бактерий продуцировать фунги- и инсектотоксичные белки, праймировать фитоиммунные реакции и долговременно сосуществовать в тканях растений способствует созданию биопрепаратов на исключительно новой основе и уходу от использования химических СЗР, а также генно-модифицированных растений, продуцирующих соответствующие инсекто-, акари-, фунги-, бактериоцидные белки.

В Узбекистане существует большой потенциал разработки препаратов на основе эндофитных микроорганизмов и компания «Biopovatic» активно участвует в данном направлении совместно с сотрудниками Узбекского НИИ карантина и защиты растений. Расширение промышленного применения данных препаратов в Узбекистане наглядно показывают перспективность разработки соответствующих программ.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Myers D.F., Slobel G.A. // Transactions of the Brit. Myc. Soc. 1983. V. 80. P. 389-394.
2. Гарипова С.Р. // Успехи современной биологии. 2012. Т.132(5). С.493–505.
3. Santoyo G., Moreno-Hagelsieb G., Orozco-Mosqueda M.C., Glick B.R. // Microbiol. Res. 2016. V. 183. P. 92-99. doi: 10.1016/j.micres.2015.11.008.
4. Terakado-Tonooka J., Ohwaki Y., Yamakawa H., Tanaka F., Yoneyama T., Fujihara S. // Microbes Environl. 2008. V. 23. P. 89–93.
5. Thaweenut N., Hachisuka Y., Ando S., Yanagisawa S., Yoneyama T. // Plant Soil 2011. V. 338. P. 435–449.
6. Zhao J., Zhang C., Lu J., Lu Z. // Can. J. of Microbiology. 2016. V. 62(5). P. 431-436.
7. Zhang X., Huang Y., Harvey P.R., Ren Y., Zhang G., Zhou H., Yang H.E. // Biotechnol Lett. 2012. V. 34(2). P. 287-293. doi: 10.1007/s10529-011-0760-z.
8. Revathi K., Chandrasekaran R., Thanigaivel A., Akirubakaran S.A., Senthil-Nathan S. // Arch. Phytopathol. Plant Prot. 2014. V. 47(11). P.1365–1375.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БИОКОНТРОЛ КИЛИШ УЧУН БИОФУНГИЦИДЛАР СИФАТИДА ТУЗГА ЧИДАМЛИ ТУПРОҚ БАКТЕРИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Рузиева Нодида Лазизхон кизи,

Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти,

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна,

Тошкент давлат техника университети, биология фанлари наук, профессор,

Рўзметов Дилшод Русмат ўғли,

ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, кичик илмий ходим.

Аннотация: Мақолада Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманининг юқори шўрланган тупроқларидан ажратилган тупроқ бактерияларининг тузга чидамли штаммларини сабзавот экинларининг турли касалликларини биоконтрол қилиш учун биофунгицид сифатида ишлатиш имкониятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: *Cladosporium oxysporium*, *Aspergillus niger*, *Rhizoctinia solani*, *Phytophthora infestans* ва *Fusarium* авлоди фитопатогенлари, *Bacillus* авлодига тупроқ тузига чидамли бактериялари, антагонистик фаоллик.

Аннотация: В статье представлены результаты исследований возможности использования солеустойчивых штаммов почвенных бактерий, выделенных из сильнозасоленных почв Кунградского района Каракалпакистана в качестве биофунгицидов для биоконтроля различных болезней овощных культур.

Ключевые слова: фитопатогены *Cladosporium oxysporium*, *Aspergillus niger*, *Rhizoctinia solani*, *Phytophthora infestans* и рода *Fusarium*, почвенные солеустойчивые бактерии р. *Bacillus*, антагонистическая активность.

Дунё бўйича ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланиш тенденцияларининг таҳлили шуни кўрсатадики, биологик усулдан, хусусан, антагонист микроорганизмлардан сабзавот экинларининг фитопатогенларига қарши фойдаланиш маълум истиқболга эгадир. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари олимлари бактериялардан чиқадиган биологик препаратлардан фойдаланишни афзал кўришади [1].

Тупроқдаги антагонистик бактериялар орасида *Bacillus Cohn* авлоди бактериялари фитопатогенларни биологик назорат қилишнинг истиқболли воситаларидир. *Bacillus* авлоди бактерияларининг тупроқ микромицетлари антагонизмида антибиотик моддаларнинг роли энг кўп ўрганилган [2]. Спора ҳосил қилувчи бактерияларнинг кўп турлари турли хил антибиотикларни ишлаб чиқаради. *Bacillus subtilis* штаммлари бацитрацин ва субтилин антиотикларни ишлаб чиқаради. Уларнинг аксарияти патоген микромицетларини ўсишини олдини олади [3]. *Bacillus* туридаги бактерияларда антагонистик фаоллик спектри кенг: уларнинг метаболитлари, асосан, полипептид ва аминокликозид сериясининг антибиотиклари билан ифодаланади [4].

Юқумли касалликлар билан бир қаторда ўсимликлар шўрланган тупроқларда жуда хилма-хил табиатга эга бўлган турли хил юқумли бўлмаган касалликларга дуч қилади.

Юқумли бўлмаган фитопатоген омиллар ҳароратнинг ўзгариши, қурғоқчилик, ортиқча намлик, озуқа моддаларининг етишмаслиги, тупроқ шўрланиши, ишлов бериш технологиясининг бузилиши ва бошқалар бўлиши мумкин. Ўсимликлар ноқулай омилларга (стресс омилларига) таъсир қилганда, унда кескин ҳолат юзага келади, нормадан четга чиқиш стрессдир [5]. Шу муносабат билан ўсимликларнинг юқумли касалликларга мойиллигини шакллантиришда стресс омилларининг ролини ва бошқа томондан юқумли ўсимлик касалликларининг юқумли бўлмаган стресслар ва патологиялар билан бирлашиши муҳим аҳамиятини ҳисобга олиш керак [6] (1-расм).

Шунинг учун фитосанитария ҳолатини бошқариш ва шўрланган деградацияга учраган тупроқларда сабзавот экинлари саломатлигини мустаҳкамлашнинг яхлит, экологик хавфсиз усулларини амалий ишлаб чиқиш вазифаси долзарб ҳисобланади.



Юқоридагиларга асосланиб, тадқиқотимизнинг асосий мақсади сабзавот экинларининг баъзи фитопатогенлари ўсишини пасайтиришига қодир бўлган тупроқ тузига чидамли бактерияларнинг юқори самарали штаммларини текширишдан иборат бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманининг юқори шўрланган тупроқларидан ажратиб олинган *Bacillus subtilis* K-26 ва *Bacillus thuringiensis* K-7 бактериялари *Cladosporium oxysporium*, *Aspergillus niger*, *Rhizoctinia solani*, *Phytophthora infestans* ва *Fusarium* авлоди юқори антагонистик фаоллик кўрсатгани аниқланди.


Bacillus subtilis K-26 штамми *Fusarium javanicum* 749, *Fusarium oxysporium* 974 и *Fusarium oxysporium* f.sp.capsici 778 сабзавот экинлари фитопатогенларига қарши юқори антагонистик фаолликни кўрсатди ва *Bacillus thuringiensis* K-7 штамми *Fusarium solani* 785 фитопатогенига антагонистик фаолликни кўрсатгани аниқланди.

1-жадвал.

Сабзавот экинларининг фитопатоген замбуруғларига нисбатан тузга чидамли тупроқ бактерияларининг антагонистик фаоллиги

Касалланган ўсимлик намунасидан олинган вилоят	Касалланган сабзавотларнинг номи	Касалланган сабзавотлардан ажратиб олинган фитопатоген замбуруғлар штаммларининг номи	Бактериялар томонидан фитопатоген замбуруғларнинг ўсишини тўхтатган зона кенлиги, мм	
			<i>Bacillus thuringiensis</i> K-7	<i>Bacillus subtilis</i> K-26
Тошкент вилояти	Пиёз (<i>Allium sepa</i> L.)	<i>Fusarium javanicum</i> 749	15,2	25,4
Қорақалпоғистон Республикаси	Бодринг (<i>Cucumis sativus</i> L.)	<i>Fusarium oxysporium</i> 974	11,6*	25,5
Сирдарё вилояти	Болгар қалампири (<i>Capsicum annum</i>)	<i>Fusarium solani</i> 785	10,5*	0
Сирдарё вилояти	Болгар қалампири (<i>Capsicum annum</i>)	<i>Fusarium oxysporium</i> f.sp. capsici 778	18,2*	21,4*
Қорақалпоғистон Республикаси	Бодринг (<i>Cucumis sativus</i> L.)	<i>Cladosporium oxysporium</i> 971	14,1	31,4
Тошкент вилояти	Пиёз (<i>Allium sepa</i> L.)	<i>Aspergillus niger</i> 815	11,2*	5,3
Тошкент вилояти	Картошка (<i>Solanum tuberosum</i> L.)	<i>Rhizoctinia solani</i> 620	0	31,2
Қорақалпоғистон Республикаси	Помидор (<i>Lycopersicum esculentum</i> L.)	<i>Phytophthora infestans</i> 978	z	15,3*

Изоҳ: «0» замбуруғ ўсиш зонасига таъсири кузатилмади.



Bacillus subtilis K-26 штамми *Cladosporium oxysporium* 971, *Rhizoctinia solani* 620 и *Phytophthora infestans* 978 фитопатогенларига энг юқори ингибирлик таъсир кўрсатган ва

Bacillus thuringiensis K-7 штамми *Aspergillus niger* 815га қарши ингибирлик таъсирини кўрсатган (1-жадвал, 2 - расм.).

Натижада *Bacillus subtilis* K-26 ва *Bacillus thuringiensis* K-7 тузга чидамли бактериял штаммларнинг антагонистик фаоллигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида уларни шўрланган деградацияга учраган тупроқларда сабзавот экинларининг ўрганилган касалликларини биологик назорат қилишнинг истиқболли агентлари сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Фунгицидлик зонаси – антагонистик хусусиятлари ўрганилаётган микро-организмнинг газонда тест-объектни (бу ерда замбуруғ турлари) ўсишини тўла тўхтатган зона кенглиги, мм.

*Фунгистатик зонаси–антагонистик хусусиятлари ўрганилаётган микроорганизмнинг газонда тест-объектни (бу ерда замбуруғ турлари) ўсишини тўла эмас, балки ўртача ёки кучли даражада тўхтатган зона кенглиги, мм.

АДАБИЁТЛАР:

1. Morgounov A., Rosseva L. and Koyshibaev M. Leav rust Wheat in Northern Kazakhstan and Siberia incidence virulence and breeding for resistance // Australian Journal of Agricultural Research. -2007. -No 56. -P.847-853.
2. Даниленкова Г.Н. Всероссийский форум защитников растений //Защита и карантин растений. – 2004. – № 1. – С. 4–8.
3. Маланичева И.А. и др. Новые антибиотики, образуемые штаммами *BACILLUS SUBTILIS*. //Микробиология. Том 83 №4. «Наука» Москва, 2014. с.445.
4. Воронкович Н.В. Бактерии рода *Bacillus* как агенты биологического контроля фитопатогенов картофеля // «Актуальные проблемы естественных наук»: материалы международной научно-практической конференции. (26 октября 2011 г.). Новосибирск, 2011. С. 138.
5. Шпаар Д., Бартельс Г., Бурт У. и др. Защита растений в устойчивых системах земледелия/Под ред. Д. Шпаара. Кн. 1. Берлин, 2004. 392 с.
6. Шкаликов В.А., Дьяков Ю.Т., Смирнов А.Н., Джалилов Ф.С.-У. и др. Иммуитет растений / Под ред. В.А. Шкаликова. М., 2005. 190 с.

УЎТ: 632.2.7.

АНТАГОНИСТИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ СОЛЕУСТОЙЧИВЫХ ПОЧВЕННЫХ БАКТЕРИЙ *P. BACILLUS* И *PRIESTIA* К ФИТОПАТОГЕНАМ *P. ALTERNARIA*

Рузиева Нодира Лазизхон кизи,

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека, PhD докторант,

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна,

ТашГТУ им. Ислама Каримова, доктор биологических наук, профессор,

Шерембетов Анвар Гулмирзаевич,

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз, докторант

Аннотация: В статье представлены результаты исследований антагонистической активности солеустойчивых штаммов бактерий, выделенных из сильнозасоленных почв Кунградского района Каракалпакистана и возможности их использования в биоконтроле болезней овощных культур против фитопатогенов рода *Alternaria*.

Ключевые слова: фитопатогены рода *Alternaria*, почвенные солеустойчивые бактерии *p. Bacillus* и *Priestia*, антагонистическая активность.

Аннотация: Мақолада Кўнград туманининг юқори шўрланган тупроқларидан ажратиб олинган тузга чидамли бактериял штаммларнинг антагонистик фаоллиги ва сабзавот экинлари касалликларини *Alternaria* турига мансуб фитопатогенларга қарши биоконтролда қўллаш имкониятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: *Alternaria* авлодининг фитопатогенлари, *Bacillus* ва *Priestia* тупроқ тузига чидамли бактериялари, антагонистик фаоллик.

Большой ущерб сельскому хозяйству наносят грибные болезни растений. Основной причиной являются инфици-

рованные семена и благоприятные условия в почве для развития и накопления фитопатогенной микрофлоры. Кроме

того, химические препараты, предназначенные для борьбы с болезнями растений, ядовиты, а обработка семян фунгицидами замедляет получение полных всходов, особенно в экстремальных для прорастания условиях (холодная погода, недостаток или избыток влаги, почвенная корка и т.д.).

Альтернариоз (бурая пятнистость) - грибковое заболевание, вызванное грибами рода *Alternaria*. Грибы рода *Alternaria* представляют собой патогенные организмы, которые способны уничтожить за сезон до 50% урожая овощей. В дополнение к порче широкого спектра пищевых продуктов, они способны продуцировать вторичные метаболиты, которые считаются как фитотоксинами, так и микотоксинами, которые могут быть вредны как для растений, так и для людей и животных. Альтернариоз проявляется на растениях в виде темных пятен и плесени (рис.1).



Рис. 1. Альтернариоз овощных культур и картофеля

Ежегодно в мире для борьбы с болезнями и вредителями с/х культур используется около 2 млн.т. синтетических пестицидов, что создает экологическую угрозу для окружающей среды и здоровья населения.

Основная проблема химической защиты растений заключается в том, что использование токсичных для вредителей и фитопатогенов пестицидов, увеличивает риск поражения других полезных организмов, прежде всего человека, из-за трофических и других взаимосвязей в биоценозах.

Так как овощные культуры, употребляемые населением, в последние годы наиболее часто подвергаются различным заболеваниям и атакуются вредителями, необходимо, в первую очередь, решать социальные проблемы улучшения здоровья людей путем замены химических средств защиты растений (ядохимикатов) на экологически чистые и безопасные биологические средства в биоконтроле болезней и вредителей овощных культур и картофеля.

Наиболее перспективным в настоящее время является применение биологических методов борьбы с возбудителя-

ми болезней и возможность практического использования микробов-антагонистов и продуктов их жизнедеятельности в борьбе с фитопатогенами.

Биологический метод защиты растений является основой стратегического эколого-биологического контроля вредных организмов в посевах сельхоз культур. Использование биопрепаратов для защиты растений становится насущной проблемой в связи с необходимостью экологизации земледелия [1].

В разработке современных методов биологической борьбы с фитопатогенными грибами большое значение имеют исследования процессов микробного антагонизма. Многие виды почвенных бактерий вырабатывают различные антибиотики, препятствуя росту грибов [2].

В связи с чем целью наших исследований являлось из-

учение антагонистической активности солеустойчивых почвенных бактерий по отношению к фитопатогенным грибам



Рис.2 Антагонистическая активность солеустойчивых почвенных бактерий по отношению к фитопатогенным грибам р. *Alternaria*

Таблица 1.

Антагонистическая активность солеустойчивых почвенных бактерий по отношению к фитопатогенным грибам р. *Alternaria*

Штаммы бактерий	Ингибирование роста фитопатогенных грибов d, мм				
	<i>Alternaria alternata</i> , 940	<i>Alternaria alternata</i> , 975	<i>Alternaria alternata</i> , 650	<i>Alternaria solani</i> , 986	<i>Alternaria solani</i> , 809
<i>Bacillus subtilis</i> K-4	70	60	28	не опр.	не опр.
<i>Bacillus subtilis</i> K-26	85	20	60	12,4	2,5
<i>Bacillus thuringiensis</i> K-7	50	18	30	12,4	14,0
<i>Priestia megaterium</i> K-8	90	20	60	не опр.	не опр.
<i>Bacillus megaterium</i> K-25	не опр.	не опр.	33	не опр.	не опр.

овощных культур р. *Alternaria*.

В результате проведенных исследований было выявлено, что бактерии, выделенные из сильно засоленных почв Кунградского района Каракалпакистана проявили высокую антагонистическую активность к фитопатогенам р. *Alternaria* (табл.1, рис.2).

Из представленных данных видно, что самыми активными по фунгистатической активности к фитопатогенам овощных культур *Alternaria alternata*, 940 были штаммы бактерий *Bacillus subtilis* K-4 и *Bacillus thuringiensis* K-7, по фунгицидной активности – *Priestia megaterium* K-8 и *Bacillus subtilis* K-26.

Штаммы бактерий *Bacillus subtilis* K-4, *Bacillus thuringiensis*

K-7, *Priestia megaterium* K-8 и *Bacillus subtilis* K-26 обладали фунгистатической активностью по отношению к фитопатогенам овощных культур *Alternaria alternata*, 975, *Alternaria alternata*, 650, *Alternaria solani*, 986 и *Alternaria solani*, 809.

Таким образом, на основании проведенных исследований можно сделать заключение о перспективности использования солеустойчивых почвенных штаммов *Bacillus subtilis* K-4, *Bacillus thuringiensis* K-7, *Priestia megaterium* K-8 и *Bacillus subtilis* K-26 для биоконтроля болезней овощных культур против фитопатогенов *Alternaria alternata*, 940, *Alternaria alternata*, 975, *Alternaria alternata*, 650, *Alternaria solani*, 986 и *Alternaria solani*, 809.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ткаленко Г. Биологические препараты в защите растений// Спец. выпуск ж. Пропозиция. Современные агротехнологии по применению биопрепаратов и регуляторов роста. 2015, С. 2-15.
2. Маланичева И.А. и др. Новые антибиотики, образуемые штаммами *BACILLUS SUBTILIS*. //Микробиология. Том 83 №4. «Наука» Москва, 2014.с.445.

UO'T. 582.284.51+635.82.

KARAMDOSH SABZAVOT EKINLARNING QORASON KASALLIGI VA ULARGA QARSHI KURASH CHORALARI

Abduraxmonov Navruz Xudoyberdievich, magistrant,
Raxmonov Ubaydullo Normamadovich, dotsent,
Toshkent davlat agrar universiteti.

Annotatsiya. Karamning qorason kasalligini va shu jumladan butgullilarga mansub ekinlardagi qorason kasalligini ham kompleks zamburug' turlari qo'zg'atadi.

Kalit so'zlar: qorason, karam, kasallik, zamburug', kompleks, *Trichoderma asperellum*.

Kirish. Qorason kasalligining zarari ular kasallantirgan ko'chatlarning foizdagi ko'rsatkichiga qarab aniqlanadi.

Karamning qorason kasalli va butgullilarga mansub ekinlardagi qorason kasalligini zamburug' turlari qo'zg'atadi, jumladan *Rhizoctonia (Moniliopsis) aderholdii* (Ruhl.) Kolosch., *Olpidium brassicae* Deng., *Pythium debaryanum* Hesse. bundan tashqari ular bilan birgalikda *Botrytis cinerea*; *Fusarium* turkumiga mansub zamburug' turlaridan tashqari bakteriyalar ham sababchi buladi.

Karamning qorason kasalligini turli xil butgullilarda ma'lum bir turdagi zamburug'lar qo'zg'atadi. Oqbosh karam, gulkaram va bryukvada *R. solani*, *Pythium de baryanum* hamda shu o'simliklarning o'zida *Pythium ultimum*, *Botrytis cinerea* turlari, *Alternaria brassicicola* esa oqbosh karam va gulkaramda, *Fusarium* ning *F.sulmorum*, *F.solani* va *F.solanivar.minus* turlari esa faqat oqbosh karamda kasallik qo'zg'atadi.

Tadqiqot uslubi va materiallari. Qorason kasalligini rivojlanishi parniklarda me'yordan ortiq sug'orish tufayli hosil bo'lgan namlik, tuproqni shamollatmaslik, ko'chatlarni zich ekilish, ko'chatlarni bir necha yillar davomida bir yerda yetishtirish va tuproqlarni almashtirmaslik yoki dezinfeksiya qilmaslik sabab bo'ladi.

Rhizoctonia aderholdii ning sof kulturasi pH 4,4-8 oralig'ida rivojlanadi va uning uchun qulay muhit pH 6,5-7 hisoblanadi. Parniklarda esa bu holat bir oz o'zgarib *Rhizoctonia* ning kuchli rivojlanishi pH 4,6 da kuzatilib, bunda kasallanish 70,6%, pH -6 ga teng bo'lganida kasallanish 38,9%, pH-6,8 da esa 16,2% bo'lishi kuzatilgan. Bu holat, ya'ni tuproqni nordon bo'lishi o'simlikka ta'sir qilib, uning immunitetini kasallikka nisbatan pasayishiga olib keladi.

Mineral o'g'itlarni qorason kasalligini qo'zg'atuvchi *Rhizoctonia aderholdii* ga ta'siri o'rganilganda, tuproqqa solingan mineral o'g'itlar o'simlikni baquvvat qilib, kasallikka chalinishini kamaytirishi aniqlangan.

Tadqiqotning natijalari va ularning muhokamasi. Qorason kasalligi butguldoshlardan tashqari boshqa ko'pgina o'simliklarni ham zararlaydi. Bu ekin turlaridan tashqari kasallik bilan raps, selderuy, kamroq qovoq zararlanishi mumkin ekan.

Oqbosh karam navlarini qorason kasalligiga chidamliligini bir qator olimlar o'rganilgan va ular o'z hududlarida yetishtiriladigan karam navlarini orasida bu kasallikka nisbatan chidamli va chidamsiz navlarni ko'rsatib o'tganlar. Lekin ular kuzatgan navlar orasida bu kasallik bilan zararlanmaydigan nav aniqlanmagan.

Qorason kasalligiga Akrobat MS 690 g/kg 2,0 kg/ga, Previkur SL 722 g/l 1,5 l/ga, Proksanil 45% sus.k. 2,0l/ga fungitsidlar bilan qarshi kurash yaxshi samara beradi. Biologik preparatlardan qorason va fuzarioz kasalliklariga qarshi karamdosh sabzavot ekinlarining urug'lari ekishdan oldin kasallik qo'zg'atuvchi zamburug'lariga nisbatan antagonistik xususiyatga ega *Trichoderma asperellum* zamburug'i asosida yaratilgan Rossiyaning Orgamika F biopreparati bilan ishlov berishning samaradorligini aniqlash bo'yicha laboratoriya tajribalari tuvaklarda amalga oshirildi. Orgamika F biopreparati titrida 10⁸ khqb/ml *Trichoderma asperellum* VKPM/F-1323 shtammini saqlaydi va suyuqlik holatida qo'llash tavsiya etiladi.

Xulosalar. Qorason kasalligiga Akrobat MS 690 g/kg 2,0 kg/ga, Previkur SL 722 g/l 1,5 l/ga, Proksanil 45% sus.k. 2,0l/ga fungitsidlar bilan qarshi kurash yaxshi samara berishi kuzatildi.

Biologik preparatlardan qorason va fuzarioz kasalliklariga qarshi karamdosh sabzavot ekinlarining urug'larini ekishdan oldin kasallik qo'zg'atuvchi zamburug'lariga nisbatan antagonistik xususiyatga ega *Trichoderma asperellum* zamburug'i asosida

yaratilgan Rossiyaning Organika F biopreparati bilan ishlov berishning samaradorligini aniqlash bo'yicha laboratoriya tajribalari tuvaklarda amalga oshirildi.

ADABIYOTLAR:

1. Алимбекова М.Г., Болезни овощных культур в Горьковской области. сборн. Работ по защите раст. Горьковской обл. оп.станции, вып. 1. 1940 г. С. 220-246.
2. Ишпайкина Е.И., Болезни капусты в Алма-атинской области и меры борьбы с ними. Тр. Республиканской станции защиты растений. – Алма-Ата. Казгосиздат, 1955. Т-2, - С.290-346.
3. Xasanov B.A., Ochilov R.O., Gulmurodov R.A. Sabzavot, kartoshka hamda poliz ekinlarining kasalliklari va ularga qarshi kurash. -Toshkent: "Voriz-Nashriyot", 2009. - 244 b.
4. Харченко Г.Л., Рябчинская Т.А., Саранцева Н.А., Бобрешова И.Ю. Защита и капусты белокочанной. // Защита и карантин растений, №7, 2009. - С.54 - 81.
5. Nighat A., Barket A., Shafiq M., Irfanul M., Nusrat S. Symptoms, pathogen biology and control of downy mildew of Brassica – A minireview. Journal of Biosphere, 2(1): 6-9, 2013.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Холмурод Назаров,
ТИҚХММИ" Миллий тадқиқод университети
Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси доценти,
юридик фанлар номзоди.

Аннотация. Ушбу мақолада экологик таълимни ривожлантириш соҳасидаги муаммолар таҳлил қилинган ва экологик таълим концепциясини амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари кўрсатилган, концепцияни Олий таълим муассасаларида ижросини таъминлаш борасидаги ютуқлар, муаммолар, уларнинг ечимлари буйича масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Экологик таълим, концепция, долзарб муаммолар, экология, атроф-муҳит, муҳофаза, экологик хавфсизлик, экологик онг, экологик маданият, бакалавр, магистр.

Аннотация. В этой статье анализированы проблемы концепции развития экологического образования, раскрыты важные аспекты, актуальных проблемы и приведены сведения об достижениях и проблемы, их решения в процессе осуществления данной концепции в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: Экологическое образование, концепция, актуальные проблемы, экология, окружающая среда, охрана природы, экологическая безопасность, экологическое сознание, экологическая культура, бакалавр, магистр.

Ўзбекистонда Экологик муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётганлиги инobatга олиб, сўнгги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига долзарб вазифалар сифатида алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда экологик таълимни ўрни ва аҳамияти фоят муҳимдир. Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади.

Бироқ, экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили экологик таълимни ташкил этишда бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўйбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. (1)

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд экологик таълим соҳасидаги долзарб муаммолар: барча турдаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида назарда тутилган экология таълимнинг мажбурийлиги талаби етарли даражада тизимли равишда бажарилмаётганлиги, амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунан экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойитиб борилмаётганлиги, экологик таълим йўналишида илғор хорижий ва миллий тажрибани илмий асосда комплекс ўрганилмаётганлиги, аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик маданиятни шакллантиришда жаҳон тажрибаларидан етарли фойдаланилмаётганлиги, муҳими экологик маданиянинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаганлиги, таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий муҳитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаганлиги,

мактабгача таълим муассаларидан то Олий таълим муассасаларигача экологик таълим фанлари дастурларининг мавзулари бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаслиги, жумладан, уларда таълим олувчиларда экологик онгни шакллантирувчи экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса экологик ҳавфсизлик соҳасига оид мавзулар етарли эмаслиги алоҳида таъкидланган эди.

Айниқса, таълим муассасаларида экологик тарғибот тизими ҳам қониқарсиз аҳволда эканлиги, бу борада экологик тарғиботни амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилмаётганлиги, ушбу механизмларни рағбатлантириш тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаётганлиги, экологик таълимга оид электрон-методик воситаларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масалалари талаб даражасидан эътибор қаратилмаётганлиги, таълим ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ўртасида экологик таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги амалий ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, хусусан, ўтган йиллар давомида экологик таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан сезиларли жиддий ўзгаришлар қилиш бораси етарли эмаслиги, экологик таълим соҳасида профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини методик жиҳатдан таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид ўқув қўлланмалари, ўқувчи ва талабалар учун зарур дарсликлар етарли эмаслиги, таълим дастурлари тўлиқ қайта кўриб чиқишга муҳтожлиги, жумладан, улар республикада сўнгги вақтларда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлардан келиб чиқиб тубдан такомиллаштирилиши зарурлиги каби муаммолар алоҳида қайд қилинган эди.

Шу муносабат билан Концепцияда экологик таълимни такомиллаштиришнинг муаммоларини ҳал қилиш ечимларини топиш, экологик таълимни давр талаби даражасида ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларнинг йўналишлари ҳам белгиланган эди.

Концепциянинг асосий мақсади: ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштириш эканлиги белгиланган эди.

Мазкур мақсадга эришиш, уни амалда рўйбга чиқариш юқорида кўрсатилган муаммоларни ечими сифатида концепцияни амалга оширишда сўнгги уч йил мобайнида қуйидаги тадбир чоралар амалга оширилди:

биринчидан, «Таълим тўғрисида»ги (2) ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (3) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгиланди, уларни изчиллик билан босқичма-босқич таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ва шу асосида экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилди;

иккинчидан, экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, кўриктанловлар ўтказишни, ижтимоий рекламаларни ташкил этиш, таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш чоралар қўрилди.

учунчидан, таълим муассасаларида таълим олувчилар-

нинг асосий эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали, ўзлари яшаётган ҳудудларнинг табиий бойликларини қадрлаш, она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтиришга қаратилган тадбирлар режалари ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди;

тўртинчидан, экологик таълимнинг сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланиши кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базаларини яратишга ҳам махсус эътибор берилди.

Мазкур тадбир-чораларни доимийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга оширувчи илмий-педагогик муассасалар, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, шунингдек, уларга қарашли ташкилотлар орқали амалга ошириш ташкил қилинмоқда.

Ҳозирги кунда республикада узлуксиз таълим тизимида экологик таълим 12 мингдан ортиқ мактабгача таълим ва тарбия муассасаларда, 10 мингдан зиёд умумий таълим мактабларида, бир мингга яқин ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида, 170 дан ортиқ олий таълим муассасаларида, 500 дан ортиқ олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида, 700та кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультет ва марказларида, 2 мингдан зиёд мактабдан кейинги таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

Экологик таълимни такомиллаштиришда Олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти гоёта муҳим бўлмоқда. Экологик таълим концепциясининг 6-бобида кўрсатилганидек, Олий таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш борасидаги белгиланган вазифа ва фаолият йўналишларига мувофиқ, 5630100 — «Экология ва атроф муҳит муҳофазаси» бакалаврият ва магистратура таълим йўналиши ўқув режалари ва фан дастурлари экология соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда замонавий педогогик технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда. Экологик таълим бўйича бакалаврият йўналишларининг ўқув режалари ва фан дастурлари такомиллаштиришда соҳаси бўйича иш берувчи идора ва ташкилотларининг муносиб ҳиссалари бор, соҳа мутахассислари иштирокида янги мавзуларни, янги махсус курсларни ўқув дастур ва режаларга киритиб бориш ташкил этилмоқда.

Республикада манфаатдор вазирликлар, идораларнинг талаб ва таклифлари, кадрларга бўлган эҳтиёжлари олий таълим тизимида «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га концепцияни амалга ошириш даврида 20 дан ортиқ янги йўналишлар ва мутахассисликлар киритилди. Балавр ва магистратура йўналишида «Экологик ҳавфсизлик», «Чиқиндиларни бошқариш» ихтисосликлари ана шундай янги киритилган мутахассисликлардир. Фақат ҳозирги ТИҚХММИ-Миллий тадқиқот университетини «Экологик ҳавфсизлик» ихтисослик бўйича 2020-2021 ўқув йилида 10 та магистр муваффақиятли тугатди ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолиятларини бошлади. Бакалавр йўналиши бўйича 2021-2022 ўқув йилида биринчи марта 30 дан ортиқ ёш мутахассислар битиради ва ҳаётга йўлланма олади. Университетда Республикада биринчи бўлиб, магистратура йўналиши бўйича «Чиқиндиларни бошқариш» ихтисослиги

очилди ва унда 10 та яқин ёш иқтидорли магистрлар биринчи босқичда ўқишмоқдалар. Шу мутахассислик бўйича бакалавр йўналишини очиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим тизимининг бакалаврият ва магистратура босқичлари экологик йўналишларида экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича тегишли ўқув фанлари мазмуни кучайтирилди ва қўшимча долзарб мавзулар билан бойитилди. Янги ўқув фанлари киритилди. Талабаларга фан дастурларида белгиланган ҳажмда тегишли билимлар бериш ҳамда уларда зарур малака ва кўникмалар шакллантириш учун шарт шароитлар яхшиланди. Республикаимизнинг барча, таълим муассасаларда экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биргина бизнинг университетимизда Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси фани бўйича янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-услубий қўлланмалар, янги лабораториялар, замонавий жиҳозларга эга бўлган ўқув хоналари ташкил этилди.

Концепцияни амалга оширилаётган кейинги уч йилда Экологик йўналишлар бакалавр ва магистрлик ихтисосликлари ўқувга режаларига “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”, “Чиқиндилар бошқариш”, “Экологик монитори”, “Экологик кадастр”, “Экология ҳуқуқи”, “Чиқиндиларни бошқаришни ҳуқуқий асослари”, “Чиқиндиларни бошқариш иқтисодиёти” “Атроф муҳит биотехнологияси”, “Экологик объектларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини баҳолаш”, “Инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Иқлим шунослик”, “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш иншоотлари”, “Экологик жараёнларни моделлаштириш”, “Ландшафтшунослик”, “Ўрмоншунослик” ўқув фанлари киритилди ва уларнинг ўқув фан ва ишчи дастурлари такомиллаштириб борилмоқда. Шу билан бирга бошқа тегишли ижтимоий фанлар дастурларига ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлиқни таъминлашга оид мавзулар киритилди ҳамда илм-фанда эришилган ютуқлар, экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид янги техника ва технология жорий этиш, янги тадқиқотлар асосида мунтазам янгиланиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларни соҳалар талабларидан келиб чиқиб, экология ва атроф муҳитни илмий асосларини ўрганишга ва тадқиқ қилишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Университетимизда ирригация иншоотлари, қишлоқ хўжалиги соҳасини механизациялаш ва автоматлаштириш, сув ресурсларини бошқариш соҳалари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқув жараёнига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда. Концепцияни амалга ошириш даврида биргина бизнинг университетимизда ўтган ўқув йилида 8та, бу йил 10 та экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган магистрлик диссертациялари тайёрланди, замонавий ва долзарб илмий-амалий масалаларга бағишланган мавзулар бўйича охириги уч йилда 200дан зиёд илмий-амалий анжуманлар, тренинглар ташкил этилди. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича докторлик даражасидаги илмий-тадқиқотлар ўтказилди ва бундай тадқиқотлар яна давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 42-сон Қарори (4) мамлакатимизда экологик таълимни ривожланишида янги даврни бошланишига асос бўлади. Чунки, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетига айлантирилди. Университет қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти, институтнинг Бухоро филиали негизида Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти, Қарши филиали негизида Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтини ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-сонли Қарори(5) билан тасдиқланган ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, ушбу қаророрда мазкур таълим муассасалари зиммасига кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, «яшил энергетика» ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш вазифалари юкланди.

Экологик таҳдидларни олдини олишда экологик таълимни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.(6) Ҳозирги замон экологик глобал муаммолар талабидан келиб чиқиб, республикаимиз ҳудудларида мавжуд экологик муаммоларни ечиш учун хорижий ва миллий инвестицияларни жалб қилиш ва илмий тадқиқотларни кўламини кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда таълим ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қарорда Университетнинг асосий фаолият йўналишларини белгилашда «яшил иқтисодиёт», «яшил энергетика», экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тармоқлари учун олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди. Айниқса, суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, тежамкор суғориш тизимларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқишга, замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантиришга, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Экологик таълимни асосий субъекти бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратишга, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий илғор таълим муассасаларида малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этишга, ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини шаклланти-

ришга йўналтириш, ўқув жараёнига экологик таълим буйича ҳам халқаро таълим стандартларини жорий этишга, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кечиктириб бўлмайдиган зарур масалалар сифатида қаралмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ТИҚХММИ-Миллий тадқиқот университети нафақат гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика соҳаларида эмас балки, шу билан бир қаторда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида ҳам эколог-муҳандис кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаларидан бирига ҳам айланганлиги. Бундай янги олий таълим ва миллий тадқиқот муассасаларида ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, тупроқнинг макро- ва микроэлементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш, «яшил иқтисодиёт», қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ресурс тежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш буйича ҳам муҳим чора тадбирлар амалга ошириш бошланмоқда.

Университетимизда докторлик, магистрлик диссертациялари тайёрланишида тегишли мутахассисликларга хос бўлган экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид масалалар диссертация ишининг асосий мавзу ва йўналишларига мантиқий жавоб берадиган тарзда ёритиб борилмоқда.

Олий таълим муассасалари экология ва атроф муҳит муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бўлажак мутахассисларига амалиёт дарслари бевосита йирик саноат корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари, сув хўжалиги ташкилотлари, қўриқхоналар, экологик инқироз кузатилаётган ҳудудлар ва экология соҳасидаги бошқа корхоналар фаолияти билан бевосита таништириш асосида олиб борилиши йўлга қўйилмоқда.

Республикаимизда Экология соҳасида кўплаб интернет каналлари ташкил этилди. Хусусан, "Ecolog.uz" телеграм канали ташкил этилди. (7) Унда экологик ижтимоий саҳифалар ташкил қилинди, экологик муаммолар борасида фикр алмашишни йўлга қўйиш мақсадида интернет-платформалар ва мессенжерлик хизматлари жорий этилди. Олий таълим муассасалари сайтларида ҳам ёшлар иштирокида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларга бағишланган, ёшларни қизиқтирувчи тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар бериб борилмоқда. Интернет веб-сайтларига талабаларни қизиқтирувчи материаллар киритиб борилмоқда. Шунингдек, «Энг қизиқарли мақола муаллифи», «Энг долзарб материал муаллифи» танловлари, "Сув қадри", "Экологик билимлар-оммага", "Кўкаламзорлаштириш ойлиги", "Яшил макон", "Яшил манзил" каби оммавий тадбирлар ташкил этилмоқда. (8)

Эътиборли жиҳати шундаки, Олий таълим муассасалари ва республиканинг даврий нашрларида, шунингдек, газета ва илмий журналларда экология ва атроф муҳит муҳофазасига бағишланган рукнлар очилди. Унда профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва талабаларнинг ушбу масалаларга бағишланган илмий, публицистик мақола ва экологик тадбирлар ҳақидаги хабарлари чоп

этиб борилмоқда. Масалан, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитасининг "Экология хабарномаси", "Экологик бюллетень"ларида, "ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университетининг "IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA" журнали саҳифаларида охириги уч йилда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид мавзуларга, экологик таълим масалаларига оид кўплаб мақолалар эълон қилинганлиги фикримиз исботидир.

Республикаимиз Олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида охириги уч йил мобайнида 200 дан зиёд экологик тадбирлар ташкил этилди. «Эко-клублар», "Ёш эколог" тўғараклари ишлари янада жонлантирилди. Уларнинг йиллик режаларида белгиланган тадбирлар Олий таълим муассасалари, факультетлар, академик гуруҳлар ўртасида ташкил этилмоқда.

Университетимизнинг атоқли фан докторлари, профессорларидан А.Т.Салоҳиддинов, Б.Исмоилхўжаев, Н.Б.Эгамбердиев, Б.Каримов, Б.Абдуллаев, М.В.Радкевич, доцентлар А.Каримов, Х.Назаров, М.Абдуқодирова, фалсафа докторлари А.Хамидов, К.Б.Шипилова, Р.Роззоқовлар, катта ўқитувчи С.Маматов, ўқитувчилар Б.Насибов, Ш.Шозргашевалар экологик таълимнинг фидойиларидир. Улар университетимизнинг бакалавр ва магистрларига экологик таълим сирларини кунт билан ўргатмоқдалар. Экология соҳалари бўйича университетимиз профессор-ўқитувчилари, 10 дан ортиқ докторантлар ва 20 дан ортиқ магистрлар бугунги кунда экология ва атроф муҳит муҳофазаси, табиий бойлик сифатида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, оқова сувларни тозалаш, чиқиндиларни бошқариш соҳаларидаги долзарб масалаларни илмий тадқиқ этиш билан экологик таълимни илмий асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Концепцияни амалга оширишда Ўзбекистон олимларининг салоҳияти, илм-фан равнақиға қўшаётган ҳиссалари кундан кунга юксалиб бормоқда. Университетимиз профессори, техника фанлари доктори А.Т.Салоҳиддиновнинг атроф муҳитни экологик муҳофазаси, атроф муҳитга бўлаётган таъсирларни баҳолаш, айниқса сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш, сув хўжаликларида экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳаларига тегишли илмий тадқиқотлари, яратган дарслик, ўқув қўлланмалари, таълим масалаларига бағишланган мақолалари, таълим соҳасида ҳорижий мамлакатлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Университетимизнинг яна бир атоқли профессори, биология фанлар доктори Б.Каримов БМТ қошидаги "Жамият учун маълумотлар Департаменти" билан ассоциациялашган "Халқаро экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги Академияси" академиясининг бўлажак талабаларга ўқиётган маърузалари, "Орол Денгизи ҳавзасидаги сув экосистемалари экологик ҳолати ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан экологик барқарор фойдаланиш муаммоларини ечиш масалалари" асосий тадқиқот ишлари, соҳа бўйича бўлажак фан докторларига бераётган илмий маслаҳатлари, яратаётган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам экологик таълимни равнақиға қўшилган муҳим ҳисса бўлмоқда.

Университетимизнинг атоқли профессорларидан биология фанлари доктори Б.Исмоилхўжаев, Халқаро Мухандислар Академиясини академиги химия ва биология фанлари доктори Н.Эгамбердиев, техника фанлари доктори, профессор М.Радкевичларнинг илмий тадқиқотлари, яратаётган дарслик ва ўқув-методик қўлланмалари, ўқиётган маърузалари

ҳам Республикамизда экологик таълимни ҳозирги босқичида салмоқли омиллардан ҳисобланишга арзигulikдир.(9)

Республикаимиз тупроқ-иқлим шароити ва тўрт фаслнинг ўз вақтида ўрин алмашилиши бегона ўт турларининг хилма-хиллигига олиб келади. Бегона ўтлар бир неча турларга бўлиниб, уларнинг тури, миқдори, ботаник таснифи қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Бегона ўт учун қулай шароит, бу намлик ва тупроқнинг унумдорлиги ҳисобланиб шунда улар яхши ривожланади. Маданий экинларга нисбатан бегона ўтлар тупроқдан озукани кўпроқ олади. Бегона ўтлар бир неча оилага, туркумга, турларга бўлинади. Уларнинг орасида доривор ва захарли турлар ҳам мавжуд. Бегона ўт уруғлари асосан сув, шамол, қушлар, ҳайвонлар ва чиримаган гўнган тарқалади. Бегона ўтлар бир неча мингдан, миллион донагача уруғ беради. Уларга қарши кураш ишлари олиб борилмаса турли хил касалликлар, зараркундалар

ҳам кўпайиб кетади. Ер эгаси деб аталадиган бегона ўтлар ҳосил йўқотишда асосий манба ҳисобланади ва оқибатда ҳосил 15-50% гача нобуд бўлади [4].

Мамлакатимизнинг марказий ва жанубий ҳудудларида баҳор мавсумида, асосий экин сифатида экилган мош экинида ҳамда бугдой ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга такрорий экин сифатида экиладиган мошнинг ривожланишида бегона ўтларни зарари ва уларни ҳосилдорликка таъсири ўрганилди.

Сурхондарё вилоятида олиб борилган кузатувлар асосида мош экини далаларида бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларнинг 17 та тури, яъни жағ-жағ-пастушья сумка (*Capsella bursa-pastoris* (L.) Medic.), юлдузўт-звездчатка (*Stellaria media* L.), қорамуғ-тысячеголов (*Vaccaria segetalis* (Neck) Garcke), шамак-куриное просо (*Echinochloa crus-galli* (L.) et Sch.), кўк итқўноқ-мышей зеленый (*Setaria viridis* (L.) Beauv.), бешбармоқ-росичка кровяная (*Digitaria sanguinalis* (L.) Scop.), эшакшўра-щирца запрокинутая (*Amaranthus retroflexus* L.), семизўт-портулак огородный (*Portulaco oleracea* L.), итузум-паслен черный (*Solanum nigrum* L.), бангидевона-дурман ванючий (*Datura stramonium* L.), оқшўра-марь белая (*Chenopodium album* L.), шўр олабута-лебеда (*Atriplex tatarica* L.), дағалканоп-канатник теофраста (*Abutilon theophrasti* Medic.), бўритароқ-гибискус троичатый (*Hibiscus trionum* L.), туяқорин-гелиотроп (*Heliotropium lasiocarpum* F.et.H.), темиртикан-якорцы (*Tribulus terrestris*

L.), кўйтикан-дурнишник (*Xanthium strumarium* L.), кўп йиллик бегона ўтларнинг 10 та тури, яъни зубтурум-подорожник ланцетолистный (*Plantago lanceolata* L.), ғўмай-сорго алепское (*Sorghum halepense* (L.) Pers.), ажриқ-свиной пальчатый (*Cynodon dactylon* (L.) Pers.), камиш-тростник (*Phragmites communis* Trin.), саломалайкум-сыть круглая (*Cyperus rotundus* L.), аччиқмия-талхак обыкновен (*Vexibia alopecuroides* (L.) Jakovl.), кўйпечак-вьюнок полевой (*Convolvulus arvensis* L.), янтоқ-верблюжья колючка (*Alhagi pseudalhagi* Desf.), такасоқол-додартия (*Dodartia orientalis* L.), какра-горчак (*Acroptilon repens* (L.) DC.), жами 27 та бегона ўт турлари учради.

Барча қишлоқ хўжалик экинларида бўлгани каби мош экинида ҳам уруғни ерга қадашдан олдин тупроқ намлиги, ҳаво ҳарорати, экиш муддати тўғри белгилашни зарур. Буларга амал қилинмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Биз ўз тажрибамизда, яъни мош экилган далалардаги бегона ўтларга қарши гербицид қўллашда юқоридаги кўрсаткичларга амал қилган ҳолда бажардик. Ер ҳайдалгандан сўнг тупроқ намлиги 70%, ҳаво ҳарорати 18-20°C бўлганда экинни экиш ва гербицид сепиш ишлари амалга оширилди.

1-жадвал.

Тажриба шакли

№	Гербицидлар номи	Гербицидларни қўллаш меъёри, л/га
1	Назорат (гербицидсиз)	-
2	Стомп 33% эм.к. (Пендиметалин)	2,5
3	Стомп 33% эм.к. (Пендиметалин)	3,0
4	Стомп 33% эм.к. (Пендиметалин)	4,0
5	Шансгард сус.к. 500 г/л (Прометрин)	2,0
6	Шансгард сус.к. 500 г/л (Прометрин)	3,0
7	Шансгард сус.к. 500 г/л (Прометрин)	4,0

Тадқиқот услуби. Илмий-тадқиқот ишлари 2021 йилда мош экилган далаларда учрайдиган бегона ўтларга қарши кураш мақсадида Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани “Рустам Сохибкори” фермер хўжалигига қарашли суғориладиган майдонларга экиш билан бирга қўлланиладиган гербицидларнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида олиб борилди. Тажириба 7 та вариантда 3,5 гектар майдонда 3 қайтаришда қўйилди. Кимёвий препаратлар ОВХ-28 пуркагичли тракторда турли сарф-меъёрларда қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Гербицидларнинг бегона ўтларга таъсирини ўрганиш мақсадида, яъни 30,45,60-кунларда бегона ўтларнинг 1м² даги сони ҳисоб-китоб қилинди. 1-назорат (гербицидсиз) вариантда 69,2 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 56,1 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 13,1 дона. Стомп 33% эм.к.-2,5 л/га қўлланилган вариантда 18,2 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 9,9 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 8,3 дона. Стомп 33% эм.к.-3,0 л/га қўлланилган вариантда 15,9 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 8,2 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 7,7 дона. Стомп 33% эм.к.-4,0 л/га қўлланилган вариантда 13,5 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 6,7 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 6,8 дона. Шансгард сус.к. 500 г/л.-2,0 л/га қўлланилган вариантда 19,0 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 10,2 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 8,8 дона. Шансгард сус.к. 500 г/л.-3,0 л/га қўлланилган вариантда 16,8 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 8,9 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 7,9 дона. Шансгард сус.к. 500 г/л.-4,0 л/га қўлланилган вариантда 14,1 дона, шундан бир йиллик бегона ўтлар 7,1 дона, кўп йиллик бегона ўтлар 7,0 дона учраганлиги аниқланди (2-жадвал).

Стомп, 33% эм.к. гербициди 4,0 л/га қўлланилганда биологик самарадорлик бир йиллик бегона ўтларга 88,1%, кўп йиллик бегона ўтларга 48,1% ни ташкил этди. Шансгард сус.к. 500 г/л гербициди 4,0 литр сарф-меъёрда бир йиллик бегона ўтларга 87,3% ни, кўп йиллик бегона ўтларга 46,6%

биологик самарадорликка эришилди.

2-жадвал.

Мош экиш билан бирга қўлланиладиган гербицидларнинг бегона ўтларга таъсири (Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани “Рустам Сохибкори” ф/х 2021 й.).

Вариантлар	Гербицидлар сарф-меъёри л/га	Бегона ўтлар 1м ² даги сони (дона)		Биологик самарадорлик %	
		Бир йиллик	Кўп йиллик	Бир йиллик	Кўп йиллик
Назорат	-	56,1	13,1	-	-
Стомп, 33% эм.к.	2,5	9,9	8,3	82,4	36,6
	3,0	8,2	7,7	85,4	41,2
	4,0	6,7	6,8	88,1	48,1
Шансгард сус.к. 500 г/л	2,0	10,2	8,8	81,8	32,8
	3,0	8,9	7,9	84,1	39,7
	4,0	7,1	7,0	87,3	46,6
НСР ₀₅				3,1	4,5

Хулоса. Мош асосий ва такоррий экин сифатида экилган далаларда учрайдиган бир йиллик икки палали ва бошоқли бегона ўтларга қарши баҳорги ва ёзги мавсумларда экиш билан бирга гербицидлар Стомп, 33% эм.к. 4,0 л/га ва Шансгард сус.к. 500 г/л - 4,0 л/га сарф-меъёрларда, тупроқдаги нисбий нам сифими 70% бўлганда қўллашни тавсия этамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Исомидинов И.Т., Рахмонов Ж.Х., Мамбетназаров А.Б., Сатторов Ш.Х. Турли мавсумларда экиладиган дуккакли дон экинларининг касаллик ва бегона ўтларига қарши кураш чоралари. Тавсиянома.-Тошкент.2020.- Б.17-18.
2. Қодиров Б.Қ., Йўлдошев А., Зоҳидов М.М., Эрматов У.Х. Қишлоқ хўжалик экин майдонларида бегона ўтларга қарши гербицидларнинг давлат синовини ўтказиш юзасидан услубий кўрсатмалар.-Тошкент. 2007.
3. Ҳамидов А. Ўзбекистондаги бегона ўтлар.-Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1973.
4. Ҳасанов Б.О., Ҳамраев А.Ш., Эшматов О.Т., Алимуҳаммедов С.Н., Азимов Ж.А., Очилов Р.О., Рашидов М.И., Гаппаров Ф.А. Пахтазорларда учрайдиган бегона ўтлар. Ғўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш.-Тошкент. – 2002. Б. 257-301.

КУЗГИ БУҒДОЙДАН СЎНГ ЭКИЛГАН КУНГАБОҚАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ҚУРУҚ МАССА ТЎПЛАШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Мирзаев Лутфулло Арибжанович,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қ.х.ф.н.

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида қўлланилган минерал ўғит меъёрларини такрорий кунгабоқарнинг қуруқ масса тўплаши ва ҳосилдорликка таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В статье представлены сведения о влиянии норм минеральных удобрений на накопление сухой массы и продуктивность подсолнечника повторного посева в условиях лугово-аллювиальных почв Республики Каракалпакстан в системе коротко ротационного севооборота.

Annotation. The article presents information on the Republic of Karakalpakstan's grassland-alluvial soils, and the impact of mineral fertilizer standards used in the short povernut rotation system on the accumulation of dry matter and sunflower productivity.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экишни тўғри тизимини ишлаб чиқиш, тупроқдан олиб чиқиб кетилаётган ва тупроққа киритилаётган озиқа моддалар балансини сақлаш, тупроқ унумдорлигини оширувчи, ресурс-тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун кузги буғдой анғизига сидерат, такрорий ва оралиқ экинларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади.

Чунки, Республикамиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби 475 минг тонна бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот 259 минг тоннани ёки талабга нисбатан 55 фоизини ташкил этади.

Кейинги йилларда аҳолининг пахта мойидан ташқари кунгабоқар, кунжут, зигир, соя ва бошқа ўсимликлар мойига талаби ортиб, четдан мой маҳсулотларининг импорт ҳажмлари ошишига олиб келмоқда.

Биргина 2020 йилда аҳоли ва озиқ-овқат саноати учун 216,5 млн долларлик 249 минг тонна ўсимлик мойи, шундан 1,2 млн долларлик 519 тонна зайтун мойи импорт қилинган.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўза-ғалла асосидаги қисқа навбатлаб экишда минерал ўғитлар қўллаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилди.

Тажриба даласининг тупроғи озиқа моддалар билан кам таъминланган бўлиб, ҳайдалма (0-30 см) қатламда чиринди 0,517%, ялпи азот 0,047, умумий фосфор ва калий мутаносиб равишда 0,047 ва 0,042 фоиз бўлса, $N-NH_4-10,7$; $N-NO_3-7,1$; P_2O_5-25 ва K_2O-120 мг/кг ни ташкил этади.

Тажрибада карбамид (46% N), супрефос ($N-10\%$, $P_2O_5-22-23\%$) ва калий хлориди (60% K_2O) ўғитлари қўлланилди.

Тажриба ўтказиш, фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985), «Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур» (1964), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмалари асосида ўтказилди.

Тупроқ намуналаридаги гумус, NPK нинг умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в

поливных хлопковых районах» (1963) ва «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» (1977) усулномаларига биноан амалга оширилди.

Тадқиқотларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида кунгабоқар экини экилди ва унда қўлланилган минерал ўғитларнинг турли меъёрларини қуруқ масса тўплашига таъсири ўрганилди.

Экинларнинг қуруқ масса тўплаши барча омилларга боғлиқ бўлиб, бунда тупроқ-иқлим шароит, нав, вегетация даврининг давомийлиги, экинларда қўлланилган агротехник тадбирлар ва бошқа кўрсаткичлар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ [1; 2; 3].

Шунингдек, бизнинг тадқиқотларда ҳам қўлланилган минерал ўғитларнинг меъёрлари ортиши билан ўсимликнинг қуруқ массаси ҳам ортиб борди. Лекин, ушбу қўлланилган минерал ўғитларнинг белгиланган меъёрларидан ортиқча қисми ўсимликнинг вегетатив массасини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди (1-Чизма).



Олинган натижаларга кўра, кузги буғдойда минерал ўғит $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган асосда кунгабоқар ўғитсиз етиштирилган вариантда ўсимлик қуруқ модда массаси энг кам бўлди.

Масалан, кунгабоқар ўғитсиз ($N_0P_0K_0$) етиштирилган вариантда ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 154,5 ва дон 29,5 г/ўсимликни ташкил этган бўлса, минерал ўғитлар $N_{120}P_{80}K_{60}$

кг/га меъёрида қўлланилган 2 вариантда умумий қуруқ масса 198,4 г ва дон 39,2 г/ўсимлик, $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилган 3 вариантда эса умумий қуруқ масса 214,4 г ва 45,0 г/ўсимликни ташкил этди.

Кузги буғдойда минерал ўғитлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га қўлланилган асосда кунгабоқар ўғитсиз етиштирилган 1 вариантда ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 212,5 г/ўсимликни ташкил этган бўлса, дон қисми 51,4 г/ўсимликни, яъни ўсимликнинг қуруқ массасига нисбатан 25 фоиз қисми ташкил этди.


Кунгабоқарда минерал ўғитлар $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган 2 вариантда бир ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 231,8 граммни, дон оғирлиги эса 53,5 граммни, $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилганда эса кўрсаткичларга мос равишда 264,3 ва 60,4 г/ўсимликни, яъни ўғитсиз вариантга нисбатан умумий қуруқ масса 51,8 г ва дон 9,0 г/ўсимлик ортиқча йиғилган.

Кузги буғдойда $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га меъёрида қўлланилган асосда ўсимликнинг энг юқори қуруқ масса миқдори кунгабоқарда $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида минерал ўғит қўлланилган вариантда кузатилди (умумий қуруқ масса 281,7 г ва дон қисми 62,3 г/ўсимлик).

Ушбу вариантларда ривожланган кунгабоқар экинни қуруқ масса тўплаши унинг ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди (2-Чизма).

Яъни, кузги буғдойнинг ҳар 3 асосида ҳам ҳеч қандай ўғит қўлланилмаган 1, 4 ва 7 вариантларда кунгабоқарнинг дон ҳосили нисбатан кам бўлсада, тажриба вариантлари тар-

тибига мос равишда 10,2; 13,3 ва 12,8 ц/га ни ташкил этди.



Дон ҳосилининг энг юқори кўрсаткичи тажрибанинг 6 ва 8 вариантларда (19,3 ва 18,3 ц/га), яъни кузги буғдойда минерал ўғитлар меъёри $N_{180}P_{120}K_{90}$ ва $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га қўлланилгандан сўнг кунгабоқарни $N_{180}P_{120}K_{90}$ ва $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрларида озиклантирилган вариантларда олинди.

Демак,

- кузги буғдойда $N_{120}P_{80}K_{60}$ ва $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га қўлланилган асосларда такрорий кунгабоқарни $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида;
- кузги буғдойда $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га қўлланилган асосда кунгабоқарни $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантириш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ибрагимов Н.М. Пути повышения эффективности азотных удобрений на хлопчатнике в условиях орошаемых почв сероземного пояса, Автореф. дис... докт с.-х. наук – Ташкент: ГосНИИПА, 2007. 42-б.
2. Кадырходжаева М.Ф. Влияние сроков внесения минеральных удобрений на питательный режим почв, урожай и скороспелость хлопчатника сорта С-6524, Автореф. дисс.к.с.-х.н. Ташкент, 2000, с.21.
3. Хакимов Ш.З. Наманган вилоятининг эскиртдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида кузги буғдой навларида минерал ўғитлар меъёрларини самарадорлиги. Қ-х фанлари номзоди... дисс. автореферати. - Тошкент, 2008. - 21 б.

ОРГАНИК ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛИНИНГ ЎРНИ

Ҳайдаров Манучехр Муқаддасхонович, магистр,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация: Ушбу мақолада органик пахта етиштиришда ўсимликларни ҳимоя қилиш тамойилининг таркиби, уни бажариш шартлари ва аҳамияти ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Кириш. Кейинги йилларда жаҳон бозорида органик пахтадан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис дунёнинг энг йирик халқаро брендлари босқичма-босқич экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш тизимига ўтди. Хусусан, “Adidas”, “H&M”, “Nike” брендлари 2025 йилгача тўлиқ органик пахта толаси асосида маҳсулот етказиб беришни режалаштирган [2].

«Гринпис» маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб пахта далаларида 28 000 киши пестицид билан заҳарланишдан ҳалок бўлади. Дунё бўйича пестицидларнинг 20% дан ортиғи пахта далаларида қўлланилади [1].

Бугунги кунда дунёда етиштирилган пахтанинг атиги 8 фоизи органик ҳисобланади. Жаҳонда органик пахта толасига бўлган эҳтиёж мамлакатимиз учун янги имкониятдир. Мамлакатимизда ушбу янги бозорга кириш ва уни ўз маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборилган. Дарҳақиқат, 2021 йилда биринчилардан бўлиб Бухородаги “BCT Cluster” ва Тошкент вилоятидаги “TCT Cluster” кластерларида органик пахта етиштириш йўлга қўйилган [3].

Органик пахта етиштиришнинг масъулияти, ўзига хос талаблари бор. Чунки, экишда кимёвий ишлов берилган уруғлик чигитдан, ғўза парвариши жараёнида кимёвий ва синтетик ўғитлардан фойдаланиш, ҳашарот ва касалликларга қарши курашда кимёвий усулларни қўллаш тақиқланади. Барча жараёндаги агротадбирлар табиий бўлиши шарт. 2021 йилги мавсумда “BCT Cluster” кластерда 105 гектар, “TCT Cluster” кластерда 200 гектар майдонда органик пахта етиштирилган. Ўртача ҳосилдорлик Бухорода 35 центнерни, Тошкент вилоятида 31,2 центнерни ташкил этган [2].

Тадқиқот услуби. Тадқиқотларимиз Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида “TCT Cluster” кластерга қарашли Гулистон ҳудудида органик пахта майдонларида олиб борилди. Бунда “Бухоро-10” ғўза нави экилган органик пахта далаларида ҳеч қандан кимёвий воситалар қўлланилмасдан фақат биологик усулдан яъни трихограмма, олтинкўз ва бракондан фойдаланилди [1].

Агротехника тадбирлар: алмашлаб экиш, кузги шудгорни сифатли ўтказиш, чидамли навлар танлаш ҳамда экиш, ўғитлаш, суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, кесиш, чилпиш ва ҳосилни йиғиш муддатларига қатъий амал қилиш.

Олдини олиш (профилактика) тадбирлар: дала атрофлари ва уватларни бегона ўтлардан тозалаш ва қишлоқ зараркунандаларни қириш мақсадида эрта баҳорги профилактик ишлов ўтказиш.

Биологик усул: табиатдаги кушандалардан унумли фойдаланиш (қириб юбормаслик, экинлар орасига энтомофагларни жалб қилувчи ўсимликлар экиш); энтомофагларни (трихограмма, бракон ва олтинкўз) биологический лабораторияларда кўпайтириб, далага мавсумий чиқариш; микроорганизмлар асосида яратилган биопрепаратлар қўллаш.

Кимёвий усул: кимёвий препаратларни қўллаш. Бу усул сўнгги чора сифатида зараркунанда ва касалликлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига жиддий хавф солганда қўлланилади. Органик пахта далаларида бу усулдан фойдаланишга рухсат қилинмайди.

Ишлаб чиқарувчи барча қуйидаги тамойилларни ўз ичига олган зараркунандаларга қарши комплекс дастурни жорий этиши лозим:

- соғлом экинларни етиштириш;
- зараркунандалар популяциясининг шаклланишини ва касалликларнинг тарқалишининг олдини олиш;
- фойдали организмлар популяциясини сақлаш ва кўпайтириш;
- экинларнинг ҳолатини тўлиқ назоратга олиш, шунингдек йирик зараркунандалар ва фойдали ҳашаротларни доимий равишда дала ичида кузатиш;
- чидамлилик (резистентлик) ни бошқариш.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилар:

- Фермер хўжаликлари учун ҳимоя тизимларини тайёрлаш.
- Мутахассисларни тайёрлаш.
- Сифатли препаратлардан фойдаланиш.
- Ҳимоя чора-тадбирларини амалга оширишни оптимал муддатларини аниқлаш.



- Қўл меҳнاتини иложи борица камайтириш.
- Хўжаликларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш.
- Зараркунандалар популяцияси ва касалликларни камайтириш.
- Табиий энтомофагларнинг мақбул таркибидан фойдаланиш.
- Зараркунандалар ва касалликларга қарши профилактика чора- тадбирларни (агротехник, биологик, кимёвий чоралар) олиб бориш.
- Пахтани зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш юқори сифатли мўл ҳосил олишнинг гаровидир [4].

Тадқиқот натижалари. Тажриба майдонида ҳашарот ва касалликларга қарши фақат биологик усул қўлланилди. Бунда ҳар 2 гектар экин майдонига 1 донадан ўрнатилган феромон тутқич (ФТ) ёрдамида капалаклари учиш муддатини аниқлаб, 1 кечада ҳар бир тутқичга ўртача 2-3 та капалак туша

бошлагач ҳар гектар майдонга 1 грамм ҳисобидан 100 та нуқтага (10х10м) 5 кун оралатиб 3 марта тухумхўр-трихограмма, ўрта ва катта ёшдаги қуртларига қарши 1:20; 1:10; 1:5 нисбатларда 5 кун оралатиб 3 марта бракон чиқарилди.

Тадқиқот олиб борилган Қуйи Чирчиқ туманида "ТСТ Cluster" кластерга қарашли Гулистон ҳудудида "Бухоро-10" ғўза нави экилган 200 гектар органик пахта етиштирилган майдонларда ўртача ҳосилдорлик 31,2 центнерни ташкил этди.



АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. -Тошкент 2007. -Б. 1-46.
2. <https://xs.uz/uz/post/ozbekistonda-ikkita-klaster-organik-pakhta-etishtirish-bojicha-khalqaro-sertifikat-oldi>
3. <https://www.standart.uz/ru/news/view?id=2583>
4. <https://kun.uz/uz/news/2019/09/23/ozbekistonda-ilk-bora-organik-paxta-yetishtirish-samarali-kechdi>

ҒАЛЛАЧИЛИК

УЎТ: 631.81.82

КУЗГИ БУҒДОЙ ПАРВАРИШИДА МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИ ТАБАҚАЛАШТИРИБ БЕРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аманов Ойбек Анварович,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор,
Жўраев Диёр Турдиқулович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Ёдгоров Нормўмин Ғуломович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Ушбу мақолада кузги буғдой парваришида маъдан ўғитлар (NPK) меъёринининг ўсув даври давомида табақалаштириб бериш бўйича олинган илмий маълумотлар таҳлили келтирилган.

Кузги буғдой биологик хусусиятларига кўра совуққа ва қишга чидамли, намга талабчан ўсимлик. Ривожланишининг маълум даври қиш фаслига тўғри келади. Бу даврда ўсимлик маълум вақтгача ривожланишдан тўхтади, шу туфайли бу даврни тиним даври (яровизация даври) деб аталади [1].

Кузда экилган буғдой ҳолати тўла таҳлил қилиниб, буғдой тупланиши ва қишга тайёргарлик ҳолатини кучайтириш мақсадида энг биринчи навбатда буғдой майсалари сарғайган ва эндигина униб чиққан, унумдорлиги паст майдонларни гектарига соф ҳолда 30-35 кг азотли (сульфат аммони) ўғитлар билан қўшимча озиклантириб суғориш яхши самара беради.

Умуман олганда, озиклантиришни илмий асосда ташкил этиш тупроқ унумдорлиги, нав хусусияти ва ўсимликнинг озикага бўлган эҳтиёжига кўра белгиланади. Кузги буғдой дон ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар муҳим ўринни эгаллайди [2]. Буғдойнинг 1 центнер дон ҳосили ва шунга мос равишда сомон ҳамда илдиз массаси шаклланиши учун 3,0-3,5 кг азот (N), 1,2-1,8 кг фосфор (P), 2,0-2,3 кг калий (K) талаб этади [3]. Шу сабабли буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқ шароитига қараб, минерал ўғитларни N:180-240, P:125-150, K:90-105 кг/га меъёрда қўллаш тавсия этилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, фосфорли ўғитлар чуқур солинганда саёз солингандагига нисбатан беш баробар тўлароқ ўзлаштирилади ва унинг ўсимлик таркибидаги миқдори саёз солингандагига нисбатан 1,5 баробар кўп бўлган. Фосфор тупроқда деярли ҳаракат қилмайди, кўчиб юрмайди. Фосфор тупроқнинг сингдирувчи комплексига тез адсорбцияланади ва сув тупроқда етарли бўлганда ҳам 1,0 - 4,0 см кенгликда тарқалиши мумкин.


Қаттиқ фосфорли ўғитлар тупроқда нам етарли бўлган, атмосфера ёгингарчиликлари кўп бўлган йиллари тупроқ юзасига сочиб солинганда уларни 85 - 95 %, тупроқ юзасидан 2 см пастга силжиган. Бу чуқурликдаги тупроқ қатламида ўсимлик илдизлари, тупроқ қатлами тез қуриб қолиши туфайли тарқалмайди. Бинобарин тупроқ юзасига солинган фосфорли ўғитлар ўсимлик томонидан деярли ўзлаштирилмайди [4].

Кузги буғдой парваришидан асосий мақсад, экин майдонларида мақбул кўчат қалинлигини сақлаш, лозим бўлса, уруғ

униб чиқмаган дала қисмларида қўшимча уруғ экиш йўли билан кўчат қалинлигини шакллантириш. Ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган майдонлардаги ғўзапояни ер музлаган вақтида буғдой илдизига зарар етказмасдан ўриб даладан олиб чиқиш ва буғдой майдонларини пайҳонгарчилигига йўл қўймаслик лозим.

Кузги озиклантиришда, фосфорли ўғитларни йиллик меъёри экиш олдида берилган майдонларда тупроқдаги фосфор етарли бўлади. Унуманг, кузги буғдой ривожланишини бошларида ўсимлик учун азот талаб қилинади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда кузда азотли ўғитлар йиллик меъёрини 15-20 фоизини берилиши ўсимлик генератив органларини шаклланишига, бошоқдаги дон миқдорига, тупланиш жараёнига ижобий таъсир этади. Ниҳолларни қишга, совуққа чидамлилигини оширади. Аксинча, белгилангандан юқори меъёрда азот берилса, азотни бир қисми тупроқни пастки қатламга ювилиб кетади. Кузда эрта ва мақбул муддатларда экилган майдонларда кузги буғдой тўла тупланишга улгуради.



1-диаграмма. Кузги буғдойнинг «Бунёдкор» нави дон ҳосилдорлигига маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири, (чўл минтақаси оч тусли бўз тупроқлар шароитида 2020-2022 й).

Кузда суткалик ўртача ҳаво ҳарорати +5 °C бўлган кундан бошлаб ўсимлик тиним даврига, яъни қишлашга киради. Аммо кузги буғдой ўсимлигини тиним даврига кириши билан ўсув даври эрта баҳоргача тўхтаб қолмасдан ҳаво ҳарорати кўтарилганда ўсиш давом этади, пасайганда ўсиш тўхтайди.

Илмий тадқиқотларга кўра, азотли ўғитларни табақалаштириб бериш юқори самара беради. Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитларни йиллик меъёрини (соф ҳолда 180-210 кг/га) таъсир этувчи модда ҳисобида 25-30 фоизини бериш тавсия қилинади (физик ҳолда 150-160 кг/га). Эрта баҳордаги азотли озиклантиришда энг биринчи навбатда кеч муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейинги уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши мақбулдир. Қишловга тупланмасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни, қўшимча тартибда гектарига 100 кг (азотли ўғитлар) дан озиклантириш яхши самара беради.

Оч тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқотларда, кузги буғдойнинг «Бунёдкор» нави назорат (ўғитсиз) вариантида ўртача 15,7 ц/га ҳосилдорликни ташкил этган бўлса, минерал ўғитларни NPK-120:80:60 кг/га меъёردа қўлланилганда тегишли равишда 32,0 ц/га, NPK-180:120:90 кг/га меъёрдa қўлланилганда 57,7 ц/га, ўғитлар NPK-240:160:120 кг/га меъёрдa қўлланилганда эса 60,3 ц/га ошганлиги қайд этилди. Эътибор беринг, минерал ўғитлар NPK-180:120:90 ва NPK 240:160:120 кг/га қўлланилган вариантлар орасида кескин фарқ кузатилмаган.



1-расм. Маъдан ўғитларнинг кузги буғдой «Бунёдкор» навида бўлган таъсири.

Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликларда ўсиш жараёни бошланиши муҳим ўрин тутди. Агарда ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озика моддалар ўзлаштирилиши пасаяди. Шу даврда ўсимликда тулланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас, 30 фоизга оширилади. Эрта баҳорги озиклантиришда азот меъёрини бундан оширилганда азотни ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан ювилиб кетади.

Буғдой майсалари ривожланиши сусти бўлган майдонларга минерал ўғитлар суспензияси тайёрланиб сепилиши ёки баргдан озиклантириш (стимулятор) ўсимликларни эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бу эса илдишдан ташқари баргдан озиклантирилганлиги сабабли ўсимлик барг сатҳи қалинлашади, ўсимликларни касаллик ва зараркундаларга чидамлилигини орттиришига, фотосинтез жараёни тезлашишига, ниҳолларни ўсиши ва ривожланиши жадаллашишига олиб келади.

Суспензия сепишда буғдой майсалари ер устки қисмини тўла қоплаганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки сепилган суспензияни ўсимлик барги орқали ўзлаштиради. Буғдой майсалари ер устки қисмини барг сатҳи билан қопламаган майдонларда сепилган суспензиянинг асосий қисми ер устки қатламга тушади. Бундан ўсимлик фойдалана олмайди, натижада сепилган суспензияни самарадорлиги пасаяди.

Кузги буғдойни бундан кейинги озиклантириш найчалаш ва бошоқлаш фазаларининг бошланишида ўтказилади. Бу даврдаги озиклантиришда кузги буғдой экилган навларнинг биологик хусусиятларига асосан эртапишар, ўртапишар ва ўрта кечпишарлигига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан 7-10 кун эрта найчалаш фазасига киради. Бу эса эртапишар навларни бошқа навларга нисбатан 10 кун эртaroқ озиклантиришни талаб этади. Бу фазада ўсимликни вегетатив органлари кўпайган ва энг асосийси поялар сони ортган бўлади. Буғдой найчалаш фазасида азотли ўғитлар йиллик меъёрини 40 фоизини, яъни (физик ҳолатда 300-320 кг/га) миқдорда берилади. Буғдой найчалаш фазасида ўсимликларни намлик ва озика моддалари билан таъминланиши муҳим ўрин тутди. Бу давр давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Шу қисқа даврда кузги буғдой ўсимлиги бутун ўсув даврида тўплайдиган қуруқ моддани 50-60 фоизни тўплайди. Найчалаш фазасида намлик ва озика моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир қилади.

Кузги буғдойда учинчи озиклантириш эса ўсимлик бошоқлаш фазасида амалга оширилади. Бошоқлаш фазасида озиклантириш барг хужайралари шираси таркибидаги азот миқдори даражасига қараб белгиланади. Бу даврда озиклантириш буғдой ҳосилдорлигига ва асосан доннинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Йиллик меъёрининг 15-20 фоизи, яъни физик ҳолда гектарига 110-120 кг/га миқдорида озиклантириш талаб этилади.

Юқоридаги маълумотлар бўйича хулоса қилиш мумкинки, кузги буғдой парваришида азот етишмаса ўсиш секинлашади, барглари оч-яшил тусга киради ва айрим ҳолларда ўсимлик нобуд бўлишига, маҳсулдор тулланишга, бошоқдаги дон сонига ва бошоқнинг йириклигига, 1000 дон дон мас-

сасига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ўсиш даврининг иккинчи ярмида азотнинг етишмаслиги донда оқсилнинг

тўпланишини секинлаштириб, нон ёпиш сифатини ёмонлашига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Козирова М.Д. Влияние дозы азотные удобрений и сроков их внесения на урожайность и качества зерна озимой пшеницы. // Совершенствование технологии выращивания зерновых и кормовых культур в Калининской области. – Калинин, 1985.-с 20-25.
2. Губанов Я.В., Иванов Н.Н.Озимая пшеница – М.; Колос, 1983 – 360 с.
3. Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов. Кузги бугдой ва ғўза етиштириш асослари. Тошкент. Фан, 2017. Б-36-37.
4. Халилов Н.Х., Бобомирзаев П.Х. Кузги бугдойни ўғитлаш ва суғоришнинг илмий асослари. Самарқанд. Фан, 2009. Б-57-58.

УЎТ: 631.551.552/554

КУЗГИ ЮМШОҚ БУГДОЙ НАВЛАРИНИ ТЎЛИҚ ПИШИШ ДАВРЛАРИГА МИНТАҚА ШАРОИТИНИНГ ТАЪСИРИ

Г.Н.Ишанкулова,
ҚарММИ доценти в.б.

Аннотация: Бугдой ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва фаолиятида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мамлакатимизда охириги йилларда турли тупроқ-иқлим шароитларида кузги юмшоқ бугдой навларининг ҳосилдорлиги ва технологик сифат кўрсаткичларини ошириш боросида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аннотация: Показатели продуктивности и качества пшеницы играют решающую роль в формировании и функционировании системы безопасности пищевых продуктов. В последние годы в нашей стране проводятся последовательные реформы, направленные на повышение урожайности и технологических показателей качества сортов мягкой озимой пшеницы в различных почвенно-климатических условиях.


Abstract: Wheat productivity and quality indicators play a decisive role in the formation and operation of the food safety system. In recent years, consistent reforms have been implemented in our country to increase the yield and technological quality indicators of soft winter wheat varieties under different soil and climate conditions.

Дунёдаги ҳар бир давлат донли экинларни етиштириш учун катта майдонларни ажратади. Бу бежиз эмас. Чунки аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби кундан кунга ошиб бормоқда. Ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш илмий тавсияларга амал қилишга бевосита боғлиқ. Турли-иқлим шароитларида ўқимликнинг ривожланиш фазалари 2-3 кун, баъзан 5 кунгача чўзилиши ва қисқариши мумкин. Бу ҳолат ўқимликнинг биологияси ва физиологиясида катта ўрин эгаллайди. [1].

Қашқадарё вилояти республикаимизнинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, ўзининг тупроқ-иқлим кўрсаткичлари билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Вилоятда тоғ олди, бўз ҳамда чўл минтақаси тупроқлари ривожланган бўлиб, ҳар бир минтақа тупроқлари ўзига хос морфогенит тузилишга, агро-кимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳосса-хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли вилоятда деҳқончиликни ташкил қилишда табақалаштирилган агро-техник тадбирларни қўллашни тақозо қилади [2].

Республикаимизнинг асосий ғалла майдонлари жанубий ҳудудлар

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлаштирилган. Жанубий ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ўзининг иссиқ ва қурғоқчилиги билан республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан кескин фарқланиб, ўртача ҳаво ҳарорати баҳор ойларининг ўртасида сезиларли даражада кўтарилиши ва ёғин миқдорининг кам бўлиши ғалла экини ҳосилдорлиги ва дон сифати кўрсаткичларига салбий таъсир



1-расм. Кузги юмшоқ бугдой навларининг тўлиқ пишиш даври бошланишига иқлим шароитининг таъсири.

кўрсатиб келмоқда [3].

Тадқиқотларда навларнинг тўлиқ пишиш даври таҳлил қилинганда, навларнинг вегетация даврига иқлимнинг таъсири ҳар бир навга ўзгача таъсир этиши кузатилди. Тўлиқ пишиш фазаси Яксарт навида Касби туманида 230,7 кунда, Қарши туманида 229,9 кунда, Шаҳрисабз туманида 232,8 кунда аниқланган (1-расмга қаранг).

“Краснодарская-99” навида бу кўрсаткич мос равишда 227,6-230,8 ва 234,1 кунни ташкил этди. Навлар бўйича энг қисқа кунда пишиб етилган нав Селянка бўлиб, униб тўлиқ пишиш фазаси Касби туманида 222,8 кунни, Қарши туманида 225,8 кунни ва Шаҳрисабз туманида 228,8 кунни ташкил қилган. Ўрганилган навлар бўйича Ҳозор навида иқлимнинг

таъсири кескин таъсир қилиши, хусусан Касби туманида 222,3 кунда тўлиқ пишиш кузатилган бўлса, Қарши туманида 225,8 кунда, Касби туманига нисбатан 3,5 кун кеч, Шаҳрисабз туманида эса 229,1 кунда, ёки Касби туманига нисбатан 6,8 кун кеч, Қарши туманига нисбатан 3,3 кун кеч пишиши аниқланган. Туркистон навида бу кўрсаткич мос равишда 223,1., 226,3 ва 228,3 кунни ташкил этган.

Хулоса шуки, кузги юмшоқ буғдой навларининг Қашқадарё вилоятининг чўл (касби) минтақасида қисқа бўлиши, тоғ олди (Шаҳрисабз) минтақасида эса вегетация даври 4-7 кунгача узайиши мумкин. Кузги юмшоқ буғдой навларининг тўлиқ пишиш даврига иқлим шароити бевосита таъсир қилиб, ҳаво қурғоқчилиги таъсирида тўлиқ пишиш фазаси қисқариб борган.

АДАБИЁТЛАР

1. Д. Ёрматова, Д. Шамуротов. Дала экинлари етиштириш технологияси. Тошкент – 2008. Б. 12.
2. Л. Турсунов, Р. Бобоноров, А. Вакилов, Қашқадарё ҳавзаси ҳудуди тупроқлари. Монография. Тошкент: Турон. Иқбол, 2008. Б. 4
3. Аманов А., Алиқулов С., Мусирманов Д. Кузги юмшоқ буғдойнинг эртапишар нав ва намуналарини рақобат нав синаш кўчатзоридан танлаш. /Ж. “Agro ilm – o‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi” №1. 2020. Б. 14-15.

ЎЎТ: 633.51: 633.11:632.51

ЃЎЗА ҚАТОР ОРАСИДА КУЗГИ БУЃДОЙ ЕТИШТИРИШДА БЕГОНА ЎТЛАР МУАММОСИ

Уразбаев Акмалбек Аминбаевич,

Хоразм вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи, қ.х.ф.ф.д.,

Ходжаев Шамиль Турсунович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қ.х.ф.ф.д., профессор,

Атажанов Темур Самандарович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Хоразм филиали кичик илмий ходими,

Нурумова Нилуфар Камиловна,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Хоразм филиали кичик илмий ходими.

Аннотация: В статье были даны результаты испытания и выводы о особенностях растений сорняков в посевах пшеницы, которые посеяны в различных предшественниках, включая хлопковое растение.

Ключевые слова: зимняя пшеница, сорняки, между рядом хлопка.

Annotation: In the article were given the results the tests and conclusions on peculiarity of weed plants in sowing wheat, sown in various predecessors including cotton plant.

Keywords: winter wheat, weeds, between the row of cotton.

Қириш. Бугунги кунда барча суғориладиган майдонларда кузги буғдойнинг 70-80% га яқин қисми ғўза қатор ораларига экилаётганлиги бегона ўтларнинг тобора кўпайишига олиб келмоқда. Ѓўза қатор орасида кузги буғдой етиштирилганда махсус дон уруғини екишга мослашган сеялка йўқлиги туфайли, култиватор базасида яратилган мослама ёрдамида ернинг юза қатлами юмшатилиб уруғ экилмоқда. Бундай жойларда чуқур шудгор ўтказилмаганлиги сабабли барча турдаги бегона ўтлар қишлоvdан муваффақиятли чиқиб, эркин ривожланиб ўсадиган шароит вужудга келади.

Ш.Ризаев ва К.Мўминов (2015) ларнинг фикрича, бегона ўтлар ғалла уруғи униб чиқишидан бошлаб, то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган даврларда экиннинг бир меъёрда ўсиб-ривожланишига тўсқинлик қилади. Муаллифлар яна таъкидлайдики, бегона ўтлар сув, ёруғлик, озик моддалар ва бошқа ташқи муҳит омилларидан жуда яхши фойдаланади, ўғитлар таркибидаги озик моддаларнинг ўзлаштириш

кўрсаткичини 30-40% га, дон ҳосилини 20-50% гача камайтириб, доннинг сифатини бузади.

Ахир улуғларимиз ҳам бекорга “**Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда**” ёки “Буғдой эксанг кузда эк, **яхши ҳайдаб бўзга эк**” дейишмаган. ЎзПИТИ (2013) олимларининг тадқиқотларида ҳам ғўзадан кейин кузги буғдой экилганда чимқирқар ўрнатилган омоч билан 30-35 см чуқурликда ҳайдаш натижасида бегона ўтлар сони кузги буғдойнинг туплаш даврига келиб 45-57% гача камайганлиги кузатилган.

С.Бахромовнинг (1998) таъкидлашича, Фарғона водийси шароитида “ғалла-ғўза” шаклида навбатлаб экиладиган ерларда барча бегона ўтларнинг миқдори ҳар йили ортиб боради.

Ѓўза қатор орасида ўсаётган кузги буғдой далаларида бегона ўтларнинг жадаллашган даври март ойи охири ва апрел ойининг бошларига тўғри келади. Ушбу даврда бегона ўтлар билан кузги буғдой ўртасида кучли рақобат бошла-

нади. Бегона ўтлар табиий шароитга буғдойга нисбатан кўпроқ мослашганлиги сабабли, уларга ўз вақтида самарали курашилмаса кузги буғдой ҳосилдорлигига жуда катта зарар етказди (Арипов, 2016).

Агарда кимлардир ғўза қатор ораларига буғдой экишни “истиқболли усул” деб атаган бўлса (Эрназаров, 2004), бошқалари истиқболли эмас, балки, арзон ва қулай “ўткинчи” усул деб изоҳлашган (Хўжаев, 2004). Ш.Т.Хўжаевнинг (2004) фикри олдинги муаллифниқидан фарқланиб, ғаллани ғўза қатор орасига экиш усули қатор камчиликларга эга эканлиги таъкидланган. Жумладан:

– зараркунандаларнинг муваффақиятли қишлаб чиқиши;

– бегона ўтларнинг тобора кўпайиб бориши;

– вилт ва бошқа касалликларни кўзгатувчи қолдиқлари ғўзапоя илдизи ва анғизда муваффақиятли қишлаб чиқиши ва бошқалар.

Тадқиқот усуллари. Юқорида қайд этиб ўтилган муаммолар қанчалик ҳақиқий эканлигига аниқлик киритиш мақсадида биз 2015-2016 йилларда ғўза қатор

ораларига ва ғўзапоялардан тозаланиб ҳайдалган очик ер майдонида экилган кузги буғдойда бегона ўтларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш мақсадида қуйидаги вариантларда амалий дала тажрибалари ва кузатувлар ўтказдик:

1-вариант: ғўза қатор ораларига экилган майдонлар;

2-вариант: ғўзапоялардан тозаланиб ҳайдалган очик ер майдони.

Дала тажрибаларимиз 3 такрорланишда Хоразм вилояти, Шовот туманидаги ЎҚҲИТИ Хоразм филиали тажриба далаларида умумқабул қилинган услублар асосида ўтказилди. Ҳар бир вариантга ажратилган далаларда бир хил агротехник ишлов (экиш, озиклантириш ва суғориш) ўтказилди. Бу тажрибаларни ўтказиш учун ғўза экилган ер майдони ажратилиб, даланинг ярмида ғўзапоялар юлинмасдан қолдирилди ва култиватор базасида яратилган мослама ёрдамида ернинг юза қатлами 3 марта юмшатилиб экишга тайёрланди. Даланинг иккинчи ярмида эса ғўзапоялар қўлда илдизи билан юлиб олиниб, ер ғўзапоя қолдиқларидан тозаланди ва чимқирқар ёрдамида юза юмшатилиб, ундан кейин 20-25 см чуқурликда ағдариб ҳайдалди ва борона қилиниб экишга тайёрланди.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган ҳисоб ва кузатишлардан ғўза қатор ораларига ҳамда очик ер майдонга экилган тажриба вариантларида бегона ўтларни ўсиши ва ривожланишида маълум бир фарқ борлиги кузатилди.

Бунда бегона ўтларнинг зичлигини турли усуллар билан ўргандик. Дастлаб, қийинчилик билан бўлсада буғдой экилгандан кейин ҳар иккала вариантда ҳам 1 м² даги бегона ўт уруғларининг ўртача миқдори ҳисобланди. Бунинг учун

иккала вариантда ҳам 5 та жойидан 1 м² катталигида 15 см гача чуқурликдаги тупроқ кавлаб олинди ва ЎҚҲИТИ Хоразм филиалига олиб келиниб, турли йўллар билан (тупроқни майда элакда элаш, сув билан ювиш ва б.) ҳисобланганда шу аниқ бўлдики, ғўза қатор ораларига экилган вариантларда ўртача ҳар м² да 412 та бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтларнинг уруғлари, очик дала майдонларига экилган вариантларда эса ўртача ҳар м² да 54 та бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтларнинг уруғлари борлиги маълум бўлди.

Кейинги кузатувларимиз эса эрта баҳордан бошлаб, яъни 10, 25 март ва 10 апрелда ўтказилди (жадвалга қаранг).

жадвал.

Турли усулларда экилган кузги буғдойда бегона ўтларнинг ривожланиши
ЎҚҲИТИ Хоразм филиали тажриба даласи буғдойзорлари, 2021-2022 йй.

№	Вариантлар	Кузатувдаги ер майдони, гектар	Шудгор ўтказилган муддат	Уруғлар зичлиги, дона/м²	Униб чиккан бегона ўтларнинг ўртача микдори, дона/м²		
				25.10.2021	10.03.2022	25.03.2022	10.04.2022
1.	Ѓўза қатор орасига экилган	1,5	ўтказилмаган	412,0	128,3	164,7	166,0
2.	Очик далага экилган	1,0	10.10.2021.	54,0	18,7	48,0	49,3

Бунда ҳар бир даланинг диагонали бўйича 10 жойидан 1 м² даги бегона ўтлар санаб чиқилди ва ўртача миқдори ҳисобланди. Жадвал маълумотларидан кўринадики, эрта баҳорги кузатувларимизда ғўза қатор ораларига экилган вариантларда ўртача ҳар м² да 128,3 дона, очик дала майдонларига экилган вариантларда эса ўртача ҳар м² да 18,7 донадан бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларнинг униб чиққанлиги аниқланди, яъни бир хил шароитдаги ёнма-ён далада ғўза қатор ораларига экилган вариантларда 7,0 мартагача кўпроқ бегона ўт билан зарарланди. Бунинг сабабини эса очик дала майдонлари чуқур шудгорлангани учун бегона ўт уруғларининг асосий қисми тупроқнинг 20-25 см чуқурлигига тушиб кетиб, униб чиқиши учун ноқулай шароит пайдо бўлганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Хулосалар. Олинган натижалардан қуйида хулосаларга келса бўлади:

1. Кузда ғўза қатор орасига буғдойни шудгорсиз экилган майдонда, ғўзапоядан тозаланиб шудгорлаб экилган далаларга нисбатан бегона ўт уруғлари билан зарарланиши 7,6 марта, эрта баҳорда униб чиққан бегона ўтлар билан зарарланиши эса 7,0 мартагача кўпроқ бўлади.

2. Кузги буғдойни имкон қадар ғўзани эртароқ етиштириб, ўз технологияси бўйича ерни чуқур шудгорлангандан кейин экиш лозим.

3. Ғўза қатор ораларига кузги буғдой эккан фермер хўжаликлари 100% ғаллазорларида эрта баҳорда бегона ўтларга қарши бирорта рухсат этилган гербицидлар билан кимёвий ишлов ўтказишлари зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Арипов А. Замоновий усуллар – мўл ҳосилга замин//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-2016. №3. Б.11.
2. Бахромов С. Бегона ўтлардан ҳоли бўлиш йўли ёки плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш афзалликлари//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 1998. - №3 Б.22-24.
3. Ризаев Ш., Мўминов К. Бегона ўт-ҳосил кушандаси//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2015. - №8. Б.31.
4. Хўжаев Ш.Т. Ҳақиқатда ҳам истиқболлими?//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2004. - №12. – Б.23.
5. Эрназаров И. Ғўза орасида бошоқли дон етиштириш//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2004. - №4. – Б.16.

БИОЛОГИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНСЕКТИЦИДОВ ПРОТИВ СОСУЩИХ ВРЕДИТЕЛЕЙ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

Уразбаев Акмалбек Аминбаевич,

Начальник управления по карантину и защите растений в Хорезмской области, д.ф.с.х.н.,

Муродов Расул Маткаримович,

Хорезмский филиал НИИ карантина и защиты растений, старший научный сотрудник,

Нурумова Нилуфар Камиловна,

Хорезмский филиал НИИ карантина и защиты растений, младший научный сотрудник.

Abstract. The article presents the results of tests of insecticides Imidacloprid, SK, Pulsar, EK, Entoluch, EK against sucking pests of winter wheat. All studied chemical preparation showed high biological effectiveness.

Keywords. Insecticide, sucking pests, Imidacloprid, SK, Pulsar, EK, Entoluch, EK, winter wheat, chemical preparation, biological effectiveness.

Введение. Важнейшей задачей сельского хозяйства Узбекистана является рост производства высококачественного зерна. Оно по праву считается национальным достоянием государства, одним из основных факторов устойчивости его экономики и гарантией продовольственной безопасности страны. Однако, в силу целого ряда объективных и субъективных причин урожайность и валовые сборы зерна существенно колеблются по годам. Отдельные годы на снижение валовых сборов высококачественного зерна пшеницы влияют массовое размножение различных видов вредителей, болезней и сорняков. Год за годом расширяется ареал распространения таких опасных вредителей как вредная черепашка, пьявица, пшеничный трипс, злаковая тля. При отсутствии защитных мероприятий против них потери урожая составляют до 40% от валового сбора. В системе защитных мероприятий важное место отводится химическому методу. Эффективность и

объем использования пестицидов связаны с общим уровнем продуктивности земледелия.

В условиях Узбекистана защита пшеницы от сосущих вредителей является актуальной проблемой. Ее решению посвящены многие исследования. По данным ряда авторов, химический метод остается одним из наиболее эффективных в борьбе с вредителями пшеницы. Применение инсектицидов позволяет сохранять 4–15 % урожая зерна [1, 2]. Для достижения максимального эффекта от применения инсектицидов на зерновых культурах против сельскохозяйственных вредителей и для наименьшего отрицательного влияния их на полезную энтомофауну агроценозов необходимо соблюдать сроки химических обработок с учетом экономических порогов численности вредителей [3].

Основными сосущими вредителями пшеницы в Узбекистане являются вредная черепашка (*Eurygaster integriceps* Put),

Таблица-1.

Биологическая эффективность инсектицидов против сосущих вредителей пшеницы (средние данные за 2021-2022 гг. Хорезмская область, Шаватская опытная станция НИИК и ЗР)

№	Вариант	Норма расхода препарата (л/га)	Средняя численность вредителей					Биологическая эффектив- ность по дням (%)			
			до обработки	после обработки по дням				1	3	7	14
				1	3	7	14				
Вредная черепашка (экз/м²)											
1.	Имидаклоприд, 35% к.с.	0,07	7,8	1,1	1,0	0,6	1,1	86,4	89,5	94,4	88,2
2.	Пульсар, 5% к.э.	0,15	8,6	0,9	0,8	0,8	1,1	89,9	92,3	93,4	89,3
3.	Энтолучо, 20% к.э.	0,1	8,3	1,2	1,0	0,9	1,3	86,1	90,2	92,1	86,9
4.	Децис, 2,5% к.э. (эталон)	0,25	9,4	1,1	1,0	0,8	1,4	88,7	91,3	93,7	87,5
5.	Контроль (без обработки)	-	10,2	10,6	12,5	14,0	12,2	-	-	-	-
Тли (экз/колос)											
1.	Имидаклоприд, 35% к.с.	0,07	39,2	4,0	2,4	2,8	5,3	90,3	94,7	93,9	88,9
2.	Пульсар, 5% к.э.	0,15	36,3	3,5	2,9	1,4	2,0	90,9	93,1	96,7	95,5
3.	Энтолучо, 20% к.э.	0,1	35,5	3,0	3,5	3,0	3,7	89,6	91,5	92,8	91,5
4.	Децис, 2,5% к.э. (эталон)	0,25	40,1	2,8	2,2	0,7	1,0	93,4	95,2	98,5	97,9
5.	Контроль (без обработки)	-	38,6	40,8	44,6	45,5	47,4	-	-	-	-
Трипсы (экз/колос)											
1.	Имидаклоприд, 35% к.с.	0,07	31,2	3,8	2,5	1,7	2,0	87,9	92,2	95,0	94,7
2.	Пульсар, 5% к.э.	0,15	33,1	4,6	3,9	3,1	4,1	86,2	88,5	91,5	89,0
3.	Энтолучо, 20% к.э.	0,1	29,9	3,3	2,6	2,3	3,5	89,0	91,5	93,0	90,3
4.	Децис, 2,5% к.э. (эталон)	0,25	32,5	2,9	1,8	2,5	3,7	91,1	94,0	93,0	90,6
5.	Контроль (без обработки)	-	33,3	33,5	34,1	36,8	40,5	-	-	-	-

пшеничный (*Haplothrips tritici* Kurd.) и другие виды трипсов, тли (Aphididae) [5].

Место и методика проведения исследований. В 2021–2022 гг. нами проведено испытание ряда химических инсектицидов против сосущих вредителей пшеницы: Имидаклоприд, КС, Пульсар, КЭ и Энтолучо, КЭ на полях Хорезмского филиала НИИК и ЗР. Повторность опытов – трехкратная, площадь делянок – 1 га, сорт пшеницы Таня Р-1. Эталонном служил препарат Децис, КЭ. Опыт проводили по методике УзНИИЗР [4].

Результаты исследований. Как видно из приведенных в таблице данных, численность вредителей на посевах была высокой и составляла: вредной черепашки – 7,8–10,2 экз/м², тлей – 35,5–40,1 экз/колос и трипсов – 29,9–33,3 экз/колос (таблица-1). После проведения обработки изучаемыми препаратами численность насекомых уже в 1-й день снизилась до экономически неощутимого уровня. Биологическая эффективность препаратов против вредной черепашки в

1-й день после обработки составляла 86,4–90,3%, наблюдалось повышение эффективности на 3–7-й дни до 94,4% (Имидаклоприд), и высокая биологическая эффективность сохранялась до 14 дней, то есть до завершения эксперимента. Аналогичные результаты получены при обработках против злаковых тлей. Отмечено нарастание биологической эффективности до 96,7 % на 7-й день после обработки, и она сохранялась на высоком уровне более 14 дней. При этом изучаемые препараты в борьбе с пшеничными трипсами показали хорошие результаты только на 3-й день после обработки (88,5–89,0 %), сохранялась высокая эффективность на 7-й день (91,5–95,0 %) и на 14-й (89,0–94,7 %). Наиболее эффективным препаратом был Имидаклоприд.

Таким образом, против вредной черепашки, тлей и трипсов все изучаемые препараты показали высокую биологическую эффективность. Также установлено, что при использовании изучаемых препаратов против сосущих вредителей пшеницы сохранено 5,0–6,6 ц/га, или 14,0–15,5% урожая зерна.

ЛИТЕРАТУРА

1. Долженко В.И. Современные инсектициды. – СПб., 2010, 152 с.
2. Павлюшин В.А., Вилкова Н.А., Сухорученко Г.Н., Нефедова Л.А., Капусткина А.В. Вредная черепашка и другие хлебные клопы. – СПб., 2015, 234 с.
3. Танский В.И., Тулеева А.К. Хозяйственная эффективность пестицидов в посевах яровой пшеницы//Защита и карантин растений. – 2007. №12.–С.38-39.
4. Ходжаев Ш.Т. Методические указания по испытанию инсектицидов, акарицидов, фунгицидов и биологически активных веществ. – Ташкент, 2004, с. 104.
5. Ходжаев Ш.Т. Энтомология, защиты сельскохозяйственных культур и основы агротоксикологии (Энтомология, кишлук ҳўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари) – Ташкент, 2010, 410 с.

УЎТ: 633.14:633.1:631.8

ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ДОН СИФАТИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Исмоилов Воҳид Исропилович,

Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети таянч докторанти,

Турсунов Шермухаммад Нурмаатович,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси директори,

Мавлонов Баҳодир Тошбоевич,

Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети доценти

Аннотация. Мақолада кузги муддатда экилган жавдарнинг “Вахшская 116” ва “Шалола” навларини дони таркибидаги оқсил миқдори ҳамда дон натурасига экиш муддати ва минерал ўғитларнинг таъсири юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар баён этилган.

Жавдар навларининг дон таркибидаги оқсил миқдори минерал ўғитлар меъёри ошиши билан қўнайиб борди. Дон таркибидаги оқсил ва дон натураси ҳар иккала навда ҳам гектарига N180P110K90 кг қўлланилган вариантда аниқланган.

Калим сўзлар: жавдар (*Secale cereale*), экин, муддат, ўғит, меъёри, оқсил, нав, уруғ, тупроқ, дон, натура.

Abstract. The data obtained as a result of studies on the amount of protein in the grain of rye varieties Vakhshskaya 116 and Shalola during autumn sowing, as well as the effect of sowing time and mineral fertilizers on the character of grain, are presented. described.

The amount of protein in the grain of rye varieties increased with an increase in the rate of mineral fertilizers. Grain protein content and grain character were determined in the variant using N180P110K90 kg/ha in both varieties.

Key words: Rye (*Secale cereale*), crop, period, fertilizer, rate, protein, variety, seed, soil, grain, kind.

Кириш. Жавдар донининг сифат кўрсаткичлари етиштириладиган нав ва иқлим шароитга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Бунда об-ҳаво шароити, тупроқ хусусиятлари ва унумдорлиги ҳамда ўғитлаш тизими ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Умуман олганда, суғориладиган бўз тупроқлар шароитида жавдар донининг сифати ўсимлик озикланишда макроэлементларни мутоносиб қўлланишига боғлиқ.

Кузги жавдар донининг сифат кўрсаткичларига уни мақбул муддат ва қулай ўғитлаш меъёри ижобий таъсир кўрсатади. Бу йўналишда бир қатор давлатларда турли тадқиқотчилар томонидан изланишлар олиб борилган. Жумладан, П.Н.Бражников кузги жавдарнинг “Петровна” ва “Наримчанка” навларининг дондаги оксил миқдори навларга мос равишда 11,0; 11,1 %, дон натураси эса 721; 718 г/л бўлганлиги аниқлаган [2; 25-28 б.].

Россия Федерациясининг Ўрта Урал худудида О.С.Тихонова, И.Ш.Фатиховлар (2005) томонидан ўтказган тажрибаларида кузги жавдарни дон натураси 20 августда экилганда 611 г/л, 25 августда экилганда 625 г/л ва 30 августда экилганда эса 609 г/л бўлганлиги аниқлаган [4; 52-б.].

И.Н.Белоус тажрибаларида кузги жавдарнинг “Пуховчанка” навини дон таркибидаги хом протеин ва дон натурасига органик ҳамда минерал ўғитларнинг таъсири сезиларли даражада бўлган. Маҳаллий гўн гектарига 40 тонна ва $N_{70}P_{30}K_{60}$ кг қўлланилганда дон таркибидаги хом протеин миқдори 12,6 %, дон натураси 671 г/л бўлган. Бунда минерал ўғит меъёри маълум даражада ортиб бориши билан доннинг асосий кимёвий кўрсаткичлари ошиши аниқланган [1; 47-48 б.].

Материаллар ва методлар. Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг суғориладиган ерлари шароитида 2018-2020 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида жавдарнинг “Вахшская 116” ва “Шалола” навларини 1; 15 октябрь ва 1 ноябрь муддатларда экилди. Тадрибада минерал ўғитлардан аммиакли селитра- NH_4NO_3 (N-33-34,6 %), аммофос- $NH_4H_2PO_4$ (N-11-12 %, P_2O_5 -44-46 %) ва хлорли калий- KCl (K_2O -53,7-60,0%) ўғитлари қўлланилди. Ўғитларнинг қуйидаги меъёрлари ўзаро таққосланиб ўрганилди: N-120, 150, 180; P-70, 90, 110; K-60, 75, 90, кг/га. Тадрибада жавдар навларининг экиш меъёри 4,0 млн/донна унувчан уруғ ҳисобида экилди. Тадриба III қайтариқда, ҳисобга олинган пайкаллар майдони 50 м² ташкил этди.

Тадқиқотлар барча кузатувлар тупроқ ва ўсимлик намуналари таҳлиллари ва ҳисоб китоблар “Dala tajribalarini o'tkazish uslublari” (2014) [6] “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (1963) [3] “Практикум по агрохимии” (2001) [5] каби илмий қўлланмалар асосида бажарилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Жавдарни эрта муддатларда экиш ва минерал ўғитни меъёрида кузда ҳамда ўсимликни вегетация даврида озиклантириш доннинг кимёвий кўрсаткичларига, хусусан оксил миқдорида ижобий таъсир кўрсатади. Дон таркибидаги оксил унинг сифатини белгилайди ва ундаги бир қатор аминокислоталар (лизин, метионин, триптофан) тўпланишини таъминлайди.

Тажрибаларимизда жавдарнинг ўрганилган иккала на-

вида ҳам экиш мақбул муддатлардан кечикиши билан дон таркибидаги оксил миқдорининг камайиши кузатилди. “Вахшская 116” ва “Шалола” навлари дон таркибида энг кўп оксил ва дон натураси 15 октябрда экилган ва гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг минерал ўғитлар қўлланилган вариантларда қайд этилиб, бунда навларга мос ҳолда 15,0; 15,8 % ва 751,7; 757,9 г/л ни ташкил этди. (1–жадвал).

1-жадвал.

Жавдар навларининг экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларини дон натураси ва оксили миқдорида таъсири (2018-2020 йй.)

Экиш муддати	Ўғитлаш меъёри, кг/га			Вахшская 116 нави		Шалола нави	
				оксил, %	дон натураси, г/л	оксил, %	дон натураси, г/л
	N	P_2O_5	K_2O				
01.10	Назорат (ўғитсиз)			11,3	663,8	11,9	672,3
	120	70	60	13,2	688,4	13,8	696,9
	150	90	75	13,9	693,7	14,3	702,6
	180	110	90	13,5	700,1	14,9	710,1
15.10	Назорат (ўғитсиз)			12,6	673,7	12,0	683,5
	120	70	60	13,7	698,9	14,6	706,9
	150	90	75	14,6	704,0	15,1	712,3
	180	110	90	15,0	710,4	15,8	720,1
01.11	Назорат (ўғитсиз)			10,5	657,4	11,4	670,3
	120	70	60	11,7	679,7	12,5	691,2
	150	90	75	12,7	684,8	13,0	696,2
	180	110	90	13,4	690,7	13,5	702,8

Дон таркибидаги оксил ва дон натураси кам бўлиши назорат вариантларида кузатилиб, 1 октябр экиш муддатида бу кўрсаткичлар навларга мос равишда оксил миқдори 11,3; 11,9 %, дон натураси 721,2; 726,4 г/л %, 1 ноябр экиш муддатида 10,5; 11,4 ва 719,5; 724,8 г/л ни ташкил этган бўлса, 15 октябрда экилганда 1 ноябрга нисбатан оксил миқдори 2,1; 0,6 % га, дон натураси эса 6,7; 4,9 г/л га юқори бўлиши кузатилди.

Минерал ўғитлар меъёрини ошириш оксил ва дон натурасига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан “Вахшская 116” навида 1 октябрда экилган ва гектарига $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг минерал ўғитлар қўлланилган вариантида оксил миқдори 13,2 % ни ташкил этган бўлса, ўғитлар меъёрини ошириш билан яъни, назорат вариантыга нисбатан гектарига $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг қўлланилган вариантида 13,9 %, $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га қўлланилган вариантида эса, 3,2 % га юқори бўлиши аниқланди.

Хулоса қилганимизда, Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг “Вахшская 116” ва “Шалола” навларидан сифатли дон ҳосили олиш учун қулай экиш муддати 15 октябрь, мақбул минерал ўғит меъёри эса гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг эканлиги тасдиқланди.

Умуман олганда, жавдар етиштиришда экиш муддатлари ва минерал ўғитлар қўллашни мақбуллаштириб бошқа агро-техник тадбирларни сифатли ўтказиш фониди ўсимликдан юқори сифатли дон ҳосилини шакллантириш мумкинлиги исботланди.

АДАБИЁТЛАР

- Белоус И.Н. Влияние комплексного применения средств химизации на урожайность и качество зерна озимой ржи в условиях радиоактивного загрязнения. / Белоус И.Н. // “Агроэкология” Плодородие №4 2015. С – 47-48.
- Бражников П.Н. Сорт озимой ржи Нарымчанка. П.Н.Бражников // Растениеводство и селекция № 3. 2015. С – 25-28.

3. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах. - Тошкент.: 1963. – 440 с.

4. Тихонова О.С. Влияние сроков посева озимых зерновых культур на качество зерна в Среднем Предуралье. Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. / О.С.Тихонова, И.Ш.Фатыхов // Научно-практический журнал № 1 (34) 2013. – 52 С.

5. Практикум по агрохимии: Учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. / под ред. академика РАСХН В.Г. Минеева. – М.: Изд. МГУ, 2001. – 689 с.

6. Nurmatov Sh., Mirzajonov Q., Avliyoqulov A., Bezborodov G., Ahmedov J., Teshayev Sh., Holiqov B., Niyozaliev B., Hasanova F., Mallabaev N., Tillabekov B., Ibragimov N., Abdualimov Sh., Shamsiev A., Isaev S. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari. Toshkent 2014. – B. 175.

УЎТ: 635:633.15:631.52:631.51

ЭРТАГИ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР СИФАТИДА ТУРЛИ МУДДАТЛАРДА ЭКИЛГАНДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

Т.Э.Остонақулов,
ҚарДУ профессори,
И.Х.Нуриллаев,
ҚарДУ магистранти,
Ш.М.Холмурадов,
Қарши МИИ ўқитувчиси.

Аннотация. В статье изложены результаты изучения влияния сроков возделывания сортов сахарной кукурузы Мегатон F1 и Замон в основной и повторной культуре на рост, развитие, продуктивность и урожайность зерна. Установлено, что при посеве 12 марта в основной культуре у обоих сортов сахарной кукурузы наибольший рост (158-172см), облиственность (14,4-14,7 шт.) и продуктивность (3,5-4,0 шт. початки с куста) растений. При этом был получен самый высокий урожай зерна (66,5-69,8 ц/га). А при повторной культуре наибольший урожай зерна (63,6-68,8 ц/га) отмечались при сроке посева 20 июля.

Ключевые слова: сахарная кукуруза, сорт, рост, вегетационный период, облиственность, продуктивность.

Abstract. The article presents the results of studying the influence of the terms of cultivation of sweet corn varieties Megaton F1 and Zamon in the main and secondary crops on the growth, development, productivity and grain yield. It has been established that when sown on March 12 in the main crop, both varieties of sweet corn have the highest growth (158-172 cm), leafiness (14.4-14.7 pieces) and productivity (3.5-4.0 pieces of cobs from a bush) plants. At the same time, the highest grain yield was obtained (66.5-69.8 c/ha). And with repeated culture, the largest grain yield (63.6-68.8 c/ha) was observed at the sowing date on July 20.

Key words: sweet corn, variety, growth, vegetation period, foliage, productivity.

Кириш. Дунё аҳолиси севиб истеъмом қиладиган сабзавотлардан бири ширин маккажўхори (*Zea mays L. convar saccharata*) бўлиб, ватани Марказий Америка ҳисобланади ва бу экин АҚШ, Канада, Мексика, Аргентина, Перу каби мамлакатларда катта майдонларда экилади. Кейинги вақтларда бизда ҳам деҳқон ва фермер хўжаликларида даромадли экинлиги учун катта қизиқиш уйғотмоқда [3,7].

Республикаимизда селекция ишлари натижасида маҳаллий шароитга мос сабзавот маккажўхорининг “Шерзод”, “Замин”, “Замон” каби навлари яратилиб, давлат реестрига киритилди [4,5]. Ўсимликнинг бирламчи элита уруғчилиги такомиллаштирилмоқда. Шунга қарамай Қашқадарё вилояти суғориладиган бўз тупроқлари шароитида сабзавот (ширин) маккажўхорининг янги нав ва гетерозисли дурагайларини асосий ва такрорий экинлар сифатида ўстириш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқотимизнинг мақсади ширин маккажўхорининг янги Мегатон F₁ ва “Замон” навларини асосий ҳамда такрорий

экинлар сифатида турли муддатларда экилиши, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш асосида мақбул экин муддатларини (асосий ва такрорий экинлар учун) аниқлашдан иборат бўлди.

Материаллар ва методлар. Дала тажрибалари Қарши тумани Алмамат ўғли Аббос фермер хўжалигининг шўрланмаган суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Асосий экин сифатида янги Мегатон F₁ ва “Замон” навларининг уруғларини 20.02, 2.03, 12.03 ва 22.03, кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида 30.06, 10.07, 20.07 ва 30.07 да 90×20см схемада 5-6 см чуқурликда экилди. Делянканинг майдони 56 м², такрорлар сони 4 та бўлиб барча агротехнологик тадбирлар - суғориш, ўғитлаш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услублар ва агротавсиялар асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик кўрсаткичлари Microsoft Excel дастури ёрдамида дисперсион таҳлил қилиниб, тажриба аниқлиги (Sx%) ва энг кам кичик фарқ (ЭКФ₀₅) топилди [1,2,6,7].

Турли муддатларда асосий ва такрорий экинлар сифатида экилган ширин маккажўхори навларининг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва дон ҳосилдорлиги.

Нав номи	Экиш муддати	Ўсув даври, кун ҳисобида	Ўсимлик		1-сўта баландлиги, см	Бир тупдаги сўта сони	Битта сўтанинг ўртача вазни, г	1000 та дон вазни, г	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, ц/га			Қўшимча ҳосилдорлик		
			Бўйи, см	Барг сони					2020	2021	ўртача	ц/га	%	
	Асосий экин сифатида экилганда													
Мегатон F ₁ (ст.)	20.02	83	149	12,3	48	3,2	219	296	65,8	59,2	62,5	-2,5	96,2	
	02.03	81	152	13,1	47	3,3	223	301	67,7	60,6	64,1	-0,9	98,6	
	12.03	80	158	14,4	48	3,5	228	305	69,4	63,6	66,5	-1,5	102,3	
	22.03 (назорат)	80	155	14,0	49	3,4	225	303	68,3	61,7	65,0	-	100,0	
Замон	20.02	80	157	12,8	40	3,8	215	315	70,3	64,1	67,2	-1,1	98,4	
	02.03	78	165	13,6	40	3,9	219	317	71,2	65,8	68,5	0,2	100,3	
	12.03	78	172	14,4	38	4,0	224	320	72,5	67,1	69,8	1,5	102,2	
	22.03 (назорат)	77	169	14,3	38	3,9	221	318	71,0	65,4	68,2	-	100,0	
	ЭКФ ₀₅ = 1,8 1,2													
	Такрорий экин сифатида экилганда													
Мегатон F ₁ (ст.)	30.06 (назорат)	80	144	11,5	42	3,0	210	289	61,9	54,3	58,1	-3,7	94,0	
	10.07	82	148	12,1	45	3,2	213	294	63,5	57,3	60,4	-1,4	97,7	
	20.07	84	156	12,8	47	3,4	218	299	66,0	61,2	63,6	1,8	103,0	
	30.07	84	150	12,4	45	3,3	215	295	64,3	59,3	61,8	-	100,0	
Замон	30.06 (назорат)	76	153	12,1	34	3,5	206	306	67,3	61,1	64,2	-2,5	96,3	
	10.07	79	160	13,5	38	3,6	210	311	69,8	64,2	67,0	0,3	100,4	
	20.07	81	167	14,0	40	3,8	214	316	71,3	65,5	68,4	1,7	102,5	
	30.07	80	164	13,7	40	3,5	211	313	69,5	63,9	66,7	-	100,0	
	ЭКФ ₀₅ = 2,1 1,7													

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ширин маккажўхорининг Мегатон F₁ ва “Замон” навларини асосий ва такрорий экин сифатида экилганда ўсимлик ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги бўйича кескин фарқланди (1-жадвал). Асосий экин сифатида ширин маккажўхорининг Мегатон F₁ дурагайи 20 февралда экилганда ўсув даври 83 кунни, 22 мартда экилганда 80 кунни, ўсимлик бўйи 149 ва 155 см, барг сони эса 12,3 ва 14,0 донани ташкил этди. “Замон” навида бу кўрсаткичлар 80 ва 77 кун, 157 ва 169 см, 12,8 ва 14,3 донани ташкил қилди. Иккала ўрганилган навда ҳам энг баландбўйли (158 ва 172 см), сербаргли (14,4 – 14,7 дона) маҳсулдор ўсимликлар (3,5 – 4,0 дона сўта) экиш 12 мартда амалга оширилганда кузатилди. Шунда дон ҳосилдорлиги энг кўп бўлиб, гектаридан ўрганилган дурагай-навларда 66,5-69,8 ёки 1,5 центнер қўшимча ҳосилни таъминлади.

Такрорий экин сифатида ширин маккажўхори ўсув даври

Мегатон F₁ навида экиш муддатлари бўйича 80-84, “Замон” навида 76 - 80 кунни ташкил этди. Экиш 20 июлда амалга оширилганда ўсув даври иккала ўрганилган навда ҳам энг узун - 81-84 кун бўлиб, ўсимлик баланд бўйли (156-167см), сербаргли (12,8-14,0), маҳсулдор (бир тупда 3,4- 3,8 дона сўта), йирик донли (1000 та дон вазни 299-316 г) бўлиб, дон ҳосилдорлиги гектаридан энг юқори (63,6 – 68,4 ц/га), яъни 1,7 - 1,8 ц қўшимча ҳосил олинди.

Хулосалар ва тавсиялар. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг Мегатон F₁ ва “Замон” дурагай-навларини асосий экин сифатида 12 мартда, такрорий экин сифатида эса 20 июлда экиш мақсадга мувофиқ экан. Шунда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдор бўлиб шаклланишига қулай шароит яратилиб, эртаги экилганда 65-70, такрорий экилганда эса 62-68 ц/га ҳосил олиш мумкин экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилиқда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент.2002. –Б.181-186.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва.1985.-С.382.
3. Остонакулов Т.Э. ва бошқалар. Ширин маккажўхори. Тошкент.2008.-Б.112.
4. Остонакулов Т.Э., Бекназарова Х.И. Перспективные гибриды овощной кукурузы. Ж.Картофель и овощи. М. , 2010. № 7.-С.16.
5. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мева-сабзавотчилик(Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз. 2019.-Б.552.

6. Остонакулов Т.Э, Исмойилов А.И., Набиев Ч.К. Сабзавот маккажўхорининг “Шерзод” ва “Замон” навларининг суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари. Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги журнали “Агро - илм” иловаси. Тошкент. 2020. № 4. –Б . 61-63.

7. Веб сайтлар: www.123seeds.com , www.food.com

UO'T: 631.633.379

O'TLOQI-BOTQOQ TUPROQLAR SHAROITIDA MOSHNING (PHASEOLUS AUREUS PIPER) NAV TANLOV KO'CHATZORIDA O'TKAZILGAN TADQIQOTLAR

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich,

FarDU Uzunchilik, mevalilik va sabzavotchilik qo'shma fakulteti q.x.f.f.doktori (PhD),

Avazov Ikromjon Joniboyevich,

“TIQXMMI” MTU Umumtexnik fanlar kafedrasida dotsenti.

Annotatsiya: Maqolada moshni nav tanlov ko'chatzorida o'tkazilgan tadqiqotlar bayon etilgan bo'lib, biometrik ko'rsatkichlar tahlillarida shu narsa aniqlandiki, 414360(Filippin), 412441(Filippin), 430177 (Afg'oniston) nav namunalari nazorat navga nisbatan qimmatli xo'jalik belgilari yuqori bo'lgani kuzatildi.

Kalit so'zlar: mosh, oqsil, yog'. vitamin, bakteriya, chin barg, shona, gul, dukkak.

Аннотация: В статье были изложены исследования, проведенные в селекционном питомнике сорта маша, при анализе биометрических показателей было установлено, что сортовые образцы 414360(Филиппин), 412441(Филиппин), 430177 (Афганистан) показали более высокие показатели по ценным сельскохозяйственным признакам, чем контрольный сорт.

Ключевые слова: маша, белок, жир. витамин, бактерии, фарфоровый лист, цветок, бобовые.

Annotation: The article describes the research conducted on the selection of mungbean cultivars, and the analysis of biometric indicators revealed that 414360 (Philippines), 412441 (Philippines), 430177 (Afghanistan) cultivars had higher economic characteristics than the control cultivar.

Keywords: mungbean, protein, fat. vitamin, t, bacteria, chin leaves, comb, flower.

Mosh (*Phaseolus aureus*) loviyaning (*Phaseolus*) bir turi bo'lib qimmatli oziq -ovqat ekinlaridan hisoblanadi. Oziq-ovqat uchun moshning urug'lari (doni) foydalaniladi. Donning tarkibida yaxshi hazm bo'ladigan ko'p miqdorda qimmatli oqsil (24-28 %) azotsiz ekstrakt moddalar, yog'lar (1-2 %), klechatka (4 - 6 %), qand moddasi va vitaminlar mavjud.

Mosh yem-xashak, sabzavot, don ekinlari uchun ajratilgan dalalarga ekiladi. U juda ko'p ekinlar, makkajo'xori, kuzgi boshokli don ekinlari, kartoshka, sabzavot ekinlari, g'o'za uchun yaxshi o'tmishdosh ekin. Mosh siderat ekin sifatida xam ekiladi. Moshning ildizida joylashgan tuganak bakteriyalar yordamida gektariga 50-100 kg gacha atmosferadagi azotni to'playdi. To'plangan azotning ko'p qismi hosil bilan chiqib ketadi, 25-40 % angiz qoldiqlari bilan organik modda holda tuproqda qoladi. Bir qismi denitrifikatsiya jarayonida yo'qoladi.

Mosh-loviyaning bir turi bo'lganligi uchun uning sistematikasi loviya asosida ko'rib chikiladi. *Phaseolus* ning 200 dan ortik turi bo'lib, shulardan 20 turga yaqini madaniy, ekin sifatida foydalaniladi, qolganlari yovvoyi turlaridir.

Seleksiyaning paydo bo'lishi va rivojlanishi jarayonida o'simliklarning yangi navlarini yaratishning bir qancha usullari ishlab chiqilgan hamda amalda keng qo'llanilgan. Seleksiyaning mavjud usullari analitik va sintetik xillariga bo'linadi. Analitik usul-tabiatta mavjud bo'lgan o'simlik populyatsiyalari yoki mahalliy navlardan tanlash yo'li bilan yangi nav yaratish usuli, sintetik usul-seleksiyaning turli yo'llar bilan avval o'simliklarning irsiyatini o'zgartirib, so'ngra o'zgargan o'simliklar (duragaylar, mutantlar,

populyatsiyalar) ichidan tanlash o'tkazish yo'li bilan nav yaratish usuliga aytiladi.

Tajribaning maqsadi va vazifalari. Ushbu ilmiy ishning maqsadi - soya nav namunalari sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlar sharoitida don hosilini va sifatini oshiradigan maqbul ekish usuli va me'yori aniqlash, takroriy ekishda soya navlarini yetishtirish texnologiyalarini tadqiqot qilish va takomillashtirishga qaratilgan.

Sug'oriladigan yerlardan oqilona foydalanish va ekologik muammolarni yechadigan, yuqori hosilni ta'minlaydigan texnologik tadbirlar tadqiqot qilinib ishlab chiqarishga tavsiyalar tayyorlash. O'zbekistonda yaratilgan soya navlarini takroriy ekishda ekish usulini va me'yori hosildorlikka, don sifatiga ta'sirini o'rganish, iqtisodiy samarasini aniqlash va ishlab chiqarishga joriy etish .

Mosh o'zidan changlanuvchi o'simlik. Changlanishi guli ochilmay o'tadi. Gullash o'simlikning pastki yarusidan boshlanib yuqoriga qarab boradi.

Mosh seleksiyasining asosiy yunalishi-yuqori simbiotik faolli va mahsuldorli xamda vegetatsiya davri qisqa (70-90 kun), sovuqqa chidamli, mexanizatsiyaga mos, kasalliklarga chidamli, yuqori kulinarli yaxshi ta'mli va oziqali xususiyatlarga ega navlarni yaratish. Boshlang'ich ashyo sifatida asosan VIR ning jaxon kolleksiyasidagi namunalardan foydalaniladi. VIR kolleksiyasida loviyaning 14 turining 7 ming namunalari mavjud. Bundan tashkari boshlang'ich ashyo sifatida mahalliy populyatsiya navlari va duragay populyatsiyalari hamda sun'iy mutagenizatsiya usuli bilan yaratilgan shakllardan foydalaniladi. Mosh

Moshning nav tanlov ko'chatzori biometrik ko'rsatchiklari

№	Katalog raqami	Kelib chiqishi	O'suv davri, kun	O'simlik bo'yi, sm	Pastki dukkak joylashishi	Soni, dona		Vazni, m ² /g	
						Shoxlar	1ta o'simlikdagi dukkak	1ta o'simlikdagi don	m ² don og'irligi
1	Radost St.	O'zbekiston	124	124	14,3	2,7	37,2	43,8	312,3
2	414360	Filippin	133	125	22,4	6,0	58,8	48,4	249,4
3	412441	Filippin	107	124	21,4	3,2	55,4	49,4	247,4
4	430177	Afg'oniston	117	110	12,1	3,2	54,7	48,8	230,0
5	AG - 92273	Hindiston	117	126	20	3,3	62,3	19,0	223,0

seleksiyasining muxim yuo'nalishi-tezpishar navlarni yaratish. Tezpisharlikni baxolashda unib chiqishdan-gullashgacha bo'lgan davr asos qilib olinadi. Tezpisharlik past xaroratga chidamli xususiyati bilan chambarchas bog'lik. Xaroratni qisqa muddatda 5 gradusdan 0°S gacha pasayishi aksariyat navlar o'simliklarning fiziologik faolligatida chuqur o'zgarishlarga olib keladi. Natijada vegetatsiya davri uzayadi, mahsuldorlik pasayadi. Shuning uchun past xaroratga chidamli navlar yaratish seleksiyasining muxim vazifasiga kiradi.

Navlarning texnologik xususiyatlariga birinchidan pastdagi dukkaklarining balandroq joylanishi, bu esa mexanizatsiya usulida (kombayn bilan) hosilni yig'ib olishga qulaylik tug'diradi. Mosh seleksiyasining yo'nalishlariga bundan tashqari dukkaklarini yorilmasligiga, kasalliklarga chidamligiga va hosilning sifatiga-oqsilning mikdori va uning aminokislotalar tarkibiga qaratilgan. Mosh (loviyaning Osiyo turi) kasalliklariga o'ta chidamli. Ammo bu tur o'simliklari amerikalik gurux turlarining o'simliklari bilan chatishmaydi. Mosh seleksiyasida tabiiy duragaylash, tur chida va uzoq shakllarni duragaylash, kimyoviy va radiatsion mutagenez natijasida hosil bo'lgan populyatsiyalarda yakka va ommaviy tanlash katta ahamiyatga ega. Loviyaning (moshning) aksariyat navlari maxalliy yoki chetdan introduksiya qilingan nav va populyatsiyalarda bir martali yakka tanlash yo'li bilan yaratilgan. Yakka tanlashda dalada eng yuqori mahsulotli, zamburug' kasalliklarga, virusli va bakterial kasalliklarga chidamli, dukkaklari baland joylashgan, yorilmaydigan o'simliklar tanlab olinadi. Har bir o'simlikning urug'i seleksion ko'chatzorida aloxida-aloxida qilib ekiladi va yil davomida avlodlari o'rganilib eng yaxshilarining urug'i ajratib olinib nazorat ko'chatzorida dastlabki va konkurs nav sinashida o'rganiladi, sinaladi va ko'paytiriladi. Mosh seleksiyasida tur ichida duragaylash keng rivojlangan. Bu bilan barcha turlararo duragaylash xam qo'llaniladi. Oxirgi yillarda mosh seleksiyasida sun'iy mutagenezdan keng foydalanilmokda. O'zbekistonda mosh seleksiya ishlari natijasida Pobeda 104 va Zilola, Marjona, Qaxrabo, Navro'z, Radost navlari rayonlashtirilgan va Davlat reestriga kiritilgan.

Tajriba o'tkazish joyi, sharoiti va uslubi Tajribalar Sholichik ilmiy-tadqiqot institutining tajriba maydoni dalalarida olib borildi. Tajribalar 13 kartaning 2 chekida olib borildi Tuproq qatlamlari voha uchun harakterli bo'lib botqoq tipidagi tuproqlardir. Har xil chuqurlik qatlamlarida esa katta va kichik toshlar va qum aralashmalari ham mavjud. Ushbu tuproqlar daryoning chap qirg'og'idagi tipik ortiqcha namlik sharoitlaridan kelib chiqqan holda bo'lib, sholi ekish uchun juda mosdir. Tuproq-o'tloqi. Tajriba dalasining tuprog'i sho'rlanmagan, xaydov qatlami 30-40 sm. Tuproqdagi eritmalarining rN miqdori 6,8-7,3 birliklarida bo'lib, mexanik tarkibi bo'yicha og'ir loyldir. Havodagi foydali xavo harorati yig'indisi bo'yicha O'zbekistondagi qishloq xo'jalik

ekinlarni sug'oriladigan mintaqalarda yetishtirish bo'yicha shartli ravishda 3 ta guruxga ajratilgan (bunda 10 gradusdan yuqori sutkalik o'rtacha harorat hisoblangan). Toshkent viloyatining iqlimi ham keskin kontinental bo'lib, yozi nihoyatda issiq, qishi esa sovuq, hamda havosi quruq va tabiiy yog'ingarchiliklar o'simliklar o'sib rivojlanishi uchun nixoyatda kamligi bilan ta'riflanadi. Mosh seleksiyasi qishloq xo'jalik ekinlarining Davlat Nav Sinov komissiyasi va O'zSHIT tomonidan ishlab chiqilgan tavsiyanomalar, dala tajriba metodikasi asosida olib borildi. Moshning nav tanlov ko'chatzorlarida fenologik kuzatuvlar o'tkazildi Bunda moshning o'suv davridagi asosiy: unib chiqishi, birinchi uchtalik barg paydo bo'lishi, g'unchalash, gullash, dukkak. hosil qilish va pishish fazalari kuzatildi va amal davrining davomiyligi aniqlandi. Biometrik ko'rsatkichlar aniqlandi. Olingan bog'lamlarda o'simlik bo'yi, pastki dukkak joylashishi, shoxlar soni, bir o'simlikdagi dukkak soni, don vazni, 1000 ta don og'irligi aniqlandi. Har bir namunaning hosili aniqlandi. Buning uchun har namunaning hosili o'rib olindi, yanchildi, tortildi; Olingan natijalarda hosildorlik ko'rsatkichlari Dospexov B.A. qo'llanmasi asosida taxil qilindi.

Tadqiqot natijalari. Nav tanlov sinashning asosiy vazifasi dastlabki nav sinash asosida ajratib olingan va boshqa seleksiya muassasalarida yaratilgan eng yaxshi navlarga nisbatan biologik, xo'jalik belgi va xususiyatlarga ega bo'lgan yangi navlarni davlat nav sinashiga o'tkazishdan iborat. Shuning uchun nav tanlov sinash asosiy nav sinash hisoblanib, katta nav sinash ham deyiladi. Bu nav sinashda ekin agrotexnikasi shu xududda qabul qilinganidek bo'ladi. Odatda 4-6 qaytariqli qilib joylashtiriladi, paykalchalar maydoni donli ekinlar uchun 50-100 m² bo'ladi. Har 5-10 navdan keyin standart ekiladi. Konkurs nav sinashi uch yil davo mida o'tkaziladi. Standartga nisbatan taqqoslash natijalariga ko'ra, nav-namunalar Davlat nav sinashiga yuboriladi.

Nav tanlov ko'chatzorida 4 ta namuna sinab o'rganildi. Nazorat uchun moshning «Radost» navi ekilgan. Namunalar 50m² maydonda o'rt qaytariqda ekilib o'rganildi.

414360 (Filippin) – o'suv davri-133 kun, o'simlik bo'yi – 125 sm, pastki dukkak joylanishi-6 – 22,4 sm, xar bir o'simlikda 5–6 ta gacha shox xosil bo'ladi, 1m² da donning vazni - 249,4 g, poyasi tik o'suvchan. Mexanizm yordamida yig'ishtirib olishga moslashgan.

412441 (Filippin) – o'suv davri-104 kun, o'simlik bo'yi –124 sm, pastki dukkak joylanishi-7 – 21,4 sm, xar bir o'simlikda 3–4 ta gacha shox xosil bo'ladi, 1m² da donning vazni 247,4 g, poyasi tik o'suvchan. Mexanizm yordamida yig'ishtirib olishga moslashgan.

430147 (Afg'oniston) – o'suv davri-117 kun, o'simlik bo'yi –110 sm, pastki dukkak joylanishi-12,1 sm, xar bir o'simlikda 3–4 ta gacha shox xosil bo'ladi, 1m² da donning vazni 230 g, poyasi tik o'suvchan. Mexanizm yordamida yig'ishtirib olishga moslashgan.

AG - 92273 (Hindiston) – o'suv davri-117 kun, o'simlik bo'yi-126 sm, pastki dukkak joylanishi-15 – 20 sm, xar bir o'simlikda 3 – 4 ta gacha shox xosil bo'ladi, 1m²da donning vazni 223 g, poyasi tik o'suvchan. Mexanizm yordamida yig'ishtirib

olishga moslashgan.

Xulosa Nav tanlov ko'chatzorida o'tkazilgan tadqiqotlarda qimmatli xo'jalik belgilarga ega bo'lgan namunalarda tajribalar kelgusi yillar davom ettiriladi.

ADABIYOTLAR

1. Atabaeva X.N, Sattarov M.A, Idrisov X.A Sug'oriladigan maydonlarda mosh yetishtirishning intensiv texnologiyasi bo'yicha tavsiyanoma. Toshkent 2019
2. Atabaeva X.N, Xudoyqulov J.B O'simlikshunoslik.T "Fan va texnologiya". 2018
3. Dospexov B.A. Metodika polevogo opyta. - M.: Kolos, 1985. - 317 s.
4. Dala tajribalarini olib borish metodikasi O'zPITI.2007 yil .
5. Saimnazarov Y.B. va boshqalar. O'zbekistonda dukkakli-don ekinlari yetishtirish bo'yicha tavsiyalar. Toshkent. 2009 y.

UO'T: 633.11.582.282.53

TIPIK BO'Z TUPROQLAR SHAROITIDA MOSH NAVLARINI TADQIQ ETISH

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich, q.x.f.f.d. (PhD),
FarDU Uzunchilik, mevachilik va sabzavotchilik qo'shma fakulteti

Annotatsiya: Maqola mosh navlarining ekish muddatlari va me'yorlari barg rivojlanishiga ta'sir ko'rsatganligi bayon etilgan bo'lib, iyul oyining boshlanishida ekilganda barg soni oshib borgan. Ekish me'yorlari oshgan sari barg soni kamayganligi kuzatilgan. Barcha mosh navlarida ekish me'yori 40 kg/ga bo'lganda barg yuzasi yuqori bo'lgan. Ekish muddatlari kechiktirilganda barg yuzasi kamayib borganini aniqlangan.

Kalit so'zlar: mosh, nav, oqsil, tuproq, azot, kaliy, fosfor, barg, fotosintez.

Аннотация: В статье указано, что сроки и нормы посадки сортов маш повлияли на развитие листьев, при этом количество листьев увеличилось при посадке в начале июля. Замечено, что количество листьев уменьшалось по мере увеличения нормы посадки. У всех сортов маш листовая поверхность была высокой при норме высева 40 кг/га. Было обнаружено, что площадь поверхности листьев уменьшается при переносе сроков посева.

Ключевые слова: маш, сорт, белок, почва, азот, калий, фосфор, лист, фотосинтез.

Annotation: The article states that planting times and norms of mung bean varieties affected leaf development, with the number of leaves increasing when planted in early July. It was observed that the number of leaves decreased as the planting norms increased. In all mung bean varieties, the leaf surface was high when the sowing rate was 40 kg/ha. Leaf surface area was found to decrease when planting dates were delayed.

Keywords: mung bean, variety, protein, soil, nitrogen, potassium, phosphorus, leaf, photosynthesis.

KIRISH. Mosh respublikaning barcha hududlarida asosiy va takroriy ekin sifatida ekiladi. Ushbu ekin almashlab ekish tizimida barcha ekinlar uchun eng yaxshi o'tmishdosh hisoblanadi. Respublikada ekilayotgan dukkakli donlardan soya, xo'raki no'xat, gorox, yasmiq ekinlari urug'ligini ekish oldi innokulyantlar bilan ishlov berilmasa, ularning ildizida biologik azot hosil bo'lmaydi. Mosh esa respublika hududlarining barcha tuproqlarida avvaldan ekib kelinayotgani tufayli tuproqlarda biologik azot to'plovchi tuganakli bakteriyalari tabiiy shakllanadi hamda ko'chat qalinligidan kelib chiqib, gektariga sof holda o'rtacha 80–120 kg azot to'playdi. O'zbekiston Respublikasi tibbiyot xodimlarining tavsiyasiga ko'ra bir yilda bir kishi 4,3 kg mosh iste'mol qilishi kerak. Hisob-kitob qilinsa, respublikamizning barcha aholisiga bir yilda jami 155 ming tonna mosh talab etiladi.

Yurtimizda etishtirilgan 360 ming tonna mosh donining 200 ming tonnasi Avstraliya, Afg'oniston, Belgiya, Hindiston, Xitoy, Koreya, Turkiya, Rossiya, Qozog'iston, Qirg'iziston, BAA va boshqa mamlakatlarga eksport qilish imkoniyati mavjud. Birgina 2021-yil hosilidan 128 ming tonna mosh (2020-yilga

nisbatan 29 ming tonna ko'p) o'rtacha 0,8 \$ AQSH dollaridan, jami 102,5 mln dollarga dunyoning o'ndan ortiq mamlakatlarga eksport qilingan.

ADABIYOTLAR SHARHI. Oziq-ovqat uchun ishlatiladigan dukkakli-don ekinlari orasida mosh doni oziqalik qimmatli, oqsil va vitaminlarga boy bo'lishi, kalloriyasining ko'pligi bilan ajralib turadi. Mosh oziqalik qiymati bilan bug'doy, loviya, no'xat, ko'k no'xat va javdar donlaridan 1,5-2 baravar, to'yimliliigi bo'yicha esa 1,5 baravar ustun turadi. Mosh tarkibidagi oqsilning hazmlanishi 86% ga yetadi. Mosh tarkibida oqsil 24-28%, lizin 8%, arginin 7% bo'ladi, V va PP vitaminlar ko'p bo'ladi [1; 30-33-b.].

Sug'oriladigan maydonlarning suv ta'minoti cheklangan sharoitlarida ham moshni kuzgi bug'doy ang'izida yetishtirib, yuqori sifatli oqsil va boshqa qimmatli oziqaga boy bo'lgan mosh doni yetishtirish mumkin. Ayni vaqtda suv tanqis bo'lgan xududlarda mosh yuqori harorat va qurg'oqchilikka bardoshliliigi sababli ko'proq kuzgi boshqoli don ekinlari ang'izida takroriy ekin sifatida yetishtirilmoqda [4; 250-254-b.].

TAJIRIBALARNI O'TKAZISH JOYI, SHAROITI, USLUBI VA O'TKAZILADIGAN ASOSIY KUZATUVLAR. Tajriba xo'jaligi

tuprog'i qadimdan sug'orib kelinadigan tipik bo'z tuproqdir. Tipik bo'z tuproq tarkibida 1,0-1,3% chirindi, 0,089%-0,102 atrofida azot, 0,141-0,184% ga yaqin fosfor va 1,70-1,80% kaliy mavjud. Bu esa o'simlik o'suv davrida foydalanadigan ozuqa unsurlarining yetarli emasligidan dalolat berib turibdi. Bundan tashqari bu tuproqlar suv o'tkazuvchanligi, yumshatishning murakkabligi bilan farq qiladi. Cyg'opish natijasida tuproq katlami zichlashib boradi. Sug'orishdan va bo'lib o'tgan yog'ingarchilikdan keyin qatqaloq hosil bo'ladi.

Tajriba dala va laboratoriya uslubida olib borildi. Dala tajribalarida moshning navlari yozda har xil me'yorda va usulda ekib o'rganildi. Dala tajribalari O'zPITI (2007) va Dospexov (1985) uslublarida olib borildi. Tajriba maydoni 0,4 ga ni tashkil qildi. Tajribada moshning Navro'z, Zilola va Durdona navlaridan foydalanildi.

TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMASI. Mosh o'simligi boshqa dala ekinlari kabi fotosintetik faoliyatga ega. Bu faoliyat navning biologik xususiyati va tashqi muhitga bog'liqdir. Fotosintetik faoliyatning ko'rsatkichlari- bu barg soni, barg yuzasidir.

Ma'lumki, barg yuzasi ma'lum bir me'yorgacha yuqori hosilni shakllanishini bildiradi. O'simlik rivojlanganda, oziqa va suv yetarli bo'lganda barglar yaxshi rivojlanadi, barg yuzasi kengayadi. Ammo barg yuzasi kengaygan bilan hosil ma'lum me'yordan keyin oshmaydi. Sababi, o'simlikning paski qismida joylashgan barglarga quyosh nuri tushmaydi, fotosintez jarayoni sust kechadi, organik moddalar to'planmaydi. Har bir ekin va nav uchun bu jiddiy omil.

Tashqi omillar bargni rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Shu omillardan biri-oziqlanish maydoni. Mosh o'simligi yorug'likka talabchan. Shuni hisobga olib mosh navlari bug'doy ang'iziga ekilganda maqbul me'yorlarini aniqlash zarurdir.

Mosh navlari bug'doy ang'iziga ekilganda har bir nav har xil me'yorida (20 kilogramdan 40 kg. gacha) ekib va xar hil muddatda (25.06; 5.07; 15.07) o'simlikka ta'siri o'rganildi. Shu jumladan, mosh navlarida barg rivojlanishi, barg yuzasini shakllanishiga ta'siri o'rganildi.

Birinchi ekish muddatida "Radost" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 125 sm² ni tashkil qilgan. Tajribada 30kg urug' ekilganda barg yuzasi 120 sm² ga teng bo'lib, oldingi variantiga nisbatan 5 sm² ga kamayganligi kuzatildi. Shu navda ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 118 sm² ni tashkil qilib, birinchi ko'rinishga nisbatan 7 sm² ga kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 20 kg bo'lganda barg yuzasi 135 sm² ni tashkil qilib, "Radost" naviga nisbatan 10 sm² ga ortiq bo'lgan. Ekish me'yori 30 kg bo'lganda barg yuzasi 130 sm² bo'lib, oldingi ko'rinishga nisbatan 5 sm² kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 127 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 3-8 sm² ga kamaygan. "Zilola" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 134 sm² ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 4-9 sm² ortiq bo'lganligi kuzatildi. Urug' me'yori 30 kg ga oshirilganda barg yuzasi 131 sm² ni tashkil qilib, oldingi

ko'rinishga nisbatan 3 sm² kamayganligi kuzatildi. Urug' me'yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 128 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 3-6 sm² ga kamaygan.

Mosh navlari gullash fazasiga yetganda ekish me'yorlari ta'sirida ko'rsatkichlar o'zgarib turgan. "Radost" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 456 sm² ni tashkil qilgan. Tajribada 30 kg urug' ekilganda barg yuzasi 440 sm² ga teng bo'lib, oldingi variantiga nisbatan 16 sm² ga kamayganligi kuzatildi. Shu navda ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 425 sm² ni tashkil qilib, birinchi ko'rinishga nisbatan 21 sm² ga kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 20 kg bo'lganda barg yuzasi 470 sm² ni tashkil qilib, "Radost" naviga nisbatan 14 sm² ga ortiq bo'lgan. Ekish me'yori 30 kg bo'lganda barg yuzasi 456 sm² bo'lib, oldingi ko'rinishga nisbatan 14 sm² kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 445 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 11-25 sm² ga kamaygan. "Zilola" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 475 sm² ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 5-19 sm² ortiq bo'lganligi kuzatildi. Urug' me'yori 30 kg ga oshirilganda barg yuzasi 465 sm² ni tashkil qilib, oldingi ko'rinishga nisbatan 10 sm² kamayganligi kuzatildi. Urug' me'yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 458 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 7-17 sm² ga kamaygan.

Mosh navlari dukkaklanish fazasiga kirganda "Radost" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 531 sm² ni tashkil qilgan. Tajribada 30 kg urug' ekilganda barg yuzasi 523 sm² ga teng bo'lib, oldingi variantiga nisbatan 8 sm² ga kamayganligi kuzatildi. Shu navda ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 519 sm² ni tashkil qilib, birinchi ko'rinishga nisbatan 12 sm² ga kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 20 kg bo'lganda barg yuzasi 574 sm² ni tashkil qilib, "Radost" naviga nisbatan 43 sm² ga ortiq bo'lgan. Ekish me'yori 30 kg bo'lganda barg yuzasi 564 sm² bo'lib, oldingi ko'rinishga nisbatan 10 sm² kamayganligi kuzatildi. "Durdona" navida ekish me'yori 40 kg bo'lganda barg yuzasi 532 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 12-42 sm² ga kamaygan. "Zilola" navi gektariga 20 kg urug' ekilganda barg yuzasi 580 sm² ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 16- 49 sm² ortiq bo'lganligi kuzatildi. Urug' me'yori 30 kg ga oshirilganda barg yuzasi 567 sm² ni tashkil qilib, oldingi ko'rinishga nisbatan 13 sm² kamayganligi kuzatildi. Urug' me'yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 552 sm² ga teng bo'lib, oldingi ko'rinishlarga nisbatan 15-48 sm² ga kamaygan.

XULOSALAR:

1.Mosh navlarini sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlar sharoitlarida ekish muddatlari va me'yorlari barg rivojlanishiga ta'sir ko'rsatgan. Iyul oyining boshlanishida ekilganda barg soni oshib bordi. Ekish me'yorlari oshgan sari barg soni kamaygan.

2.Barcha mosh navlarida ekish me'yori 40 kg/ga bo'lganda barg yuzasi yuqori bo'lgan. Ekish muddatlari kechiktirilganda barg yuzasi kamayib borgan.

ADABIYOTLAR

- 1.Bo'riev.Ya O'tmishdosh ekinlar va tuproq unumdorligi.//O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligida suv va resurs tejoychi agrotehnologiyalar.Konferensiya materiallari to'plami.Toshkent. 2008.B.250-254.
- 2.Dospexov B.A. Metodika polevogo opita. - M.: Kolos, 1985. - 317 s.
- 3..Nurmatov Sh., Mirzajonov Q va boshqal. "Dala tajribalar i o'tkazish uslublari" (O'zPITI, 2007) b.8-51.

TOSHKENT VILOYATI O'TLOQI-BOTQOQ TUPROQLARI SHAROITIDA EKISH MUDDATI VA ME'YORLARINI MOSH NAVLARI MAHSULDORLIK KO'RSATKICHLARIGA TA'SIRI

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich, q. x. f. d (PhD),
FarDU Uzumchilik, mevachilik va sabzavotchilik qo'shma fakulteti,
Irgashev Aripjan Akramovich, t.f.n., dotsent,
"TIQXMMI" MTU.

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'tloqi-botqoq tuproqlar sharoitida o'tkazilgan tadqiqot natijalari bayon etilgan bo'lib, ekish muddati va me'yorlarining mosh navlari biometrik ko'rsatkichlarini shakllanishiga ta'siri tahlil etilgan.

Kalit so'zlar. Mosh, oqsil, nav, Navro'z, Durdona, don, hosil.

Annotation. This article describes the results of research conducted in the conditions of meadow-swamp soils and analyzes the impact of planting time and norms on the formation of biometric indicators of mung bean varieties.

Keywords. Mung bean, protein, variety, Navruz, Durdona, grain, harvest.

Dunyoda oziq-ovqat muammosi, ta'minoti va xavfsizligini, o'simlik oqsili masalasini hal etishda va tuproq unumdorligini oshirishda dukkakli don ekinlari yetakchi o'rinni egallaydi. Bu ekinlar ichida mosh Hindiston, Xitoy, Markaziy Osiyo, shu jumladan mamlakatimiz aholisining sevimli ommabop mahsulotlaridan biri hisoblanib, oltin fasol(mosh) - *Phaseolus aureus* L. deb yuritiladi, bizda bundan 5-6 ming yil oldin ham ekilgan[1].

Asosiy dukkakli-don ekinini bo'lgan mosh yetishtirishni ko'paytirish, bu mahsulotga bo'lgan talabni qondirish, hosildorligini oshirish, mamlakatning eksport salohiyatini ko'tarish uchun navlarning morfobiologik va xo'jalik xususiyatlarini hisobga olib, asosiy va takroriy ekinlar sifatida yetishtirish texnologiyasini ishlab chiqish, uning asosiy elementlari – ekish muddati va me'yorlarini belgilash borasida izlanishlar o'tkazish, ilmiy va amaliy jihatdan asoslash dolzarb masalalardan hisoblanadi.

Ilmiy tadqiqot ishlarida olib borilgan fenologik kuzatuvlar va biometrik o'lchovlar "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari" (O'zPITI, 2007), shuningdek, B.A.Dospexovning "Dala tajribalari uslublari" asosida o'tkazildi. Tadqiqot ishi Sholichilik ilmiy-tadqiqot instituti tajriba maydonlarida 2016-2018 yillar mobaynida olib borilgan [2,3].

Tajriba ishlarida moshning «Navro'z» va «Durdona» navlaridan foydalanildi. Tajriba tizimi bo'yicha mosh navlari to'rtta muddat, ya'ni may oyining birinchi dekadasi, iyun oyining uchinchi dekadasi, iyul oyining birinchi va ikkinchi dekadasi va uchta me'yorda asosiy va takroriy ekin sifatida ekib o'rganildi. Ilmiy tadqiqot ishlari dala va laboratoriya usulida olib borilgan.

Ma'lumki, o'simlikda hosil salmog'ini ekinida to'plangan hosil elementlarining miqdori va sifati belgilaydi. Moshda ham don hosildorligi o'simlikda shakllangan hosil elementlari, ya'ni dukkaklar soni va undagi donning salmog'i va sifatiga bog'liqdir. Moshni takroriy ekin sifatida ekilganida, undan yuqori va sifatli don hosili olish uchun ekish muddati hamda me'yorlarini to'g'ri belgilash kerak. Chunki, mosh turli muddat va me'yorlarda takroriy ekib yetishtirilganida dukkaklaridagi donlarning shakllanishi davomida fiziologik jarayonlarning ta'siri kuchli bo'ladi, natijada ayrim donlarning to'liq shakllanib, ayrimlarning yetilmasdan qolishi kuzatiladi. Shu sababli ham turli muddatlarda va me'yorlarda takroriy ekin sifatida mosh yetishtirilganida dukkaklarining shakllanishi, dukkaklar soni va vazni, dukkaklardagi don soni va 1000 ta dona don o'rganiladi.

Hosil yig'ib olingandan keyin hisobli o'simliklar tahlil qilinib hosil elementlari aniqlangan. Ekish me'yori oshgan sari shoxlar soni

kamayib borganligi aniqlangan. Moshning Navro'z navi bahorda ekilganda shoxlar soni 4,1 dan 3,4 gacha kamayib borgan. Takroriy ekilganda shoxlar soni 3,5 dan 2,5 gacha kamaygan. Dukkaklar soni bahorda ekilganda ekish me'yori ta'sirida 34,3 dan 26,0 donagacha kamaygan. Takroriy ekilgan muddatlarning barchasida dukkak soni 25,0 donadan 21,1 donagacha kamayganligi kuzatilgan. Bir tupdagi dukkak vazni bahorda ekilganda 26,1-23,1 grammni tashkil qilgan; takroriy muddatlarda ekilganda dukkak vazni 25,0 dan 17,7 grammgacha kamaygan. Navro'z navining dukkagi uzun bo'lib bahorda ekilganda dukkak uzunligi 12,1-9,4 smni tashkil qilgan. Takroriy ekilgan muddatlarda dukkak uzunligi qisqarib 9,6-8,0 sm ni tashkil qilgan.

Bir tup o'simlikdan chiqqan don soni mosh navlari bahorda ekilganda ekish me'yori oshgansari kamayib borganligi aniqlangan. Moshning Navro'z navida don soni 239,2 donadan 215,8 donagacha kamayganligi kuzatildi. Takroriy barcha muddatlarda ekilganda don soni ekish me'yori va muddati evaziga kamayib borgan. O'rganilgan texnologik tadbirlar dukkakdagi don soniga ham ta'sir ko'rsatgan. Bahorda ekilganda o'rtacha bir dukkakda ekish me'yorlari bo'yicha 239,2-228,2-215,8 donani tashkil qilgan. Mosh 20 iyunda ekilganda bir dukkakda don soni ekish me'yorlari bo'yicha 226,4-215,9-210,4 dona; 1 iyulda ekilganda 191,2-183,8-176,2 dona; 10 iyulda ekilganda 173,3-166,8-157,8 donani tashkil qilgan. Bir tupdan chiqqan don vazni bahorda ekilganda ekish me'yorlari bo'yicha 23,9-19,0 grammni tashkil qilgan. Don vazni takroriy 20 iyunda ekilganda 23,6-16,8; 1 iyulda ekilganda 20,1-17,4 gramm; 10 iyulda ekilganda don vazni 15,8-14,3 grammni tashkil qilgan. Kech ekilganda dukkak soni va vazni, don soni va vazni kamayib borishi kuzatilgan, bu albatta hosildorlikka o'z ta'sirini ko'rsatgan. Yetilgan donni qanchalik to'la yetilganligini 1000 ta donni vazniga qarab baholash mumkin. Bahorda ekilganda donni mutloq vazni ekish me'yorlari bo'yicha 51,9-46,1 grammni tashkil qilgan. Takroriy ekilganda o'simlikning amal davri qisqaradi va shu sharoitda hosil bo'lgan donning mutloq vazni qisqa muddatga o'z me'yoriga yetolmaydi va kech ekilgan muddatlarda kamayib boradi. Navro'z navida ekish me'yori va muddatini ta'sirida bir dukkakda don soni 239,2-157,8 donani tashkil qilgan.

Xulosalar. Ekish me'yori va muddati «Navro'z» navining hosil elementlariga ta'sir ko'rsatib, kech ekilganda va ekish me'yori oshganda shoxlar soni, dukkak soni, vazni, don soni va vazni hamda 1000 dona don vazni kamayganligi, bir tupdagi don vazni bahorda ekilganda ekish me'yorlari bo'yicha 14,7-12,9

grammni tashkil qilganligi, don vazni takroriy 20 iyunda ekilganda mos ravishda 14,9-13,0 grammni; 1 iyulda ekilganda 14,7-12,6

grammni; 10 iyulda ekilganda 13,9-12,0 grammni tashkil qilganligi aniqlangan.

ADABIYOTLAR

1. Atabaeva X.N, Sattarov M.A, Idrisov X.A Sug'oriladigan maydonlarda mosh yetishtirishning intensiv texnologiyasi bo'yicha tavsiyanoma. Toshkent 2019.
2. Dospexov B.A. Metodika polevogo opita.-M: Kolos, 1985.-B.317.
3. Dala tajribalarini olib borish metodikasi O'zPITI.2007 yil .
4. Nurmatov Sh., Mirzajonov Q. va boshqalar. "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari" (O'zPITI, 2007) B.8-51.
5. Saimnazarov Y.B. va boshqalar. O'zbekistonda dukkakli-don ekinlari yetishtirish bo'yicha tavsiyalar. Toshkent.2009 y.

UO'T: 631.633.18.581.19

O'TLOQI-BOTQOQ TUPROQ SHAROITIDA SOYANING KOLLEKSIYA KO'CHATZORIDA O'TKAZILGAN TADQIQOTLAR

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich, q. x. f. d (PhD),
FarDU Mevachilik va sabzavotchilik kafedrası.

Annotatsiya. Ushbu maqolada soyaning kolleksiya ko'chatzorida olib borilgan tadqiqot natijalari bayon etilgan bo'lib, olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra standart navga nisbatan morfobiologik va qimmatli-xo'jalik xususiyatlari bo'yicha bir qancha nav naunalari ajratib olingan.

Kalit so'zlar: soya, nav, moy, vitamin, nav namuna, standart, kolleksiya

Аннотация. В данной статье описаны результаты исследований, проведенных в коллекционном питомнике сои, и по результатам проведенных исследований выделен ряд сортов по морфобиологическим и хозяйственным признакам по сравнению со стандартным сортом.

Ключевые слова. соя, сорт, масло, витамин, образец сорта, эталон, коллекция

Annotation. This article describes the results of the research conducted in the collection nursery of soybean, and according to the conducted research, a number of cultivars were distinguished in terms of morpho-biological and economic characteristics compared to the standard cultivar.

Keywords. soy, variety, oil, vitamin, variety sample, standard, collection.

Soya yer yuzi dehqonchiligida muxim o'rinni egallagan moyli hamda don-dukkakli ekindir. 2020 yilgi FAO ma'lumoti bo'yicha yer yuzida soya o'simligi 99 mln.ga maydonga ekilgan, o'rta xosildorligi gektaridan 22,1 sentnerni tashkil qilgan va yalpi hosili 182,5 mln. t/ga teng bo'lgan [1].

Aholini to'yimli oziq-ovqat maxsuloti bilan ta'minlash, oqsil defitsitini hal qilish, o'simlik moyini ishlab chiqarishni ko'paytirish, urug'lik sifatini va tuproq unumdorligini oshirish lozim. Bu muammolarni yechish uchun soya va mosh ekinlarini yetishtirish texnologiyasini yaratish va takomillashtirish zarurdir.

Fermer xo'jaliklarida muntazam soya va mosh maxsulotini yetishtirish, hozirgi oziq-ovqat mahsulotlariga mavjud talablarni qondirishni, va bu bilan birga kelajak avlod talabini ham qondirish imkoniyati yaratiladi: yangi ekologik texnologiyalar joriy etiladi, mahsuldorlik oshadi, insonning salomatligi oshadi, havfsiz, to'yimli oziq-ovqatlar bilan ta'minlash evaziga qishloq xo'jaligining ijtimoiy va iqtisodiy holati yaxshilanadi.

Soya donining tarkibida 30-52 % oqsil, 17-27 % moy va 20% karbon suvlari mavjud. Soya ekinining yer yuzida ko'p tarqalishi donining va oqsilining sifatligi bilan bog'liqdir. Doni tarkibidagi oqsil, moy va boshqa muxim organik va ma'dan moddalarning miqdori va nisbati uni har xil tarmoqlarda ko'llashga imkon beradi. Soya donidan moy, margarin, pishlok, sut, un, kandolat mahsulotlari, konservalar ishlab chiqariladi. Yer yuzida ishlab chiqarilayotgan o'simlik moyining 40% ini

soya moyi tashkil qiladi [2].

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар профилида ил заррачасининг (<0,001 мм) тарқалиши ўзига хос қонуниятга эга. Профилнинг юқори қисмида, яъни ҳайдалма қатламида бу заррача 11-13 % ни ташкил қилса, 35-90 (100) см лик чуқурликда эса бу кўрсаткич 18-20 % гача кўтарилади, иккинчи метрдан бошлаб яна 9-13 % ўртасида бўлади. (1-жадвал). Бу жараён мазкур тупроқларнинг берчланишидан далолат беради. Бу табиий жараён ҳисобланиб, унинг келиб чиқишига ва бу профилнинг шаклланишида, албатта, суғоришнинг, қолаверса инсонларнинг деҳқончилик фаолияти муҳим роль ўйнайди. Бу бир томондан доимий намланиш, иккинчи томондан қўлланиладиган у ёки бу миқдордаги органик ва минерал ўғитлар ўз навбатида лойланиш жараёнига ўз таъсирини ўтказиши эҳтимолидан узоқ эмас. Суғориш жараёни узоқ муддат давом этишига қарамасдан бу тупроқлар сувга чидамли агрегатлар бирмунча юқори -15-25 % ни ташкил қилади.

Агрегатларнинг асосий қисмини, 0,01 мм дан катта бўлакчалар ташкил қилади. (1-жадвал). Бу агрегатлар йиғиндиси тупроқларда оптимал меъёрга ҳаво, сув, озуқа ва температура режимини сақлашга қодир ҳисобланади.

Суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Бу маълумотларнинг далолат беришича, бу тупроқларда чиринди ҳайдалма қатламда-1,7-2,0 % атрофида тебраниб туради. Бу ерда энг юқори чиринди кўрсаткичи беда

**Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг механик ва микроагрегат таркиблари
(абс. куруқ тупроқ вазнига нисбатан фоиз ҳисобида).**

Кесма №	Чуқурлик, см	Заррачаларнинг катталиги, мм да.							Физик лой <0,01 мм	Сувга чидамли агрегатлар	намунани механик тартиб бўйича номланиши
		1-0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,001	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
10	0-30	5,90 ^{x)} 4,80 +1,10	4,41 2,66 +1,75	36,07 25,47 +10,60	38,62 29,10 +9,52	6,30 12,34 -	8,70 13,93 -	- 11,70 -	- 37,97 -	- -	ўрта қумоқ
	30-44	6,3 5,80 +0,33	4,30 2,40 +1,90	26,89 13,08 +13,81	42,62 33,34 -	5,50 13,89 -	11,68 14,83 -	2,90 16,86 -	- 45,38 -	22,97 -	оғир қумоқ
	44-65	6,63 5,10 Қ1,53	9,43 6,80 Қ2,63	17,16 12,37 Қ4,9	40,35 25,98 Қ15,37	9,40 14,67 -	6,25 14,50 -	6,57 20,85 -	- 49,75 -	25,32 -	оғир қумоқ
	65-92	0,35 ^{xx)} 0,74	0,41 0,51	14,69 18,35	33,91 35,74	14,12 14,84	18,20 15,82	18,32 14,00	50,64 44,66	- -	оғир қумоқ
	92-107	0,40	16,05	20,53	29,18	10,88	12,57	10,39	33,84	-	ўрта қумоқ
	107-140	0,76	17,08	25,56	27,14	8,34	11,72	9,41	28,47	-	ўрта қумоқ
	140-186										енгил қумоқ
	0-31	7,13 ^{x)} 0,37 +6,76	6,35 1,84 +5,51	25,49 19,09 +6,40	47,87 42,75 +5,12	6,90 11,39 -	6,26 13,55 -	- 12,01 -	- 35,95 -	- -	ўрта қумоқ
	31-45	0,51 0,40 +0,11	22,44 19,11 +3,33	24,53 10,53 +14,00	23,94 24,18 -	9,98 14,82 -	11,19 13,57 -	7,41 17,39 -	- 45,78 -	23,78	оғир қумоқ
	45-65	3,44 0,32 +3,12	4,33 0,52 +3,81	26,26 19,51 +6,75	34,67 30,59 +4,08	14,07 15,00 -	14,32 15,03 -	17,82 18,03 -	- 49,06 -	17,44	оғир қумоқ
11	65-90	0,43 ^{xx)} 3,32	5,84 2,10	10,52 15,48	32,33 33,97	14,46 13,61	16,80 13,08	19,62 18,38	50,88 45,97	- 17,75	оғир қумоқ
	90-125	3,32	2,10	15,48	33,97	13,61	13,08	18,38	45,97	17,75	оғир қумоқ
	125-155	0,14	0,18	18,21	38,26	12,00	14,35	16,16	42,51	-	ўрта қумоқ
	155-190	1,11	3,34	22,80	33,22	12,49	15,71	11,33	39,53	-	ўрта қумоқ
	0-32	3,55 0,64 +2,91	1,73 0,52 +1,21	33,68 22,77 +10,91	35,83 30,74 +5,09	10,79 16,76 -	12,02 14,93 -	4,40 13,64 -	45,33	20,12	оғир қумоқ
	32-45	4,14 0,46 +3,68	2,08 0,70 +1,38	29,23 18,89 +10,34	23,77 31,50 +0,27	15,20 16,20 -	14,49 15,23 -	11,05 17,02 -	48,45	15,67 47,00	оғир қумоқ
	45-67	0,56 ^{xx)} 0,87	4,04 0,11	19,16 20,78	29,27 30,20	11,59 12,80	16,91 16,12	18,91 19,12	48,50 48,04	-	оғир қумоқ
	67-92	0,37	0,86	20,54	40,53	10,56	12,44	14,70	34,70	-	ўрта қумоқ
16	92-125	0,64	2,37	24,17	40,27	10,11	12,84	19,60	32,55	-	ўрта қумоқ
	125-175										ўрта қумоқ
	0-32	1,29 ^{xx)} 3,03	4,72 2,32	14,00 10,47	41,26 34,21	12,78 14,80	14,90 16,95	11,05 17,95	38,73 49,70	-	ўрта қумоқ
	32-46	0,92	2,12	18,36	31,45	13,32	16,55	17,28	47,15	-	оғир қумоқ
	46-63	2,25	1,14	10,60	37,73	14,83	15,13	18,32	48,28	-	оғир қумоқ
	63-90	1,84	1,30	16,87	41,15	12,10	12,57	14,17	38,84	-	ўрта қумоқ
	90-127	0,78	1,63	20,38	41,18	10,30	13,30	12,43	36,03	-	ўрта қумоқ
31	127-150	1,27	1,28	20,32	42,52	12,68	10,88	11,05	34,61	-	ўрта қумоқ
	150-180										ўрта қумоқ

Эслатма: х) биринчи қатор-микроагрегат таҳлил маълумотлари иккинчи қатор-механик таҳлил маълумотлари учинчи қатор-сувга чидамли таҳлил агрегатлар йиғиндиси хх) фақат механик таҳлил маълумотлари

билан банд бўлган майдон тупроқларига (31-кесма) тўғри келади. Агарда суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар ҳайдалма қатлами чириндисини қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар чириндиси билан солиштирмоқчи бўлсак, албатта, суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда чириндининг миқдори кейинги қатламларда аста-секинлик билан камайиб, 100 см ва ундан чуқурликда 0,3-0,4 % га тенг бўлади. Лекин шуни

алоҳида кўрсатиш керакки, чиринди 80-90 см. чуқурликда 0,5-0,6 % га тенг. Бу эса, албатта, суғориш жараёнининг узок муддатда давом этиши туфайли бу тупроқларда қалин чириндили қатламни вужудга келтиришга сабаб бўлган. Чириндининг умумий захираси 0-50 смли қатламда 91-117 т га, 50-100 см ли қатламда эса 26-44 т га ни, 0-100 см ли қатламда эса 11-161 т га ни ташкил қилади. Чиринди захирасининг бундай

оралиқда тебраниб туриши, албатта, тупроқнинг маданий ҳолати қишлоқ хўжалиги экинлари турига боғлиқ бўлади. Беда билан банд бўлган ерлар серчиринди ҳисобланади. (2-жадвал. 16 ва 31-кесма).

Суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқларда умумий озуқа унсурлари суғориладиган бўз тупроқларга қараганда кўпроқ, албатта, бу ўтлоқланиш жараёнининг таъсири бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг деҳқончилик фаолияти натижасида

озуқа унсурларини тўпланиши учун шароитнинг вужудга келиши ҳисобланади

Бунинг исботи сифатида шуни кўрсатиш керакки, Киб-тоб-Шахрисабз ботиғи ҳудудида жойлашган хўжаликлар, маҳаллий мутахассисларнинг далолат беришига, ҳар йили экин майдонларига 10-15 т гача (маҳаллий ўғитлар) солинмоқда. Бу албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

2-жадвал.

Суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқларнинг айрим кимёвий кўрсаткичлари.

Кесма № ва тупроқ тавсифи	Чуқурлик, см	Чиринди, %	Умумий			C:N	Карбонат-даги CO ₂	Захира, т/га қатлам чиринди	
			азот	фосфор	калий				
10а бўз ўтлоқи, ўрта кумок, ғўза	0-30	1,83	0,161	0,180	2,91	8,6	7,8	0-50 50-100 0-100	103,1 38,1 141,2
	30-44	1,09	0,092	0,140	1,83	6,9	8,0		
	44-65	0,70	0,068	0,112	1,45	6,0	8,0		
	65-92	0,50	0,049	0,100	1,70	6,0	8,0		
	92-107	0,40	0,040	0,100	1,76	5,8	8,9		
11 бўз ўтлоқи, оғир кумок, ғўза	0-31	1,80	0,155	0,175	1,95	6,7	8,0	0-50 50-100 0-100	91,9 26,8 118,7
	31-45	0,98	0,082	0,126	1,74	6,9	8,0		
	45-65	0,65	0,059	0,111	1,80	6,4	8,0		
	65-90	0,50	0,050	0,095	1,76	6,0	8,5		
	90-125	0,35	0,036	0,090	1,80	5,6	9,0		
16 бўз ўтлоқи, оғир кумок, буғдой беда билан экилган	0-32	1,86	0,176	0,180	2,15	6,21	8,0	0-50 50-100 0-100	110,4 44,8 155,2
	32-45	1,11	0,100	0,170	1,84	6,4	8,5		
	45-67	0,80	0,075	0,145	1,76	6,1	8,5		
	67-92	0,60	0,066	0,115	1,80	5,2	9,0		
	92-125	0,43	0,045	0,100	1,72	5,5	9,0		
6 бўз ўтлоқи, оғир кумок, ғўза	0-30	1,76	0,165	0,190	2,19	6,1	7,8	0-50 50-100 0-100	96,8 34,2 131,0
	30-42	0,90	0,090	0,170	2,00	6,5	8,0		
	42-60	0,70	0,069	0,125	1,85	5,8	8,0		
	60-85	0,51	0,049	0,100	0,76	6,0	8,5		
	85-110	0,38	0,033	0,100	1,70	9,6	9,0		
31 бўз ўтлоқи, оғир кумок, беда	0-32	2,0	0,195	0,200	1,85	6,0	7,6	0-50 50-100 0-100	117,8 43,7 161,5
	32-46	1,17	0,111	0,160	1,86	6,1	8,3		
	46-63	0,80	0,076	0,118	1,90	6,1	8,5		
	63-90	0,60	0,055	0,100	1,83	6,3	9,0		
	90-127	0,46	0,040	0,095	1,80	6,6	9,0		
22 ўтлоқи саз, ўрта кумок, ғўза бедадан сўнг (2 й)	0-31	2,15	0,301	0,211	2,20	6,2	8,5	0-50 50-100 0-100	121,2 91,8 213,0
	31-43	0,20	0,115	0,165	2,00	6,0	8,5		
	43-68	0,80	0,076	0,140	1,96	6,1	0,0		
	68-93	0,55	0,050	0,110	1,84	6,1	13,0		
	93-111	0,43	0,040	0,095	1,80	6,2	10,5		
23 ўтлоқи саз, оғир кумок, беда	0-33	2,20	0,210	0,198	2,15	6,0	8,0	0-50 50-100 0-100	12,72 92,7 219,9
	33-43	1,25	0,110	0,155	2,00	6,5	8,3		
	43-59	0,90	0,085	0,111	2,00	6,1	12,5		
	59-70	0,60	0,056	0,100	1,90	6,2	11,0		
	70-101	0,43	0,045	0,120	1,85	5,5	11,0		
32 ўтлоқи саз, оғир кумок, буғдой	0-31	1,90	0,183	0,200	2,00	6,0	8,5	0-50 50-100 0-100	105,1 71,1 176,2
	31-44	0,95	0,090	0,160	2,00	6,1	8,5		
	44-70	0,63	0,056	0,110	1,80	6,5	11,0		
	70-105	0,35	0,040	0,090	1,73	5,0	12,0		
9 ўтлоқи саз, ўрта кумок, ғўза	0-30	1,96	0,168	0,200	1,85	6,1	8,0	0-50 50-100 0-100	107,2 31,6 138,8
	30-41	1,00	0,093	0,116	1,80	6,2	8,3		
	41-54	0,75	0,065	0,100	1,80	6,6	11,0		
	54-69	0,63	0,056	0,090	1,70	6,5	13,0		
	69-86	0,50	0,046	0,090	1,70	6,3	13,5		
	86-111	0,33	0,040	0,090	1,70	4,7	10,5		

2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда умумий азот ҳайдалма қатламда 0,115-0,195 % ўртасида ундан кейинги қатламда 0,08-0,111, иккинчи ярим метрлик қатламда эса 0,03-0,07 % ўртасида тебраниб туради. Узоқ муддатли суғориш натижасида ҳамда сурункасига фосфорли ўғитларни қўлланилиши туфайли бўлса керак, бу тупроқда умумий фосфор катта кўрсаткичга эга-0,170,20 % ҳайдалма қатламда, кейинги қатламларда эса 0,09-0,16 % ўртасида тебраниб туради. Лекин умумий фосфорнинг кўп бўлишига қарамасдан, агрокимёвий хизмат ташкилотлари томонидан тузилган ҳаракатчан фосфор хаританомасида бу тупроқлар фосфор унсури билан кам таъминланган гуруҳга киритилган. Ўсимлик фаолияти учун зарур бўлган калий унсури бўйича ҳам ҳолат шундай. Афсуски, бу масалага амалиётда етарлича эътибор берилмайди. Аслида эса суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида умумий калий 2 % атрофида бўлса, бу

унсури ҳаракатчан шакли атиги ўрта ёки кам даражада тақминланган ҳисобланади. (2-жадвал). Калий унсурининг кўп бўлиши, албатта тупроқни ҳосил қилувчи жинсларнинг бу унсурга бойлиги эвазига бўлади.

2-жадвалда келтирилган C:N га нисбати тупроқ органик қисмини органик азотли бирикмаларига бойлигидан далолат беради. Чунки бу нисбат тупроқнинг бир метрлик қатламида 5-6 ўртасида тебранади.

Серкарбонатлик бу тупроқлар учун ҳам хос хусусиятдир. Бу албатта, биринчи навбатда она жинснинг, қолаверса, суғориш сувларининг карбонатли бирикмаларига бойлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун барча агрокимёвий хоссаларга эга ва бу тупроқлар Кито-Шахрисабз ботиғида фойдаланишга мўлжалланган асосий ер захираси ҳисобланади. Бу йўналишдаги тадқиқотларни келгусида яна давом эттириш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Орлов М. А. О сероземах и оазисно-культурных почвах. Тр. САГУ, сер. VII, вып. 6. Ташкент, 1937.
2. Панкоа М. А. Почвообразующие породы В. Почвы Узбекистана 1. Ташкент ФАН, 1949.
3. Турсунов Л. Тупроқ физикаси. Тошкент, Меҳнат, 1988. 222-б.
7. Умаров М.У. Физические свойства почв районов нового и перспективного орошения Узбекистана. Ташкент. Фан. 1974. 282 с.
4. Юсупов С.А. Почвы Китаб-Шахрисабзской катлавины, их основные свойства и состояние плодородия. автореф. канд. биол. наук. Ташкент. 1999. С 23.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10-том. Тошкент. 2005. 611-612 бетлар.

УЎТ: 633.2.

БУРЧОҚНИ ТРИТИКАЛЕ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЭКИШНИНГ ТУПРОҚНИНГ ҒОВАКЛИГИНИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИРИ

Фурқат Асатиллаев, мустақил изланувчи,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти.

Аннотация. Такрорий экин сифатида бурчоқни алоҳида қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилган, уруғни 250 кг/га сарфлаб, маъдан ўғит N100 P70 K50 кг/га қўлланилганда 15 см ли қатор оралиғига нисбатан ғоваклиги ортган, лекин нисбатан кўпроқ даражада тупроқни ғоваклиги бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб гектарида 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда кузатилди.

Калит сўзлар: Такрорий экин, ғоваклик, бурчоқ, тритикале, экиш усули, ўғит меъёри, тупроқ, ўсимлик.

Кириш. Республикамизда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича илмий асосланган жадал технологиялардан фойдаланиб кўп тармоқли, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини озуқа базасини мустаҳкамлашда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиб, озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олишда озуқабоп экинларни экиш (аралаш, зичлаштирилган) усулларини қўллаб минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиб, ҳар бир гектар ердан олинадиган озуқа бирлигини кўпайтириш, таннархини камайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш бугунги куннинг зарур масалаларидандир.

Тупроқ бошқа табиий жисмлар каби ўзига ҳос бир қанча физик-механик хоссаларга эга. Тупроқнинг бу хоссалари ўсимлиكنинг ўсиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Тупроқнинг агрофизик хоссалари турли факторлар таъсирида ўзгариб туради.

Турли тупроқларда ғовакликнинг умумий ҳажми 40-50% бўлади. Ғоваклик турли тупроқларда ва уларнинг айрим қаватларида ҳар-ҳил бўлади. Ғоваклик тупроқ қатламида сув ва ҳавонинг ҳаракат қилишига ва шунга қараб бир қанча физик, кимёвий ва биологик процесларни ўзгариб туришида катта аҳамиятга эга (Мираҳмедов, Мирюнов [20; Б. 39]).

Х.С.Романов [83; Б. 137-160] собиқ ЎзПТИ нинг Сурхондарё филиалида жавдар ва вика, жавдар ва нўхат экинларини аралаш экиб олиб борган кузатувларида тупроқнинг 0-30 см қатламидаги чиринди миқдори 1,3 марта, 30-50 см қатламдаги чиринди миқдори эса 1,6-2,0 маротаба ортганлигини аниқлаган. Шунинг билан биргаликда тупроқнинг зичлиги камайиб, сув ўтказувчанлиги яхшилланган.

Олиб борган илмий изланиш натижалари. (1-жадвал) да келтирилган.

Тупроқни ғоваклигини ўзгаришига экиш усуллари, экиш ва ўғит меъёрларининг таъсири (мг/кг), 2008й.

Вариант тартиби	Экин турлари	Экиш усуллари	Экиш меъёрлари, кг/га	Ўғит меъёрлари, кг/га					
				N ₁₀₀ P ₇₀ K ₅₀ кг/га			N ₁₃₀ P ₉₀ K ₆₅ кг/га		
				Тупроқ қатламлари, см					
				0-30	30-50	50-70	0-30	30-50	50-70
				(Экиш олдидан)					
				5 га нуктада ўртача			54,1	52,5	51,6
Амал даври охирида									
1; 10	Назорат	Экинсиз	-	53,3	51,5	51,1	53,0	51,6	51,3
2; 11	Бурчок	Қатор ораси 15см қатор оралатиб экилди (60х30)	250	50,2	48,4	47,7	50,4	48,5	47,8
3; 12	Бурчоқ	Қатор ораси 60см хар қаторга экилди (60х60)	250	50,4	49,0	48,0	50,4	49,0	48,0
4; 13	Бурчок ва тритикале қўшиб экилди	Қатор ораси 60 см хар қаторда экилди (60х60)	250/200	51,2	49,7	49,0	51,2	49,7	49,0
5; 14			250/150	51,3	50,0	49,2	51,4	50,0	49,4
6; 15			250/100	51,0	49,2	48,7	51,1	49,4	49,0
7; 16		Қатор ораси 15 см қатор оралатиб экилди (60х30)	250/200	51,0	49,6	48,7	51,2	49,8	49,0
8; 17			250/150	51,1	50,0	48,5	51,1	50,0	49,2
9; 18			250/100	50,7	49,0	48,5	51,0	49,3	48,5

Тупроқнинг ғовақдорлик кўрсаткичи бўйича йилма-йил амал даври бошида ва амал даври охирида изланишлар олиб борилди.

2008-йилни шароитида кузги буғдой хайдалгандан сўнг олинган тупроқ намуналари таҳлилларидан (дастлаб) олинган маълумотларга кўра, тупроқнинг ғовақдорлиги ҳайдов (0-30 см) қатламида 54,1 %, 30-50 см да эса 52,5% ни ташкил қилди.

Ушбу майдонда, мавсум охирида ўтказилган тупроқ намуналари таҳлилида ишлов берилмай ётган назорат вариантыда тупроқнинг қатламлари бўйича бу кўрсаткичлар 53,3 ва 51,5 % ни ташкил қилди.

Демак, тупроққа ҳеч қандай таъсир кўрсатилмаса ҳам вақт ўтиши билан унинг ғоваклиги (айниқса хайдалма қатламида) бироз бўлсада ошиши кузатилди.

Маъдан ўғитлар N₁₀₀ P₇₀ K₅₀ кг/га меъёрларда қўлланилиб, бурчокни алоҳида гектарига 250кг/га уруғ сарфи билан қатор ораси 15см ли қатор оралатиб экилганда тупроқ ғоваклиги амал даври охирида тупроқ қатламлари мутаносиб равишда 50,2 ва 48,4% ни ташкил қилган ҳолда назоратдан 1,1 ва 3,1% га юқори бўлди. Вахоланки, бу ҳолат жуда кўп адабий маълумотларда ҳам баён қилинган.

Бурчокни алоҳида юқоридаги меъёрда қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда эса тупроқни ғоваклиги 50,4 ва 49,0% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 2,9 ва 2,5 % га ортган, лекин бурчокни алоҳида қатор ораси 15 см қатор оралатиб экилган вариант кўрсаткичларига нисбатан 0,2 ва 0,6% га камроқ бўлганлиги аниқланди. Бу эса экинларни далада зич ҳолатда тургандан кўра қатор ораси тикроқ бўлганда тупроқнинг ғовақдорлиги кўпайиб яхшилангани аниқланди.

Бурчокни тритикале билан биргаликда қўшиб гектарига 250/200, 150, 100кг/га меъёрларда уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда амал даври охирида тупроқни хайдалма қатламида ғовақдорлиги экиш меъёрларига мутаносиб равишда 51,2%; 51,3 ва 51,0% ни, ҳайдов остки қатламларида эса 49,7; 50,0 ва 49,2 ни ташкил қилди.

Демак, бу вариантлар орасида нисбатан камроқ даражада тупроқни ғовақдорлиги пасайиб, уруғ меъёрлари 150 кг/га бўлганда кузатилди. Бу вариант кўрсаткичлари назоратга нисбатан 2,0 ва 1,5% дастлабки ҳолатидан эса 2,8-2,5% га юқоридир.

Бурчокни тритикале билан биргаликда қўшиб юқоридаги экиш меъёрларида, қатор ораси 15см қатор оралатиб экилган вариантларда тупроқни ғовақдорлиги қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилган вариантларга нисбатан экиш меъёрларига мутаносиб равишда 0,2-0,1; 0,2-0,0 ва 0,3-0,2% га юқори бўлди. Лекин бу вариантлар орасида ҳам нисбатан яхши кўрсаткичлар экиш меъёрлари 150 кг/га бўлганда кузатилди.

Маъдан ўғитларни N₁₃₀ P₉₀ K₆₅ кг/га оширилган меъёрларда қўлланилган вариантларда фойдаланилган ортиқча ўғит меъёрини таъсири юқори даражада сезилмади, тупроқ ғовақдорлиги N₁₀₀ P₇₀ K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилганда олинган кўрсаткичларга тенг маълумотлар олинди. Қолган вариантларда ўғит меъёрларини ошганлиги таъсирида тупроқ ғовақдорлиги 0,3-0,7% га фарқланиш кузатилди. Айтиш жоизки, ўғитларни бу меъёрларида ҳам вариантлар орасида тупроқни ғовақдорлигининг ўзгаришига экиш усуллари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Нисбатан мақбул кўрсаткичлар бурчокни тритикале билан биргаликда қўшиб гектарига 250/150 кг/га меъёрларда уруғ сарфлаб, ўғитларни N₁₀₀ P₇₀ K₅₀ кг/га меъёрда қўллаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда олинди.

Тупроқ ғоваклиги ўзгариши 2009-2010 йиллар шароитида ҳам 2008 йилдаги каби экиш усуллари, меъёрларига боғлиқ ҳолда бўлганлиги аниқланиб ўғит меъёрларида эса ўзгариш сезилмади.

Таъкидлаб ўтамузми, изланиш йиллари тупроқни 50-70 см ли қатламларида биз қўллаган агротехник тадбирларни таъсири сезилмаганлиги учун, олинган маълумотларни баён қилмадик.

Умуман олганда эса такрорий экинлар экиш усуллари, меъёрлари ва ўғитлардан қатъий назар тупроқни ғовақдорлиги ўзгаришига экинларни қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқларини мақбул таъсир кўрсатишлари аниқланди, лекин бурчокни тритикале билан биргаликда қўшиб гектарига 250/150 кг/га меъёрларда уруғ сарфлаб, ўғитларни N₁₀₀ P₇₀ K₅₀ кг/га меъёрда қўллаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда эса янада самарали яхши маълумотлар олишга эришилди.

Олиб борган тадқиқотларимизда кузги буғдойнинг ҳосилини йиштириб олингандан сўнг, такрорий экинлар экиш усуллари, меъёрлари ва ўғитлардан қатъий назар, амал даври

бошидаги кўрсаткич натижаларига ҳамда назорат вариантларга нисбатан бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб гектарига 250/150 кг/га меъёрларда уруғ сарфлаб, ўғитларни $N_{100} P_{70} K_{50}$ кг/га меъёردа қўллаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилганда тупроқнинг ғовакчилиги (0-30 см) қатламда 3,2-1,8%,

(30-50 см) қатламда 3,0-1,3%, (50-70 см) қатламда эса 2,0-1,0% гача юқори бўлиши аниқланди. Ўсимлик қолдиқларидан қоладиган анги́з-илдиз қисми чириши натижасида тупроқнинг агрофизик кўрсаткичларини яхшиланиши билан бирга агро-кимёвий хоссаларини яхшиланиши исботланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мираҳмедов Х., Мирюнософ М. "Тупроқшунослиқдан амалий машғулотлар" Тошкент 1987 й. Б.39.
2. Романов Х.С. Возделывание кормовых культур на орошаемых землях. «Мехнат» Ташкент 1986, С.137-160.

УЎТ: 631.312

ЕРЛАРГА ТЕКИС ИШЛОВ БЕРАДИГАН БУРИЛМА ПЛУГ КОРПУСИНИНГ ҚАМРАШ КЕНГЛИГИНИ АСОСЛАШ

Гайбуллаев Бурхонжон Шерматжонович, PhD, катта илмий ходим,
Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти,
Барлибаев Шерзод Нақиббекович, PhD, доцент,
"ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университети.

Аннотация: Мақолада ерларга текис ишлов берадиган бурилма плуг корпусининг қамраш кенглигини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Тракторга таъсир этувчи ёнбош кучларга плуг корпусининг қамраш кенглигини таъсирини ўрганиш мақсадида корпусларнинг қамраш кенглигига 30 см дан 45 см гача ўзгартирилиб тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, плуг корпусининг қамраш кенглигини танлаш ва плугни трактор билан тўғри агрегатлаш шўдгорлаш сифатини ва плугнинг тўғри чизикли текис ҳаракатини таъминлаши ҳамда тортишга кам қаришлик кўрсатиши асосланган. Олинган натижалар бўйича тракторнинг бир томон гилдираклари анги́зда ҳаракатланиш усули танланган ва плуг корпусининг қамраш кенглиги 45 см бўлиши таъкидланган.

Таянч сўзлар: текис шўдгорлаш, бурилма плуг, агрегатлаш усули, трактор коляси, плуг корпуси, плуг корпусининг қамраш кенглиги, осии қурилмаси, ҳайдов чуқурлиги, плуг корпуслари орасидаги бўйлама масофа, плуг таянч текислигидан осии қурилмасининг пастки тақии нуқтасигача бўлган тик масофа, тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар, трактор шинасининг эни.

Аннотация: В статье представлены результаты исследований, проведенных по обоснованию ширины захвата корпуса роторного плуга для плоской обработки почвы. С целью изучения влияния ширины охвата корпуса заглизки на боковые силы, действующие на трактор, были проведены исследования при изменении ширины охвата кожухов от 30 см до 45 см. Выбор ширины охвата заглизки корпус и правильное агрегатирование вилки с трактором обеспечивают качество вспашки и прямолинейное движение вилки и малое сопротивление тяге. По полученным результатам был выбран способ движения трактора на одной стороне колес и отмечено, что ширина охвата корпуса плуга должна быть 45 см.

Ключевые слова: плоская вспашка, поворотный плуг, способ агрегатирования, тракторная колея, корпус плуга, ширина охвата корпуса плуга, устройство подвески, глубина проходки, продольное расстояние между корпусами вилки, расстояние по вертикали от плоскости основания вилки до нижней точки крепления устройство подвески, боковые силы, действующие на трактор, ширина шин трактора.

Abstract: The article presents the results of studies conducted to justify the width of the grip of the body of a rotary plow for flat tillage. In order to study the effect of the cover width of the plug body on the lateral forces acting on the tractor, studies were carried out when the cover width of the casings was changed from 30 cm to 45 cm. The choice of the cover width of the plug body and the correct aggregation of the fork with the tractor ensure the quality of plowing and the rectilinear movement of the fork and low traction resistance. According to the results obtained, the method of tractor movement on one side of the wheels was chosen and it was noted that the width of the plow body coverage should be 45 cm.

Key words: flat plowing, rotary plow, aggregation method, tractor track, plow body, plow body coverage width, suspension device, penetration depth, longitudinal distance between fork bodies, vertical distance from the fork base plane to the lower attachment point suspension device, lateral forces acting per tractor, tractor tire width.

Кириш. Республикамизда тупроққа асосий ишлов беришда асосан анъанавий плуглар қўлланилади. Уларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, улар билан шўдгорланган даладарда очик эгат ва марзалар ҳосил бўлади ва уларни

текислаш учун қўшимча текислаш ишлари олиб борилиши лозим. Мамлакатимизда ананавий шўдгорлар, асосан, асосий ишлов бериш учун ишлатилади. Уларнинг асосий камчилиги шундаки, улар билан ҳайдаладиган даладарда очик майдон-

лар ва чегаралар ҳосил бўлади ва уларни текислаш учун қўшимча текислаш ишлари олиб бориш керак. Тупроқнинг сифати қанчалик яхши бўлса, ўсимликлар шунчалик яхши униб, ривожланади, шунча юқори бўлади. Ҳосилдорликга, бошқа қишлоқ хўжалик техникалари билан камроқ қўшимча ишлов бериш талаб этилади. Маълумки, тупроққа асосий ишлов беришда энг кўп тарқалган усул шудгорлаш, яъни тупроқ қатламини ағдариш ҳисобланади [1]. Унинг асосий вазифаси тупроқнинг устки қатламини пастга, пастки қатламини эса юқорига олиб чиқишдан иборат. Бунда бегона ўт қолдиқлари, уларнинг илдизлари ва уруғлари, зараркунанда ва касаллик тарқатувчилар ҳамда шудгорлашдан олдин солинган минерал ва маҳаллий ўғитлар кўмилади. Шунингдек ишлов берилаётган тупроқ палахсаси деформацияланиб, уваланади ва майдаланади. Натижада далада бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалар камаяди, солинган минерал ва маҳаллий ўғитлар тупроққа яхши аралашади ҳамда тупроқ майинлашиб, ўсимлик ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Ерларни текис шудгорлаш учун айланма, фронтал ва бурилма плуглар ишлатилади [2]. Плугларнинг тавсифлари: айланма плуглар – корпуслари икки томонлама чап ва ўнг томонга ағдарувчи этиб ишланган, улар дала охирида рама ўқи бўйича 180 градусга симметрик айлантирилади; фронтал плуглар – ишчи органлари асосан ҳаракат йўналишига перпендикуляр бир тўғри чизиқда (фронтал) симметрик қарама-қарши жойлашган бўлиб, уларнинг ишчи юзаларига таъсир этувчи тупроқ реакцияларининг кўндаланг ташкил этувчилари ўзаро тенг бўлади; бурилма плуглар – корпус ағдаргичининг чап ва ўнг томонлари бир хил шаклга эга бўлиб ва улар ромбик шаклдаги тупроқ қатламини кесиб ағдаради, улар дала охирида корпуслар ўрнатилган рамани гидроцилиндр ёрдамида чапга ёки ўнгга буради. Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида асосан айланма ва бурилма плуглар кенг қўлланилади.

Текис шудгорладиган плугларни қўллаш ерларни қишлоқ хўжалиги экинларини экишга тайёрлаш ва уларни экишни конвейер усулида олиб бориш имконини беради. Бу усулда бугдой йиғиштирилиши биланоқ ерларга ҳайдов ва экиш олди агрегатлари билан ишлов берилади, ундан кейин эса экиш агрегатлари ҳаракатланади. Натижада, иш сифати ва унуми ортади, тупроқдаги намликнинг минимал йўқотилишига эришилади.

Шудгорланган дала юзасининг текис бўлиши экинган уруғларни бир текис униб чиқиши, экинларни суғориш ишларини сифатли ўтказилиши, сувларини тежаш, сувчиларнинг иш унуми юқори бўлишига имкон яратиб, текис ерларда агрегатларни иш унуми юқори бўлишини таъминлайди, машинанинг иш органлари ва механизмларини ейилиши камайиб, ишдан чиқишлар сони қисқаради. Текис шудгорладиган плуглар ерга асосий ишлов беришда алоҳида ўрин эгаллайди. Текис шудгорлашда далаларни пайкалларга бўлиш, уларни шудгорлашда агрегатни белгиланган мураккаб тартибда ҳаракатлантириш ва экин экишдан олдин шудгорланган ерни текислаш каби ишларни бажаришга ўрин қолмайди, ерларни текислаш учун турли агрегатларни далага кириштириш сони камаяди. Демак, тупроқнинг зичланиши кескин камаяди, натижада ҳосилдорлик 15 % гача ошади. Шу сабабли тузилиши мураккаброқ бўлишига қарамасдан, текис шудгорладиган плугларнинг кенг қўламда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Масалани қўйилиши. Тупроқ қанча сифатли шудгорланса, ўсимликлар шунча яхши униб чиқади ва ривожланади, ҳосил юқори бўлади, бошқа қуроллар билан қўшимча ишлов бериш кам талаб қилинади [3].

Ечиш усули. Маълумки, ҳозирги даврда жаҳон амалиётида плуглар тракторлар билан икки хил усулда агрегатланади[4]:

1. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда, яъни ҳайдалмаган майдон устида ҳаракатланади (1-расм, а);

2. Тракторнинг ўнг ғилдираклари (оддий плуг билан ишлаганда) ёки ўнг ва чап ғилдираклари навбат билан (айланма плуг билан ишлаганда) агрегатнинг олдинги ўтишида ҳосил бўлган эгат ичида ҳаракатланади (1-расм, б).

Натижа таҳлили ва мисоллар. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда 1, а-расмдаги схемадан кўриниб турганидек плугнинг қаршилиқ маркази C_p трактор бўйлама ўқидан узоқ (кўндаланг йўналишда) масофада жойлашган бўлади ва у (бўйлама ўқ) билан R_{xy} (бунда: R_{xy} – горизонтал текисликда плугга таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси) кучи орасида катта бурчак (1, а-расмдаги α_{z1} бурчак) ҳосил бўлади. Натижада тракторга таъсир этувчи ёнбош куч $R_{xy} \sin \alpha_{z1}$ катта қийматга эга бўлади ва натижада тракторни бошқариш қийинлашади. Бундан ташқари бу ҳолатда плугга таъсир этувчи тортиш кучи P_{xy} нинг ёнбош ташкил этувчисидан дала тахталарига қўшимча юкланиш тушади. Бунинг натижасида плугнинг тортишга қаршилиги ортади.

Тракторни ўнг ёки чап ғилдираклари эгат ичидан ҳаракатланганда (1, б-расм) плугнинг қаршилиқ маркази унинг (тракторнинг) бўйлама ўқидан ёки унга яқин масофада жойлашган бўлади. Натижада трактор ғилдиракларига таъсир этувчи ёнбош куч $R_{xy} \sin \alpha_{z2}$ кам бўлади ва тракторни ёнбош томонга сурилиб кетиш хавфи камаяди.

1-расмда келтирилган схемалар ва илгари бажарилган тадқиқотларга биноан [5]

$$\alpha_{z1} = \arcsin \left(\frac{c + 0,5(b_m + B_{KT}) - (n-1)b_k}{S + M + e + 0,5nL} \right) \quad (1)$$

$$\text{ва } \alpha_{z2} = \arcsin \left(\frac{0,5(B_{KT} + b_m) - \Delta_z - (n-1)b_k}{S + M + e + 0,5nL} \right), \quad (2)$$

бунда: c – эгат деворидан етакчи ғилдираккача бўлган масофа, м;

b_m – трактор шинасининг эни, м;

B_{KT} – тракторнинг колеяси, м;

n – плуг корпусларининг сони, дона;

S – трактор осии механизми пастки бўйлама тортқиларининг унга уланган нуқтасидан у ғилдиракларининг босим марказигача бўлган бўйлама масофа, м;

$$M = \sqrt{l_6^2 - 0,25(l_n - \kappa_n)^2} - (H + a - H_1);$$

l_6 – трактор осии механизми пастки бўйлама тортқиларининг узунлиги, м;

l_n – плуг осии қурилмасининг пастки осии(тақиш) нуқталари орасидаги кўндаланг масофа, м;

k_n – трактор осии механизми пастки бўйлама тортқиларининг тракторга уланган нуқталари орасидаги кўндаланг масофа, м;

H – тракторнинг таянч текислигидан у осии механизми пастки тортқиларининг олдинги шарнирлари $C(C_1)$ гача бўлган тик масофа, м;


a – ҳайдов чуқурлиги, м;

H_1 – плугнинг таянч текислигидан у осии қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа, м;


e – пługнинг пастки осиш нуқтасидан биринчи корпусгача бўлган

бўйлама масофа, м;

L – пług корпуслари орасидаги бўйлама масофа, м.



а)



б)

1-расм. Пługни трактор билан агрегатлаш схемалари:

а) тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланади;

б) тракторнинг бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланади

(1) ва (2) ифодалар ҳамда $R_x = n \cdot \kappa \cdot a \cdot b_k$ (бунда: R_x – пługнинг тортишга қаршилиги; κ – тупроқнинг шудгорлашга солиштирма қаршилиги; a – ишлов бериш (ҳайдаш) чуқурлиги; b_k – пług корпусининг қамраш кенглиги) ни ҳисобга олганда [6] пług томонидан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучларни қуйидагича ифодалаш мумкин


$$R_{y1} = n \cdot \kappa \cdot a \cdot b_k \cdot \operatorname{tg} \left(\frac{c + 0,5(b_{\text{ш}} + B_{\text{КТ}}) - (n-1)b_k}{S + M + e + 0,5nL} \right) \quad (3)$$

ва

$$R_{y2} = n \cdot \kappa \cdot a \cdot b_k \cdot \operatorname{tg} \left(\frac{0,5(B_{\text{КТ}} + b_{\text{ш}}) - \Delta_z - (n-1)b_k}{S + M + e + 0,5nL} \right), \quad (4)$$


Ушбу келтириб чиқарилган ифодалардан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучларга пług корпусининг қамраш кенглигини таъсирини ўрганиш мақсадида корпусларнинг қамраш кенглигига 30 см дан 45 см гача ўзгартирилиб тадқиқотлар ўтказилди.

$n = 3$ дона; $\kappa = 6 \cdot 10^4$ Па; $b_k = 0,45$ м; $a = 0,3$ м; $c = 0,3$ м; $b_{\text{ш}} = 0,393$ м; $B_{\text{КТ}} = 1,8$ м; $\Delta_z = 0,1$ м; $e = 0,24$ м; $S = 1,387$ м; $l_6 = 0,8$ м; $l_n = 0,8$ м; $k_n = 0,48$ м; $H = 0,73$ м, $H_1 = 0,65$ м [7] қабул қилиниб, (3) ва (4) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар пług корпусининг турли қамраш кенгликларидан тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда ҳамда бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганда тракторга таъсир этувчи ёнбош кучларнинг қийматлари аниқланди. Уларнинг натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда ҳамда бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганда тракторга таъсир этувчи ёнбош кучларнинг пług корпусининг қамраш кенглигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, корпуснинг қамраш кенглиги 30 см дан 45 см гача ўзгарганда тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар аввал ортди, кейин эса камайди, тракторнинг бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганда эса таъсир этувчи ёнбош кучлар бир текисда камайиб борди. Буни корпуснинг қамраш кенглиги ортиши билан трактор бўйлама ўқи билан горизонтал текисликда пługга таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси R_{xy} орасидаги бурчак α нинг кичиклашиши билан изоҳлаш мумкин. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганга нисбатан ёнбош кучлар таъсирининг нисбатини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 3-расмда келтирилган, ундан кўриниб турибдики, корпуснинг қамраш кенглиги 30 см дан 45 см гача ортиши билан тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганга нисбатан мос равишда 2,1 мартадан 5,2 мартагача кўп ёнбош кучлар таъсир этишини кўрсатди.



3-расм. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда бир томон ғилдираклари эгат ичида ҳаракатланганга нисбатан ёнбош кучлар таъсирининг нисбати.

Хулоса. Пług корпусининг қамраш кенглигини тўғри танлаш ва пługни трактор билан тўғри агрегатлаш шудгор сифатини ҳамда пługнинг тўғри чизиқли текис ва тортишга қаршилигини камайтириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Tukhtakuziyev A, Gaybullaev B Sh 2019 Motivation parameter hinge plate plow to vegetable-growing tractor TTZ-100SP. - International journal of advanced research in science, engineering and technology 6(1), pp7996-7998
2. Tukhtakuziyev A, Abdulhayev Kh G, Barlibaev Sh N Determining the appropriate values of compactor parameters of the enhanced Harrow Leveller.-Civil Engineering and Architecture – USA.2020.8(3): pp 218-223.
3. Tukhtakuziev A, Barlibaev SH Research of the connection scheme of an improved small-leveler with a tractor.- IJARSET International journal of advanced research in science, engineering and technology – Indiya. 6(3), pp 8444-8447.
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун (I-қисм). – Тошкент, 2016. – 138 б.
5. Normirzaev Abdulkayum, Nishonov Botirjon, Nuriddinov Akmaljon, Gaybullaev Burkhonjon. Influence Of An Attack Angle Of A Spherical Disk Suggest And The Congressive Unit Speed On The Distance Of Soil // Jour of adv research in dynamical & control systems. – USA. vol. 12, special issue-06, 2020. – pp 512-517.
6. Мансуров М.Т. Филдиракли тракторларнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарини агрегатлашнинг илмий-техник ечимлари. Техн.фан.док. ...дисс. – Тошкент, 2018. – 208 б.
7. Гайбуллаев Б.Ш. К обоснованию параметров навески плугов // 2nd International scientific conference "European Applied Sciences: modern approaches in scientific researches". 18-19th February 2013. Volume 3. Stuttgart, – Germany. 2013. – pp 21-22.
8. Тухтакузиев А., Гайбуллаев Б.Ш. Обоснование параметров навески плуга к овощеводческому трактору TT3-100SP // Техника в сельском хозяйстве. Московский научно-теоретический журнал. – Москва.2014, №3. –С. 15-16.
9. Tukhtakuziev A., Imamkulov Q., Madumarov K., Buzrukov Z., Gaybullaev B, Turaev N. Definition Optimal Values Of Device Parameters That Semi-Open Pomegranate Trees // Solid State Technology. – USA. Volume: 63 Issue: 6, 2020. – pp 9778-9787.
10. ГОСТ 10677-2001 //Устройство навесное заднее сельскохозяйственных тракторов классов 0,6–8. – Минск: Изд-во стандартов, 2002. – 11 с.
11. Umurzakov U, Mirzaev B, Mamatov F, Ravshanov H, Kurbonov S A 2019 IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 403 Tashkent, Uzbekistan 012163 pp
12. F.M. Mamatov, B.S. Mirzaev, I.J. Avazov, Sh.U. Buranova, Sh.X. Mardonov. To the issue of energy-saving poteroerosive differentiated soil treatment system //Agriculture Innovation Moskow. – 2016. – Т. 3. – №. 18. – С. 58-63.
13. Chuyanov, D., Shodmonov, G., Avazov, I., Rashidov, N., Ochilov, S. 2020 Soil preparation machine parameters for the cultivation of cucurbitaceous crops IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 883(1), Tashkent, Uzbekistan 012122 pp
14. Ravshanov Kh, Fayzullaev Kh, Ismoilov I, Irgashev D, Mamatov S 2020 IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering, 883, Tashkent, Uzbekistan 012138 pp
15. Мансуров М.Т. Расулов А.Д. Теоретическое обоснование параметров выравнивателя-уплотнителя комбинированной машины по системе push-pull для предпосевной обработки почвы. Молодой учёный №8 (112) ISSN 2072-0297 – Москва, 2016. – 257 с.
16. Астанакулов К.Д. Расулов А.Д. Мош дони ўлчамларининг корреляциявий боғлиқлиги ва фракциявий тақсимотини аниқлаш. Ирригация ва мелиорация Махсус сон, 2019. – 95-99 б.
17. Tukhtakuziev A., Rasuljonov A. 2020 IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 614 (2020) 012156 doi:10.1088/1755-1315/614/1/012156.
18. Aristov AN, Mulya MG 1972 Proceedings of the ChIMESX. 57 Moskov, 5-12pp
19. Knyazev AA, Baev NK 1972 Proceedings of the ChIMESX 57 Moskov, 13-18pp
20. Нормирзаев А.Р., Калимбетов М.П. Совершенствование технологического процесса работы малы-выравнивателя //Современные проблемы механики машин. Актуальные проблемы развития наземной транспортной системы: Сборник докладов республиканских научно-технических конференций с участием зарубежных ученых. – Ташкент, 2004. С. 149.

М У Н Д А Р И Ж А

ЗАРАРКУНАНДАЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Х.КИМСАНБАЕВ, М.УСМОНОВ, М.ЭРГАШЕВ. Кишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши биологик ҳимоя қилишда энтомофаглarning ўрни	1
Х.КИМСАНБАЕВ, Р.ЖУМАЕВ, Н.ЖУМАЕВА. <i>Bracon hebeysor say</i> паразит энтомофагини идентификациятаҳлили.....	2
А.АНОРБОВ, А.НОРҚУЛОВ, А.БУРХОНОВА. Жиззах вилояти шароитида ерғоқ зараркунандалари ва уларнинг учраш даражаси.....	3
Х.КИМСАНБАЕВ, Р.ЖУМАЕВ, Л.АБДУВОСИҚОВА. Аҳолини қарам маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш мақсадида қарам зараркунандаларининг турлари ҳамда иқтисодий ва ижтимоий зарар етказиш даражасини аниқлаш.....	5
Р.ЖУМАЕВ, А.РУСТАМОВ, Н.ЖУМАЕВА, Н.СОДИҚОВА, А.БАКИЕВ. Яйцеядные паразиты карантинных вредителей отряда Lepidoptera.....	10
Р.ЖУМАЕВ, О.СУЛАЙМОНОВ, Н.ЖУМАЕВА, Н.СОДИҚОВА, А.БАКИЕВ. Сохранение и повышение ие биологических качественных показателей трихограммы при разведении ее в биолaborаториях.....	12
А.ХАСАНОВ, Ш.ЭСАНБОВ, С.ҚОБИЛОВ. Бодом мевахўрига (<i>Eurytoma samsonovi</i> vass) қарши кимёвий препаратларнинг самарадорлиги.....	15
А.ЮСУПОВ, А.ЭЛБОБОВ. Терак зараркунандаларининг табиий қушандалари.....	16
A.RUSTAMOV, N.SODIQOVA, D.AKMALOVA. Laboratoriya sharoitida Trichogramma chilonis parazit entomofagini onalik avlodini ko'paytirish usullari.....	19
Д.САЙПИЕВА, А.АНОРБАЕВ. Кулупнай экинида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби, тизимли таҳлили.....	21
SH.XASANOVA. Archa unsimon qurtiga qarsh xonqizi qo'ng'izlarini ko'paytirish va qo'llashning samaradorligi.....	23

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

Д.НУРМУХАМЕДОВ, Д.ТАГАБАЕВ. Ўсимликларни ҳимоя қилишда илғор, инновацион технологиялар.....	25
Ғ.БАХШИЛЛОВ, Э.УМУРЗАКОВ. Шафтоли навларини барг бўжмайиш касаллигига чидамлилиги.....	26
M.RAXIMOVA. Urug'li mevalarda kalmaraz kasalligiva unga qarshi zamonaviy kurash choralari ni takomillashtirish.....	28
С.ХОДЖАМҚУЛОВА, У.РАХМОНОВ. Токнинг антракноз касаллигига қарши кураш чораларининг муаммо ва ечимлари.....	29
А.УЧАРОВ, Ж.АБДУРАХМАНОВА, А.СУЛТАНОВ. Перспектива применения эндифитных микроорганизмов в системе защиты растений от вредителей и болезней.....	30
Н.РУЗИЕВА, Г.ДЖУМАНИЯЗОВА, Д.РЎЗМЕТОВ. Сабзавот экинлари касалликларини биоконтрол қилиш учун биофунгицидлар сифатида тузга чидамли тупроқ бактерияларидан фойдаланишнинг афзалликлари.....	32
Н.РУЗИЕВА, Г.ДЖУМАНИЯЗОВА, А.ШЕРЕМБЕТОВ. Антагонистическая активность солеустойчивых почвенных бактерий P.Bacillus и priestia к фитопатогенам P.Alternaria.....	34
N.ABDURAXMONOV, U.RAXMONOV. Karamdosh sabzavot ekinlarning qorason kasalligi va ularga qarshi kurash choralari.....	36
Х.НАЗАРОВ. Экологик таълимни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар.....	37
М.МИРЗАИТОВА. Эффективность фунгицидов в борьбе с паршой на яблоне.....	42

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

Р.ЖУМАЕВ, Л.АБДУВОСИҚОВА. Инсонлар саломатлиги учун зарарсиз бўлган органик сабзавот (бутгуллилар) маҳсулотларини етиштиришнинг табиий механизмлари.....	45
X.ALLANOV, M.NORMURADOVA. Amarant – tuproq sho'rlanishiga chidamli va sho'rlanishni kamaytiruvchi foydali o'simliklardan biri.....	47
SH.SARMONOV, J.XIDIROV, SH.TO'YCHIEV, M.G'OYIBNAZAROVA. Tritikale - chovvachilik rivoji uchun muhim ozuqa manbai.....	48
Н.СИДДИҚОВА. Нинабаргли дарахлардаги микромицетларнинг микдорий таркиби.....	50
Х.КИМСАНБОВ, А.БУРХОНОВА. Ерғоқнинг навлар бўйича зараркунандалар билан зарарланиш даражаси.....	51

ПРЕПАРАТЛАР, МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАШ

С.АЛИМУХАМЕДОВ, К.МАМАТОВ, С.МАМАТОВ. Иссиқхона шароитида янги агротехнологияларни қўллашнинг аҳамияти.....	54
А.АЛЛАЯРОВ, Н.РАЙИМБАЕВА. Қарамдош сабзавот экинларининг қорасон ва фузариоз касаллигига қарши органика Ф биопрепаратини қўллаш.....	56

"AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI"

Илмий-амалий журнал

БОШ ДИРЕКТОР

Интизор
БОҚИЕВА

МАСЪУЛ КОТИБ

Абдунаби
АЛИҚУЛОВ

ДИЗАЙНЕР

Улуғбек
МАМАЖОНОВ

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 26 майда 0560-рақам билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 30 мартдаги №239/5-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Босмахонага топширилди
7.12.2022 йил.

Босишга рухсат этилди:
7.12.2022 йил.

Офсет босма усулида босилди.
Хажми 8 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/8.
Адади 500 нусха.
Буюртма № 8.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, Шараф ва
Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Р.МУМИНОВ. Применение безопасных препаратов конфидор в.к., вертимек к.э., фитоверм 5% к.э. в борьбе с паутинным клещем (*tetranychus urticae koch.*) и трипсами (табачный - *thrips tabaci lindemann*, западный цветочный трипс - *frankliniella occidentalis pergande*), на розах в условиях защищённого грунта Ташкентской области 60

Ш.САТТОРОВ, И.ИСАМИДИНОВ, Д.НУРМУХАМЕДОВ, Д.ТАГАБАЕВ. Экиш билан бирга қўлланиладиган гербицидларнинг мош экинидаги бегона ўтларга таъсири..... 63

Л.МИРЗАЕВ. Кузги бугдойдан сўнг экилган кунгабоқарда қўлланилган минерал ўғит меёрларининг куруқ масса тўплаши ва ҳосилдорликка таъсири 65

ПАХТАЧИЛИК

М.ҲАЙДАРОВ. Органик пахта етиштиришда ўсимликларни химоя қилиш тамойилининг ўрни 67

ҒАЛЛАЧИЛИК

О.АМАНОВ, Д.ЖЎРАЕВ, Н.ЁДГОРОВ. Кузги бугдой парваришида маъданли ўғитлар меёрини табақалаштириб беришнинг аҳамияти 69

Г.ИШАНКУЛОВА. Кузги юмшоқ бугдой навларини тўлиқ пишиш даврларига минтақа шароитининг таъсири 71

А.УРАЗБАЕВ, Ш.ХОДЖАЕВ, Т.АТАЖАНОВ, Н.НУРУМОВА. Ёўза қатор орасида кузги бугдой етиштиришда бегона ўтлар муаммоси.... 72

А.УРАЗБАЕВ, Р.МУРОДОВ, Н.НУРУМОВА. Биологическая эффективность инсектицидов против сосущих вредителей озимой пшеницы..... 74

В.ИСМОИЛОВ, Ш.ТУРСУНОВ, Б.МАВЛОНОВ.

Жавдар навларининг дон сифатига экиш муддати ва минерал ўғитларнинг таъсири 75

Т.ОСТОНАҚУЛОВ, И.НУРИЛЛАЕВ, Ш.ХОЛМУРАДОВ.

Эртаги ва такрорий экинлар сифатида турли муддатларда экилганда ширин маккажўхори ўсиши ва ҳосилдорлиги..... 77

X.IDRISOV, I.AVAZOV. O'tloqi-botqoq tuproqlar sharoitida moshning (*Phaseolus aureus* Piper) nav tanlov ko'chatzorida o'tkazilgan tadqiqotlar ... 79

X.IDRISOV. Tipik bo'z tuproqlar sharoitida mosh navlarini tadqiq etish ..81

X.IDRISOV, A.IRGASHEV. Toshkent viloyati o'tloqi-botqoq tuproqlari sharoitida ekish muddati va me'yorlarini mosh navlari mahsuldorlik ko'rsatkichlariga ta'siri 83

X.IDRISOV. O'tloqi-botqoq tuproq sharoitida soyaning kolleksiya ko'chatzorida o'tkazilgan tadqiqotlar 84

Б.КУЛДАШОВ, М.ПАРМОНОВА, А.ҲАМЗАЕВ.

Турли инокулянтларни соя донининг биокимёвий таркибига таъсири.....86

Н.ТУЙҒУНОВ, Н.ОТАМИРЗАЕВ. Соя зараркундаларига қарши кураш чоралари..... 88

ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК

J.USMONOV. Yerlarni lazerli tekislash va suv tejovchi texnologiyalarni qo'llashning roli 90

Ф.ХАШИМОВ, О.ТАШКЕНБАЕВ, М.КУБАЕВА, М.СУЛТОНОВА. Факторы влияющие на гумусное состояние почв долиной и пустынной зон Зеравшанской долины 91

Р.БОБОНОВ, Б.ТОЖИЕВА. Типик бўз тупроқлар худудидаги бўз ўтлоқи тупроқлар морфологиясини ўрганиш..... 94

Ф.АСАТИЛЛАЕВ. Бурчокни тритикале билан биргаликда экишнинг тупроқнинг ғовақлигини ўзгаришига таъсири 97

Б.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Ш.БАРЛИБАЕВ. Ерларга текис ишлов берадиган бурилма плуг корпусининг қамраш кенглигини асослаш..... 99